



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/3



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- |                       |  |                        |  |
|-----------------------|--|------------------------|--|
| <b>Н. Салаев</b>      | – Бош муҳаррир, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ю.ф.д., профессор  | <b>Д. Хабибуллаев</b>  | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.н., профессор   |
| <b>И. Рустамбеков</b> | – Бош муҳаррир ўринбосари, ўқув ишлари бўйича проректор, ю.ф.д., профессор   | <b>Н. Имомов</b>       | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор  |
| <b>Б. Пулатов</b>     | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси профессори, ю.ф.д.  | <b>М. Баратов</b>      | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д.   |
| <b>М. Миракулов</b>   | – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти бошлиғи биринчи ўринбосари, доцент, ю.ф.д.                    | <b>Г. Тулаганова</b>   | – Тошкент давлат юридик университети “Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура” кафедраси профессори, ю.ф.д.   |
| <b>Д. Миразов</b>     | – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти “Соҳавий ҳуқуқий фанлар” кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., профессор | <b>Х. Каримов</b>      | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунлар устидан назорат” кафедраси бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD) |
| <b>У. Мухамедов</b>   | – Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - юридик техникум директори, ю.ф.д., профессор                         | <b>Н. Рахмонкулова</b> | – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи фанлари” кафедраси доценти, ю.ф.д.   |
| <b>С. Гулямов</b>     | – “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси профессори, ю.ф.д.   | <b>Б. Мусаев</b>       | – Тошкент давлат юридик университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, ю.ф.д., профессор в.б.  |
| <b>О. Окюлов</b>      | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д.   | <b>Р. Кучкаров</b>     | – Тошкент давлат юридик университети “Умумтаълим фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.   |
| <b>М. Ахмедшаева</b>  | – Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси профессори, ю.ф.д.                                  | <b>Ҳ. Салоева</b>      | – Тошкент давлат юридик университети Таҳририй-нашриёт бўлими бошлиғи, масъул муҳаррир  |
| <b>У. Тухташева</b>   | – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари, ю.ф.д., профессор                          |                        |  |

### МУАССИС: ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали

“Юриспруденция” правовой научно-практический журнал

“Jurisprudence” legal scientific-practical journal

“Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2020 йил 22 декабрда 1140-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетида тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш муассис рухсати билан амалга оширилади.

Сотувда келишилган нархда.

ISSN 2181-1938

© Тошкент давлат юридик университети

# MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ  
NAZARIYASI VA TARIXI. HUQUQIY  
TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ISMOILOV BEKJON SALHOVICH**  
Nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini  
ta'minlashda xorijiy tajriba va milliy qonunchilikni  
takomillashtirish istiqbollari

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY  
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 17 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ АБДУРАСУЛОВИЧ**  
Солиқ интизомини бузганлик учун  
молиявий жавобгарлик
- 24 **БАБАДЖАНОВ АТАБЕК  
ДАВРОНБЕКОВИЧ**  
Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик  
органлари шаклланишида сиёсий партиялар  
иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.  
TADBIRKORLIK HUQUQI.  
OILA HUQUQI.  
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 33 **БОЗАРОВ САРДОР  
СОХИБЖОНОВИЧ**  
Стратегии и перспективы развития  
искусственного интеллекта в мире и Республике  
Узбекистан: сравнительный анализ
- 46 **УСМОНОВА МУНИСХОН  
ЙЎЛДОШ ҚИЗИ**  
Фуқаролик муносабатларида жисмоний  
шахс иштирокининг нормал ҳолатини  
таъминловчи юридик мезонлар тавсифи
- 54 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР  
КУРБОННАЗАРОВИЧ**  
Киберсквоттинг – товар белгиларини  
ноқонуний ўзлаштиришда янги хавф (илмий  
ва амалий таҳлил)

12.00.04 – FUQAROLIK  
PROTSESSUAL HUQUQI.  
XO‘JALIK PROTSESSUAL HUQUQI.  
HAKAMLIK JARAYONI VA  
MEDIATSIYA

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.  
IJTIMOIY TA‘MINOT HUQUQI

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI,  
HUQUQBUZARLIKLARNING  
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

67 **САИДМАВЛОНОВА ГУЛАСАЛХОН  
САИДАКРАМХОН КИЗИ**

Перспективы применения зарубежного  
опыта правового регулирования  
инвестиционных отношений в Республике  
Узбекистан

77 **ҚУТЛИМУРАТОВ ФАРХАД ҚАЛБАЕВИЧ**

Қайта ташкил этилаётган юридик шахс  
кредиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш  
механизмларининг умумий тавсифи

86 **ХУДОЙНАЗАРОВ ДАДАХОН АБАЗ ЎҒЛИ**

Низоларни судга қадар ҳал этиш усуллари:  
миллий ва хорижий тажриба

93 **ХОЖАБЕКОВ МУФТУЛЛА  
ЖОЛМУРЗА ЎҒЛИ**

МДХ мамлакатлари қонунчилиги мисолида  
ўриндошлик асосида ишлашнинг қиёсий  
таҳлили

103 **УРАЗАЛИЕВ МУРОД КОРАЕВИЧ**

Причины и условия преступлений,  
связанных с наркоманией

112 **ТОШПУЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ  
қилишда умумилмий методларнинг  
қўлланилиши

121 **ДЖАЛИЛОВ ФУРКАТ ЗАКИРОВИЧ**

Давлат хизматчисининг қонунга ҳилоф  
мулкый манфаатдорлиги билан боғлиқ  
жиноятлар субъектига доир нормаларни  
такомиллаштириш масалалари

- 127 **САГДУЛЛАЕВ ФАТХУЛЛА ШУКРУЛЛАЕВИЧ**  
Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан  
четга чиқиш учун жавобгарлик белгиловчи  
жиноят қонунчилиги нормаларининг  
ривожланиши тенденциялари
- 

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.  
KRIMINALISTIKA,  
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA  
SUD EKSPERTIZASI

- 135 **ТАШЕВ АЗИЗБЕК ИБРАГИМОВИЧ**  
Понятие и значение института отведения  
несовершеннолетних от системы правосудия
- 

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA  
NAZARIYASI VA METODIKASI  
(SOHALAR BO'YICHA)

- 143 **JUMANIYOZOVA NURIYA AHMEDOVNA**  
Tilshunoslikda yuridik diskurs o'rganilishi:  
maqsad va vazifalari
-

UDC: 34(575.1)

ORCID: 0000-0001-6765-3821

## NOGIRONLIGI BO'LGAN SHAXSLAR HUQUQLARINI TA'MINLASHDA XORIJIY TAJRIBA VA MILLIY QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

**Ismoilov Bekjon Salihovich,**  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
mustaqil izlanuvchisi,  
e-mail: bekjon.4@mail.ru

**Annotatsiya.** Maqolada nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini himoya qilishda xorij tajribasi atrof-licha o'rganilgan. Bu masalada xalqaro tajribaning ahamiyati qay darajada ekanligi huquqiy jihatdan tahlil etilgan. Xususan, nogironligi bo'lgan shaxslarning atrof-muhitga moslashishi, ularning kasbiy reabilitatsiya jarayonlari, ularni ishga joylashtirish strategiyalari xalqaro qonunchilik asoslariga muvofiq ko'rib chiqilgan. Bizga ma'lumki, alohida ehtiyojli shaxslarni ishga joylashtirish butun dunyoda eng dolzarb ijtimoiy muammolardan biri sanaladi. Shunga ko'ra, bu shaxslarni kasbga o'qitish, ularning kasbiy malakalarini muntazam oshirish, bo'sh ish o'rinlarini davlat tomonidan nazorat qilib borish davlat ijtimoiy siyosatining muhim yo'nalishidir. Shuningdek, maqolada mazkur masala va uning yechimlari bo'yicha lozim darajada xulosalar chiqarish uchun soha mutaxassislarining yondashuvlariga murojaat qilingan. Ijtimoiy sohalarida xorijiy tajribalar tahlil qilinar ekan, ularning ayrim jihatlarini milliy qonunchiligimiz talablari-ga moslashtirish maqsadga muvofiq ekanligi ilgari surilgan.

**Kalit so'zlar:** xorijiy tajriba, xalqaro amaliyot, xalqaro qonunchilik asoslari, nogironligi bo'lgan shaxs-lar, jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslar, qo'shimcha ehtiyojli insonlar, ijtimoiy siyosat.

### ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ИНВАЛИДОВ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**Исмоилов Бекжон Салихович,**  
независимый соискатель  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье подробно рассматривается зарубежный опыт защиты прав лиц с ограниченными возможностями. Юридически проанализирована важность международного опыта в этом отношении. В частности, адаптация людей с ограниченными возможностями к окружающей среде, процессы их профессиональной реабилитации и стратегии их трудоустройства были рассмотрены в соответствии с международным правом. Как известно, трудоустройство людей с особыми потребностями является одной из важнейших социальных проблем в мире. Соответственно, профессиональное обучение лиц с ограниченными возможностями, постоянное совершенствование их профессиональных навыков и контроль государства над вакансиями являются важными аспектами социальной политики государства. При анализе зарубежного опыта в социальной сфере утверждалось, что некоторые аспекты целесообразно адаптировать к требованиям национального законодательства.

**Ключевые слова:** зарубежный опыт, международная практика, основы международного права, люди с ограниченными возможностями, люди с инвалидностью, люди с дополнительными потребностями, социальная политика.

## FOREIGN EXPERIENCE IN ENSURING THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES AND PROSPECTS FOR IMPROVING NATIONAL LEGISLATION

**Ismoilov Bekjon Salihovich,**  
Independent Researcher  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article examines in detail the foreign experience of protecting the rights of persons with disabilities. The importance of international experience in this regard is analyzed from a legal perspective. In particular, the adaptation of people with disabilities to the environment, their vocational rehabilitation processes, and the strategies for their employment have been examined in accordance with international law. One of the most important social issues in the world is the employment of people with special needs. Therefore, vocational training for these individuals, continuous improvement of their professional skills, and government oversight of vacancies are important aspects of state social policy. The article also considers the opinions of specialists in this field, allowing us to draw the necessary conclusions on this issue and ways to solve it. When analyzing foreign experience in the social sphere, it was maintained that some aspects are advisable to adapt to the requirements of our national legislation.

**Keywords:** foreign experience, international practice, basics of international law, people with disabilities, people with additional needs, social policy.

### Kirish

Jahon mamlakatlari rivojlanib borar ekan, dunyo hamjamiyatining qonunchilik asoslari ham shunga monand ravishda takomillashib boraveradi. Xususan, nogironligi bo'lgan insonlar huquqlarini himoya qilish borasidagi normativ-huquqiy me'yorlar ham keyingi davrlarda yangicha mazmun-mohiyat kasb etmoqda. Jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslar huquqlarini ta'minlash bo'yicha fikr yuritir ekanmiz, dastlab Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan qabul qilingan va amaliyotda bugungi kungacha o'zining dolzarbligini saqlab kelayotgan sohaviy qonunchilik asoslarini aytib o'tishimiz zarur. Sababi bu rasmiy maqomdagi hujjat bo'lib, barcha mamlakatlar uchun majburiy tusga ega bo'lgan xalqaro darajadagi muhim tartibotni belgilaydi. Jumladan, nogironligi bor shaxslar huquq va manfaatlarini himoya qilishga yo'naltirilgan me'yorlar ham ana shunday konseptual xarakterga ega. "Har bir inson jamiyat a'zosi sifatida davlatning tuzumi va resurslariga binoan ijtimoiy

ta'minot olish, qadr-qimmatini saqlash va shaxsini erkin kamolga yetkazish huquqiga egadir" [1].

Jahon hamjamiyatida kishilarning qadr-qimmatini ta'minlashda barcha mamlakatlar birdek mas'ul hisoblanadi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi ham bu masalani amalga oshirish, inson erkinliklarini to'la ta'minlash va rag'batlantirish majburiyatini bajaradi. Shu maqsadda ishtirok etuvchi davlatlar quyidagi majburiyatlarni o'z zimmasiga oladi:

inson huquqlarini amalga oshirish uchun barcha qonunchilik, ma'muriy va boshqa choralarini ishlab chiqish;

nogironligi bor shaxslarga nisbatan kamситish xususiyatiga ega fikr va mulohazalarni o'zgartirish mexanizmini yo'lga qo'yish;

barcha davlat dasturlari hamda strategik harakatlarda nogiron shaxslar huquqlari ifoda etilishini hisobga olish;

davlat hokimiyati organlarining nogironlar huquqlari to'g'risidagi konvensiyaga muvofiq ishlashini kafolatlash;



nogironlik belgisi bo'yicha kamsitilishga sabab bo'luvchi har qanday holatlarni bar-taraf etish choralari tizimini yo'lga qo'yish;

mavjud obyektlar, ishlar hamda xizmatlar-ni nogironligi bor insonlarning talab-ehtiyoj-lariga muvofiqlashtirish;

fuqarolik jamiyatida nogironligi bo'lgan insonlar uchun qulay ijtimoiy muhit yaratish va hokazo.

2030-yilgacha mo'ljallangan Barqaror rivoj-lanish maqsadlari mamlakatimizda har bir insonning huquq va qonuniy manfaatlarini ta'minlashni ko'zda tutadigan "hech kimni e'tibordan chetda qoldirmaslik" tamoyili aso-sida amalga oshiriladi. Ayniqsa, yurtboshimiz Sh.M. Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkilotining inson huquqlariga bag'ishlangan 46-sessiyasida aytgan so'zlari jismoniy nuqsoni bor insonlar huquqlarini himoya qilish sohasi-da juda katta amaliy ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu sessiyada yurtboshimiz bu kabi shaxslar huquqlarini ro'yobga chiqarish bo'yicha qu-yidagi qimmatli fikrlarni ilgari surdilar.

"Alohida ehtiyojga ega bo'lgan shaxslar-ni huquqlarini ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratiladi.

Yaqinda nogironligi bo'lgan shaxslarning huquqlari to'g'risidagi yangi qonun kuch-ga kirdi. O'zbekiston parlamenti nogironlar huquqlari to'g'risidagi konvensiyani ratifikat-siya qilishi kutilmoqda.

Biz imkoniyati cheklangan shaxslarning o'z qobiliyatini to'la ro'yobga chiqarish masa-lalari bo'yicha mintaqaviy kengash tuzishni taklif etamiz" [2].

Shu o'rinda nogironligi bor insonlar huquqlarini xalqaro miqyosda himoya qi-lishga yo'naltirilgan jahon siyosatining o'ziga xos tarixi mavjud ekanligini aytib o'tishimiz o'rinlidir. Nogironligi bor insonlar huquqlarini himoya qilishga qaratilgan huquqiy asoslar-ni taraqqiyot yo'liga e'tibor beradigan bo'lsak, bu jarayonlar bir necha bosqich-dan iborat ekanligiga guvoh bo'lamiz. Bi-rinchi bosqichni biz BMTning tashkil etil-ishi, uning faoliyat nizomining qabul qili-

nishi bilan izohlashimiz mumkin. Bu davr 1945–1983-yillarni o'z ichiga oladi va aynan jismoniy nuqsoni bor insonlarni tibbiy reabi-litatsiya qilish, ularning yo'qotilgan mehnat qobiliyatlarini tiklashga oid chora-tadbirlar amalga oshirilganligi bilan ahamiyatli hisobla-nadi. Shuningdek, 1975-yilda BMT tomoni-dan nogironlar huquqlari deklaratsiyasi ham qabul qilingan. Ushbu rasmiy hujjat asosida jamiyatning kam ta'minlangan a'zolari ijti-moiy ahvolini belgilash amaliyoti kuchaytiril-di. 1983–1993-yillarni ifoda etuvchi ikkinchi bosqichda dunyo mamlakatlari bo'yicha nogi-ronligi bor shaxslarni jamiyatning to'la huquq-li a'zosi sifatida qabul qilish amaliyoti huquqiy jihatdan tartibga solina boshladi. Bundan tashqari, nogironligi bor insonlar uchun Jahon harakat dasturi [1982], Nogironligi bo'lgan shaxslar uchun teng hamda standart imkoni-yatlarni ta'minlash qoidalari [1993] haqidagi normalar ishlab chiqildi. Statistik ma'lumotlar bo'yicha ushbu yillarda ko'plab mamlakatlar BMTga a'zo bo'lgan. Jumladan, O'zbekiston Res-publikasi ham 1992-yil 2-martda BMTning to'la huquqli a'zosi deb tan olindi. Bu esa inson-lar huquqlari va ularning qonuniy manfaatlari xalqaro standartlar darajasida himoya qili-nishiga zamin hozirladi. 1993–2006-yillarni aks ettiruvchi uchinchi bosqich qo'shimcha ehtiyojli shaxslar huquqlarini himoya qilish-ga qaratilgan maxsus konvensiya va hujjatlar imzolanishi hamda amaliyotga kiritilishi bilan xarakterlanadi. Endilikda ular tibbiy reabi-litatsiya subyekti sifatida emas, balki aniq bir huquqiy maqomga ega bo'lgan shaxs o'laroq tan olinadigan bo'lishdi. To'rtinchi bosqich-da bu kabi shaxslar inson huquqlari instituti subyektlari sifatida jamiyat va davlat boshqa-ruvida hamfikirlik imkoniyatlarini qo'lga kiri-tishdi. Taraqqiyotning ushbu bosqichi ta'lim olish huquqlari, kasb tanlash hamda ishga joylashish imkoniyatlarining sezilarli ravish-da oshganligi bilan nogironligi bor insonlar hayotida chuqur iz qoldirdi.

Shu o'rinda ochiq tan olish zarurki, il-garigi bosqichlarda ham bu kabi imkoni-



yatlar nisbatan mavjud edi. Biroq ularning alohida toifali shaxslar hayotida qo'llanish ko'lam juda oz miqdorda edi. Bu shaxslar qobiliyatiga nisbatan bo'lgan ishonchsiz munosabat ta'siri natijasida yuzaga kelgan degan fikrdamiz.

Haqiqatan ham, bugungi kunda nogironligi bor insonlarni xalqaro standartlarga muvofiq ijtimoiy himoya qilish jahon hamjamiyati oldidagi muhim vazifalardan biriga aylandi. Sababi keyingi o'n yillikda alohida ehtiyojli kishilarning davlat va jamiyat ishlarida faolliklari kuzatila boshladi. Ularga bemor inson sifatida emas, balki jamiyatning to'la huquqli a'zosi sifatida qarash amaliyoti kuchaydi. Bu ijobiy holat, albatta. Xalqaro hamjamiyat buni hisobga olgan holda, qo'shimcha ehtiyojli insonlarning imkoniyatlari va huquqlarini hurmat qilish, buni insoniy turfa xillikning tarkibi hamda insoniyatning uzviy ajralmas bir qismi sifatida qabul qilish bo'yicha bir qator rasmiy hujjatlarni imzoladi.

2006-yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan qabul qilingan "Nogironlar huquqlari to'g'risida"gi konvensiya dunyo miqyosida ular huquqlari to'la-to'kis ta'minlanishida bosh omil bo'lib xizmat qilmoqda. Ushbu konvensiyaning maqsadi: "Barcha nogironligi bo'lgan shaxslarning huquq va erkinliklarini rag'batlantirish, himoya qilish hamda to'la va keng miqyosda amalga oshirilishini ta'minlash, shuningdek, ularga xos qadr-qimmatni hurmat qilishni rag'batlantirishdan iboratdir. Alohida ehtiyojli shaxslarga turli to'siqlar bilan o'zaro munosabatda ularning boshqalar bilan teng holda jamiyat hayotida to'la va samarali ishtirok etishiga xalaqit beradigan barqaror jismoniy, psixik, intellektual yoki sensor buzilishlari bo'lgan shaxslar taalluqlidir" [3].

### **Tadqiqot natijalari**

Global o'zgarishlar yuz berayotgan bugungi kunda alohida ehtiyojli shaxslarni kompleks himoya qilish chora-tadbirlarini yanada kuchaytirish davr talabiga aylanmoqda. BMT tomonidan qabul qilingan nogiron-

lar huquqlari haqidagi konvensiya davlatlar xayrixohligida ratifikatsiya qilinib, ijtimoiy-huquqiy tamoyillar yangi yondashuvlar asosida mustahkamlanmoqda. Mana shu jarayonlarga yetib kelgunga qadar Yevropada nogironligi bor insonlarga ijtimoiy hamda tibbiy yordam masalalariga davlatlar darajasida e'tibor qaratilmagan [4].

XX asrning birinchi yarmida yuzaga kelgan jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatlar jahon jamoatchiligida jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslarning huquqiy maqomini deyarli yo'qqa chiqardi, desak aslo mubolag'a bo'lmaydi. Xalqaro hamjamiyatning Ikkinchi jahon urushi ta'sirida jismoniy nuqsoni bor insonlarga nisbatan munosabati butunlay ta'sirsiz mazmunga ega bo'lib qoldi. Bu holatning bosh sababi sifatida dunyo mamlakatlaridagi inson huquqlarini himoya qilishga bag'ishlangan munosib puxta ishlangan huquqiy asoslarning yaratilmaganligini ko'rsatish mumkin. Ikkinchi asosiy sabablaridan biri deyarli barcha davlatlarda moliyaviy imkoniyatlarining qisqarib ketishi hisoblanadi.

Keyinchalik bu kabi shaxslarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashda xayriya modeli, ijtimoiy hamda iqtisodiy modellardan foydalaniladigan bo'ldi. Dunyoda ijtimoiy-iqtisodiy model, asosan, davlatlar tomonidan ajratiladigan moddiy ko'maklar yordamida tashkil qilinardi. Xayriya modeli esa insonlarning shaxsiy byudjetlari yoki cherkov mablag'lari hisobidan amalga oshirilgan [5].

Xalqaro huquq sohasiga ijtimoiy himoya tushunchasining jadal sur'atlar bilan kirib kelishi natijasida nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini ifoda etish kompleks tarzda rivojlana boshladi. Bu esa qo'shimcha ehtiyojli shaxslarga yondashuvning turlicha bo'lishini taqozo etmoqda. Ya'ni nogironligi bo'lgan insonlarga qaysi modelga ko'ra yondashuvni belgilash to'g'ri bo'ladi degan haqli savol ilmiy munozaralar yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda. Bu ilmiy munozaralar nogironlikni kasallik sifatida qabul qilish to'g'rimi yoki

insonning jismonan cheklanganlik holati o'laroq baholash o'rinlimi degan savolga aniqlik kiritish ustida boryapti. Bu tushunchaga aniq ta'rif beriladigan bo'lsa, nogironligi bor insonlarni qaysi modelga ko'ra qo'llab-quvvatlash maqbul ekanligiga oydinlik kiritiladi. Shuning uchun bu borada turli qarash va yondashuvlar o'ziga xoslik kasb etadi. R.N. Javoronkovning ta'kidlashicha, alohida ehtiyojli shaxslar ijtimoiy, tibbiy va aralash modellar orqali himoya qilinadi [6].

G'arb olimlari esa, asosan, yangi huquqiy modelni yoqlashadi. Insonlardagi funksional cheklanishlarni qo'shimcha imkoniyatlar yaratish orqali bartaraf etish maqsadli ekanligini tushuntirishadi [7].

Ayrim yevropalik mutaxassislar nogironlikni tibbiy hodisa sifatida talqin etishadi. Uni jismoniy holat cheklanishi natijasida yuzaga keladigan tibbiy holat deb baholashadi [8].

Nogironlik tibbiy holat bo'lib, maxsus chora-tadbirlar asosida rehabilitatsiya qilib boriladi. Bu tibbiy hamda ijtimoiy himoya obyekti hisoblanadi [9].

Bizning fikrimizcha, nogironlik bu kasallik emas, jismoniy cheklanish hisoblanadi. Hech kimga sir emaski, kasallik o'zining atrof-muhitga ta'sirchanligi bilan alohida ajralib turadi. Nogironlik esa bu faqat o'sha shaxsning o'zigagina xos holatdir. Yuqorida keltirilgan mulohazalardan kelib chiqqan holda, nogironlikni tibbiy model obyekti deb ta'riflash mumkin. Biroq bu kabi shaxslarning huquqiy maqomi ularni faqat bu modelga mansub subyektlar deb aytishimizga imkon bermaydi. Sababi alohida ehtiyojli shaxslar ham sog'lom jamiyatning ajralmas qatlami hisoblanadi. Shu ma'noda ular ijtimoiy jarayonlarning ishtirokchisi sifatida jamiyat va davlat ishlarida bevosita qatnashish huquqiga ega. Nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlari haqida fikr yuritar ekanmiz, xorijiy yuridik adabiyotlarda bu bir necha turlarga bo'lib o'rganilishini ta'kidlashimiz kerak. Birinchi navbatda, ular boshqa sog'lom insonlar singari umume'tirof etilgan huquqlardan

foydalanishadi. Ikkinchidan esa bu kabi shaxslar maxsus imtiyoz shaklidagi huquqlarga ham ega. Aynan maxsus huquqlarning imtiyoz shaklida deb urg'u berganimizning boisi, bu huquqlar faqat alohida ehtiyojli shaxslargagina taqdim etiladi [10].

E'tiborlisi shundaki, maxsus huquqlar xalqaro darajadagi me'yorlar bilan mustahkamlab qo'yilgan. Bu huquqlar sirasiga nogironligi bor insonlarning nafaqa olish huquqi, oliygohlarda grant asosida ta'lim olish huquqi; imtiyozli ishga joylashish huquqi; soliqlardagi imtiyozlardan foydalanish huquqi kiradi. Bu huquqlar bir qarashda umumiylik kasb etayotgandek taassurot uyg'otadi. Lekin ularning jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslar hayotiga tatbiq etilishida qo'shimcha imtiyozlar bilan qo'llanishi bayon etayotgan mulohazalarimizni dalillaydi. Nogironligi bor insonlar huquqlarini himoya qilish va ularni yuridik jihatdan tartibga solish jarayonlarini ayrim olimlar mazmunan bir nechta bosqichdan iborat degan fikrni ilgari surishadi. R.N. Javoronkov bu borada quyidagicha mulohaza yuritadi:

- nogironligi bor inson huquqlarining jamiyat tomonidan tan olinishi;

- bu shaxslar huquqlarining xalqaro darajada tartibga solinishi;

- milliy qonunchilik asoslarini BMT tomonidan imzolangan huquqiy asoslarga moslashtirish va ularning davlatlar tomonidan ratifikatsiya qilinishi [11].

Nogironlar huquqlarini himoya qilishni tartibga solish masalalarini N.V. Ilina quyidagi to'rt bosqichga bo'lib o'rganishni tavsiya qiladi:

- nogironligi bor shaxslar huquqlarini himoya qilishda munosib huquqiy asoslarning yaratilishi;

- sohada yaratilgan huquqiy asoslarning muntazam yangilanib borishiga erishish;

- alohida toifali shaxslar huquqlarini kompleks himoya qilishni tizimlashtirish;

- nogironligi mavjud insonlar huquqlarini ro'yobga chiqarishda mavjud qonunchilik

talablariga doimiy rioya qilinishini kafolatlash [12].

### **Tadqiqot natijalari tahlili**

Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqqan holda, biz jismoniy imkoniyati cheklangan insonlar huquqlarini amalga oshirishda xalqaro tajriba hamda xalqaro hamkorlikning o'рни o'ziga xosligini aytib o'tmoqchimiz. Xorijiy mamlakatlarning bu boradagi tajribasini o'rganish, fikrimizcha, foydadan xoli bo'lmaydi. Ayniqsa, nogironligi bor kishilarning ish bilan ta'minlanish imkoniyatlarini yanada mukammallashtirish maqsadga muvofiqdir. Bandlik masalalari, ijtimoiy ta'minot masalalari va shunga o'xshash bir qator muammoli vaziyatlarga jahon hamjamiyatining e'tiborini qaratish maqsadida BMT 31/123-sonli rezolyutsiyasiga muvofiq, 1981-yilni "Xalqaro nogironlar yili" deb e'lon qildi. Ushbu yilning nogironligi bor shaxslar huquqlarini ta'minlashga yo'naltirilganligi bu shaxslar muammolariga yaxshi ma'noda jiddiy yondashuvlar yuzaga kelishiga imkon yaratdi. Ochiq tan olish kerakki, BMTning ushbu yil dasturiga qadar nogiron insonlar duch kelayotgan muammolarga nisbatan aniq konseptual yondashuvlari mavjud emas edi. Qaysiki ma'noda, zarur qonunchilik asoslari yaratilgan va amaliyotga kiritilgan edi. Biroq bu hujjatlarni alohida ehtiyojli shaxslar hayotiga tatbiq etish jarayonlari ko'ngildagidek yo'lga qo'yilmagan edi. BMT tomonidan qabul qilingan yil dasturi yordamida nogironlikning oldini olish hamda uni iloji boricha barvaqt aniqlashni yo'lga qo'yish, alohida ehtiyojli insonlarni zarur texnik-tibbiy vositalar bilan ta'minlash, bu kabi shaxslarni kasbga o'qitish hamda ularni munosib ishga joylashtirish jarayonlarini xalqaro miqyosda tartibga solish islohotlarini jadallashtirish maqsadida ko'plab mamlakatlarda bir qator ijobiy ishlar amalga oshirildi. Shunday ijobiy o'zgarishlar aholining zaif qatlami hisoblanuvchi bu kabi insonlarga har taraflama teng imkoniyatlar yaratishda o'z ifodasini topdi. Ularning jamiyat hayotining barcha sohalari-

da teng ishtirok eta olish salohiyatlarini shakllantirish xalqaro ijtimoiy himoyaga mo'ljallangan BMT dasturlarining muhim vazifalari etib belgilangan [13].

Bundan tashqari, BMT tashabbusi bilan nogironligi bor insonlar huquqlarini ta'minlashga qaratilgan bir qator qo'shimcha dasturlar ishlab chiqildi. Misol uchun, 1986-yil 4-dekabrda BMTning 41/128 sonli rezolyutsiyasi bilan nogironligi bo'lgan shaxslarning rivojlanish huquqi to'g'risida deklaratsiya imzolandi. Bu deklaratsiyaga ko'ra, barcha davlatlar nogiron shaxslarning o'z imkoniyat hamda salohiyatlarini oshirib borishlari uchun zarur chora-tadbirlarni amalga oshirishlari shart. BMT bosh kotibi ta'kidlaganidek, "rivojlanish kontekstida nogironlik masalalarining asosiy maqsadi – atrof-muhitning nogironligi bor shaxslar uchun qulay bo'lishini ta'minlashdan iborat" [14].

BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar tomonidan ishlab chiqilgan ijtimoiy himoya va nogironligi bor insonlar huquqlarini himoya qilishga qaratilgan dasturlar asosida dunyo mamlakatlari bu sohaga nisbatan jiddiyroq e'tibor qarata boshladi. Bu jarayonlar davlatlar tashabbusi bilan turli yondashuvlar yordamida amalga oshirildi. Misol uchun, Malayziyada nogironlar huquqlarini ta'minlash ijtimoiy ta'minot chora-tadbirlari orqali tartibga solingan. Jumladan, moddiy yordam, nafaqalar va boshqa ijtimoiy yordamlar asosida bu shaxslarni qo'llab-quvvatlash davlat ijtimoiy siyosatining asosini tashkil etgan. Turkiyada bu masalani hal etishda, asosan, tibbiy imkoniyatlardan ko'proq foydalanilgan. Nogironligi bor insonlarning tibbiyot markazlaridan bepul foydalanish imtiyozlari, tibbiy reabilitatsiya jarayonlarining davlat byudjeti hisobidan tashkil qilinishi bu mamlakat ijtimoiy siyosatining muhim jihatlari hisoblanadi [15].

Bu islohotlar, o'z navbatida, boshqa davlatlarda ham qonunchilik asoslari yordamida tartibga solina boshlandi. Xitoyda 1991-yil 15-mayda nogiron insonlar huquqlarini hi-

moya qilishga qaratilgan qonun qabul qilindi. Bu qonun, asosan, nogironligi bor insonlarning tibbiy hamda moddiy ta'minotini qamrab olishga qaratilgan. Agarki, bu statusni alohida ehtiyojli shaxslar huquqlarini himoya qilish borasidagi modellar misolida tushuntiradigan bo'lsak, bu jarayon aralash modelga mansubligini ko'rishimiz mumkin. O'ylashimizcha, Xi-toyning bu borada aralash modelda ijtimoiy siyosat olib borayotganligi keyingi yillarda o'zini oqlamoqda.

Bizga ma'lumki, aralash modelda nogironligi bor insonlar ham tibbiy, ham ijtimoiy jihatdan qo'llab-quvvatlanadi. Bu modelning yutuqli tomoni shundaki, bunda jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslarning sog'lom muhitga biror-bir to'siqsiz moslasha olishi uchun hukumatning o'zi bosh islohotchi vazifasini bajaradi. AQShda esa bu qonun ularning bandligi, ishga joylashish huquqi, jamoat transport vositalaridan erkin foydalanish huquqi, qulay ijtimoiy muhitda yashash huquqi va boshqa bir qator munosabatlarni mustahkamlashga mo'ljallangan. Bu yerda ham bir qarashda jarayonlar aralash modelga asoslangandek taassurot qoldiradi. Aslini olganda, bu mamlakatda huquqiy model ustuvorlik kasb etadi. Chunki alohida toifali shaxslarga ham jamiyatda sog'lom munosabat shakllanib ulgurgan. Bu shaxslarga ayrim jamiyatlardagidek bemorga qaragandek emas, balki to'la huquqli subyekt maqomida murojaat qilinadi. Shuning uchun 1991-yil AQShda qabul qilingan "Nogiron insonlar huquqlari to'g'risida"gi qonun ham ularning o'z ijtimoiy muhitidan kelib chiqqan holda amaliyotga tatbiq etilgan.

BMT keyingi yillarda ham nogironlar huquqlarini ta'minlash borasidakeng qamrovli islohotlarini davom ettirdi. Xususan, 1993-yil 20-dekabrda 48/96-sonli rezolyutsiyasiga muvofiq, "nogironligi bo'lgan shaxslar uchun teng imkoniyatlarni ta'minlash qoidalari" ishlab chiqildi. Bu standart qoidalarga ko'ra, barcha davlatlar quyidagi jihatlarga e'tibor qaratishlari belgilab qo'yildi. Davlatlarning alo-

hida toifali shaxslar imkoniyatlarini inobatga olgan holda, o'z milliy siyosatlarini yo'lga qo'yishi; mamlakatlarda inklyuziv siyosatning xalqaro miqyosdagi yo'nalishlari aniq belgilanishi; nogironligi bor insonlarni ijtimoiy himoya qilishda xalqaro qoidalaridan kelib chiqqan holda, milliy standartlarni ishlab chiqish shular jumlasidandir [15].

Alohida toifali shaxslarning huquqlari, erkinliklari va ularning qonuniy manfaatlari bo'yicha so'z borar ekan, ularni huquqiy jihatdantartibgasolib turuvchi xalqaro hamda milliy miqyosdagi hujjatlarni ta'kidlab o'tishimiz shart. Qonunlar, xalqaro darajadagi shartnoma va bitimlar, konvensiyalar, rezolyutsiyalar nogironlar huquqlarini ro'yobga chiqarish va ifoda etishning muhim omillari sanaladi [16].

Aholi turmush tarzining o'sib borayotganligi hamda hayotiy ehtiyojlarning kuchayayotganligi munosabati bilan nogironligi bor insonlarni kasbga o'qitish, ularni ishga joylashtirish xalqaro miqyosda davlatlar oldida turgan vazifalardan biriga aylanmoqda. Hech kimga sir emaski, jismoniy nuqsoni bor insonlarning ish bilan ta'minlanish muammosi sohadagi eng global muammolardan biri hisoblanadi. Bu masala nafaqat bizning respublikamizda, balki butun jahonda dolzarb ahamiyatga ega. Bu masalaning dolzarbligi shundaki, bu kabi insonlar ish bilan ta'minlansa, demak, ularning davlat tomonidan beriladigan ijtimoiy moddiy yordamlarga nisbatan ehtiyojlari kamayadi. Ya'ni ular o'z ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlarini o'zlari mustaqil qanoatlantirish qobiliyatiga ega bo'ladilar. Afsuski, alohida ehtiyojli insonlarning dunyo bo'yicha kasbiy reabilitatsiya jarayonlari bugunga qadar ham ijobiy hal qilinmagan. To'g'ri, bu kabi shaxslarni ish bilan ta'minlash maqsadida davlat boshqaruvi hokimiyati organlari tomonidan ish beruvchilarga bir qator imtiyozlar yaratib berilgan. Lekin mana shu yaratib berilgan imtiyozlardan ish beruvchilarning bexabarligi yoki boshqa asossiz sabablarga



ko'ra, bu kabi insonlar ishsiz va ijtimoiy hayotdan uzilgan holatda qolib ketishmoqda. Mana shu jarayon qo'shni mamlakatlar, umuman olganda, dunyo davlatlarida ham kuzatilmoqda. Shuning uchun qo'shimcha ehtiyojli fuqarolarning mehnat qilish bilan bog'liq munosabatlarini huquqiy o'rganish va bu masalani atroflicha tahlil qilish maqsadga muvofiq. Bu maqsadga erishish yo'llari va usullari sifatida quyidagilarni keltirish mumkin.

1. Nogironligi bor insonlar qobiliyatiga nisbatan bo'lgan yondashuvlarning subyektivligini ta'minlash; bunda, bu kabi shaxslar qobiliyatiga nisbatan ishonch bilan munosabat bildirishni yo'lga qo'yish nazarda tutiladi. Shubhasiz, har qanday sharoitda jismoniy imkoniyati cheklangan insonlar sog'lom raqobatga bardosh berishlari qiyin kechadi. Bu holatni inkor etish imkonsiz, albatta. Biroq ularning kasbiy tayyorgarligini muntazam oshirib borish natijasida qaysidir ma'noda ularni ish bilan ta'minlash mumkin degan fikrdamiz.

2. Amaliyotga kiritilgan qonunlar ijrosini kafolatlash; agarki biz bu boradagi soha qonunlari mohiyatiga nazar tashlaydigan bo'lsak, qonunda nogironligi bo'lgan insonlarning barcha huquqlari himoyalanganligiga guvoh bo'lamiz. Lekin bu belgilab qo'yilgan huquq va imtiyozlarning ishlatilish, insonlar hayotiga qo'llanish darajasini inobatga olsak, me'yorlar ayrim holatlarda go'yoki ishlamayotgandek taassurot qoldiradi. Masalan, alohida toifali shaxslarning ishga joylashishi bo'yicha 3 foizlik kvota mehnat qonunchiligiga muvofiq qat'iy belgilab qo'yilgan. Amalda esa biror-bir ishlab chiqarish bilan shug'ullanayotgan korxonaga ishga joylashish masalasi bo'yicha murojaat qilinsa, kvota sifatida saqlab qolingan ish o'rnini topish murakkab jarayon hisoblanadi. Shunday muammolarni nogironligi bor bitiruvchi talabalarning oliygohlarni tugatish jarayonlarida ham kuza-tish mumkin. O'zbekiston Respublikasi milliy qonunchiligiga ko'ra, universitetni grant asosida o'qib tugatayotgan talaba oliy o'quv yurtining maxsus yo'llanmasiga asosan ishga qa-

bul qilinishi kerak. Aslini olganda esa bu holat o'zgacharoq hal etiladi. Ya'ni bitiruvchi talaba o'zi ish topishga majbur bo'ladi. Vaholanki, universitet uni yo'llanma asosida ishga joylashtirishi zarur.

Aytish mumkin bo'lsa, bu holat, ayniqsa, nogironligi bor insonlar misolida bartaraf qilin-sa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bu kabi shaxslar qobiliyatiga nisbatan ishonchsiz munosabat shakllanib qolgan bir paytda grant asosida oliy ta'limni bitirayotgan bo'lajak kadrni ish qidirishga majbur qilish adolatdan emas, albatta.

3. Milliy qonunchilikda belgilangan cho-ra-tadbirlar mazmunining o'zaro bog'liqligini ta'minlash; bu yerda qonunlarda belgilangan qoidalar bir-birini muntazam to'ldirib bori-shi nazarda tutiladi. Misol uchun, mehnat qonunchiligiga ko'ra, nogironligi bo'lgan insonlar ham ishlash huquqiga ega. Biroq ularning nogironlik holatlarini qayd etish hujjati-da bu shaxslar mehnatga layoqatsiz ekanligi yozib qo'yiladi. O'ylashimizcha, nogironlar jamiyatlari va tashkilotlari bu borada jiddiy takliflar ishlab chiqib, mutasaddi organlarga topshirishlari talab etiladi. Qonunchilik tizimidagi bu kabi noaniqliklarni tuzatish orqali davlat ijtimoiy siyosatining mukammallikka erishishini kafolatlash mumkin. Mavjud kam-chiliklarga atroflicha munosabat bildirar ekan-miz, masalaning ikkinchi tomoni ham borli-gini esdan chiqarmasligimiz zarur.

Ta'lim jarayonida alohida ehtiyojli o'quv-chi va talabalarga nisbatan noto'g'ri yon-dashuv shakllangan. Qaysiki ma'noda, ulardan ta'lim dasturlarida belgilab qo'yilgan stan-dartlar, odatda, lozim darajada talab qilin-maydi. Afsuski, bu jarayon nogiron shaxs-larning malakasiz bo'lib qolishiga olib keli-shi mumkin. Agarki berilayotgan topshiri-q slaydlar tayyorlash ko'rinishida bo'ladigan bo'lsa, bu vaziyatni to'g'ri tushunish mumkin. Qolgan holatlarda esa bu kabi ta'lim oluvchi-lar umumiy talablarga javob berishi kerak. Bu ularning kasbiy tayyorgarligi mustahkam bo'lishiga xizmat qiladi.

Hech kimga sir emaski, kasbiy tayyorgarlikning yaxshi bo'lishi ularning mehnat bozorida chidamli hamda raqobatbardosh kadr bo'lishiga yordam beradi. Kasbiy malaka va bilimlarni rivojlantirish milliy tizimi – mehnat bozorining malakali xodimlarga bo'lgan haqiqiy ehtiyojlari hamda malakali ishchi kuchiga oid takliflar ta'lim va kasbga o'qitish tizimi tomonidan maqbul tarzda kelishib olinishini ta'minlovchi huquqiy va institutsional jihatdan tartibga solish mexanizmlari yig'indisi hisoblanadi.

Bizga ma'lumki, nogironligi bor insonlarning ishga joylashish imkoniyatlari O'zbekiston sharoitida ham, xalqaro miqyosda ham juda kam hisoblanadi. Shuning uchun hukumatlar bu kabi shaxslarning ish bilan ta'minlanishini muntazam nazorat qilib borishi maqsadga muvofiqdir. Shu ma'noda mamlakatimizda aholi bandligi sohasida davlat siyosatini yuritishda quyidagi yo'nalishlarga ko'ra faoliyat olib boriladi:

ish o'rinlari tashkil etilishini rag'batlantirish va aholi bandligiga ko'maklashish, shu jumladan, ish o'rinlarini tashkil etishga doir davlat buyurtmasi hamda ish qidirayotgan shaxslar va ishsiz shaxslarni kasbga tayyorlash, qayta tayyorlash hamda ularning malakasini oshirishga doir davlat buyurtmasini shakllantirish orqali ko'maklashish;

ishsiz shaxslarni moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy himoya qilish, ishsizlikni kamaytirish choralari ko'rish, aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalarini ishga joylashtirishga ko'maklashish;

yoshlarni, ayniqsa, qishloq joylardagi yoshlarni, umumiy o'rta va o'rta maxsus ta'lim tashkilotlari, kasb-hunar maktablari, kasb-hunar kollejlari, texnikumlar, oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirishni ta'minlash bo'yicha choralarni amalga oshirish;

aholi bandligi sohasida zamonaviy kasbiy standartlarni joriy etish, mehnatni normalashtirish hamda mehnatga haq to'lash mexanizmlarini takomillashtirish;

aholi bandligi sohasida ayollar va erkaklar uchun teng huquqlar hamda imkoniyatlarni ta'minlash;

ishga joylashtirish jarayonlariga ilg'or axborot texnologiyalarini joriy etish, aholining ishga joylashishiga ko'maklashish bo'yicha xizmatlar bozorida zamonaviy infratuzilma va raqobat muhitini yaratish;

O'zbekiston Respublikasi fuqarolariga O'zbekiston Respublikasidan tashqarida ishga joylashishiga ko'maklashish, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida vaqtinchalik mehnat faoliyatini amalga oshirish davrida ularning huquqiy va ijtimoiy jihatdan himoya qilinishini ta'minlash.

Umuman olganda, jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslarni kasbiy reabilitatsiya qilish ularning ijtimoiylashuvida eng muhim bosqich hisoblanadi. Ular ishga joylashish orqali o'zlari uchun zarur bo'lgan, ma'lum bir darajadagi natijani qayd etishlari mumkin. Bu jarayon quyidagi xususiyatlar bilan xarakterlanadi. Bu kabi shaxslarning kasbiy reabilitatsiyasi ta'minlanishi ularning psixologik holati normal darajada bo'lishini kafoflatlaydi. Bu orqali ularning insonlar, umuman jamiyat bilan o'zaro munosabati tiklanadi. Hayotga nisbatan ishonchi kuchayadi. Ikkinchidan, alohida toifali insonlarni o'z darajasidagi ishga joylashtirish ularning hayotiy talab va ehtiyojlarini mustaqil qanoatlantirish imkoniyatlarini sezilarli darajada oshiradi. Demak, ularda bu kabi jarayonlarning tartibga solinishi boshqa bir ehtiyojmand fuqaroning moddiy yordam olishiga imkon yaratadi. Uchinchidan, jismoniy imkoniyati cheklangan kishilarning ishga joylashishi ularda qaramlik yoki boqimandalik kayfiyati shakllanib qolishining oldi olinishiga xizmat qiladi.

### **Xulosalar**

Xulosa o'rnida aytish kerakki, nogironligi bo'lgan insonlarni kasbga o'qitish, ularning ishlashi uchun zarur shart-sharoitlar yaratib berish, ularning kasbiy moslashuviga oid maxsus chora-tadbirlarni amalga oshirish

zamonaviy fuqarolik jamiyatining muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Qo'shimcha ehtiyojli shaxslarning idoralararo axborot resurs bazalarini tashkil qilish, ularni har tarf-lama ijtimoiy himoya qilishda davlat hokimi-yati boshqaruvi organlarining o'zaro hamkor-ligini mustahkamlash, aholi turmush tarzini yaxshilashga qaratilgan islohotlarni amalga oshirishda xalqaro darajadagi standartlarga mos ish ko'rish maqsadga muvofiq bo'ladi. Ma'lum bir jabhalarda jahonda o'rnatilgan

standartlarni milliy qonunchilikka olib kirish, uni xalq hayotiga tatbiq qilish qaysidir ma'no-da mamlakatning iqtisodiy-moliyaviy resurs-laridan kelib chiqqan holda, pandemiya davri e'tibori bilan u darajada to'g'ri bo'lmas. Lekin aholining ijtimoiy yordamga muhtoj, ehtiyoj-mand qatlamlarini ijtimoiy himoya qilishda milliy qonunchilik asoslari bilan birgalikda xalqaro normativlarga muvofiq davlat islohot-larini olib borish mamlakat ijtimoiy siyosat-i-ni natijadorligini kafolatlaydi.

## REFERENCES

1. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi [Universal Declaration of Human Rights]. 10.12.1948. Available at: <https://constitution.uz/oz/pages/humanrights/>.
2. Prezident Shavkat Mirziyoyevning BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashining 46-sessiyasidagi nutqi [Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the 46th session of the UN Human Rights Council]. 22.02.2021. Available at: <http://isrs.uz/oz/ozbekiston-yangiliklari/prezident-savkat-mirziyevning-bmt-inson-ukuklari-bujica-kengashining-46-sessiyasidagi-nutki>.
3. Nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlari to'g'risidagi konvensiyasi [Convention on the Rights of Persons with Disabilities]. 13.12.2006. Resolution 61/106.
4. Malofeev N.N. Special'noe obrazovanie v menijajushhemsja mire. Evropa. Ucheb. pos. [Specialized education in a changing world. Europe. Study guide]. Moscow, Prosveshhenie, 2009.
5. Tkachenko V.S. Obshhestvo i problemy invalidnosti. Monografiya [Society and Disability Issues. A Monograph]. Stavropol, Servisshkola, 2006, p. 90.
6. Zhavoronkov R.N. Pravovoe regulirovanie truda i social'nogo obespechenija invalidov v Rossijskoj federacii. Monografiya [Legal regulation of labor and social security of disabled people in the Russian Federation. Monograph]. Moscow, Fond NIPI, 2014.
7. Quinn G., Degener T. Human rights and disability: the current use and future potential of united nations human rights instruments in the context of disability. NY, Geneva, United nations, 2002, p. 14.
8. Nechaeva S.M. Kachestvo zhizni invalidov v kontekste social'noj politiki. Avtoref. dis. kand. sociolog. nauk [The quality of life of disabled people in the context of social policy. Abstract of the dissertation of the candidate of sociological sciences]. 22.00.04. Saratov, 2005.
9. Jenns G., Frik Ju. Dvizhenie za prava invalidov: mezhdunarodnyj opyt [The Disability Rights Movement: International Experience]. Stavropol, Servisshkola, 2004, p. 40.
10. Mezhdunarodnoe gumanitarnoe pravo. Uchebn. Pod red. A.Ja. Kapustina [International humanitarian law. Textbook. Ed. A.Y. Kapustina]. Moscow, Vysshee obrazovanie, Jurajt-izdat, 2009, p. 151.
11. Zhavoronkov R.N. Ukaz. soch. [Decree. op.]. Pp. 68-77.
12. Il'ina N. V. Mezhdunarodno-pravovoe regulirovanie zashhity prav invalidov boevyh dejstvij. Dis. kand. jurid. nauk [International legal regulation of the protection of the rights of disabled people in military operations. Dissertation of the candidate of legal sciences]. 20.02.03. Moscow, 2009, p. 10.
13. Lindqvist B. Standard rules in the disability field – a new united nations instrument. Human rights and disabled persons: essays and relevant human rights instruments. Ed. by T. Degener, Y. Koster-dreese. Dordrechtboston-London, Martinus nijhoff publishers, 1995, p. 65.



14. Obzor voprosov i tendencij, kasajushhihsja uluchshenija polozhenija invalidov. Doklad General'nogo sekretarja OON. Dokument OON [Review of issues and trends related to the improvement of the situation of persons with disabilities]. 7.04.2003, no. a/ac.265/2003/2, p. 4. Available at: <http://www.un.org/ru/documents/>.

15. Social'noerazvitie: voprosy, kasajushhiesja mirovogo social'nogo polozhenija i molodezhi, starenija, invalidov i sem'i. osushhestvlenie vsemirnoj programmy dejstvij v otnoshenii invalidov i desjatiletie invalidov OON. Doklad general'nogo sekretarja OON. Dokument OON Social development: issues related to the world social situation and youth, aging, the disabled and the family. the implementation of the world program of action for persons with disabilities; and the un decade of persons with disabilities. UN Secretary General's report. UN document]. No. a/46/366, 22.08.1991, p. 11. Available at: <http://www.un.org/ru/documents/>.

16. Kotljarskiy I. I. Prava cheloveka. Ucheb. pos. [Human rights. Textbook]. Minsk, Tesej, 2002, p. 71.

UDC: 342.9(575.1)  
ORCID: 0000-0002-3924-5182

## СОЛИҚ ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МОЛИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИК

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
Тошкент давлат юридик  
университети мустақил изланувчиси,  
доцент, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD),  
e-mail: ikromabdurasulovich@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада соҳа қонунчилигини тегишлича такомиллаштиришнинг ижобий самараси асосида келгусида юзага келиши мумкин бўлган солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг миқдор жиҳатидан камайиши асосланган. Солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш солиқ сиёсати устуворлигига айланиши лозимлиги ҳамда бунга солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ мониторинги ва назоратини амалга оширишнинг замонавий усуллари жорий этиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш кабиларни ҳаётга татбиқ этиш орқали эришилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик борасидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган. Ўзбекистонда солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ агенти, солиқ интизومي, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тизими, мажбурият, ҳуқуқбузарликлар, солиқ турлари, мажбурий тўловлар, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, жавобгарлик, молиявий жавобгарлик, юридик жавобгарлик.

## ФИНАНСОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ НАЛОГОВОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент,  
независимый исследователь  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье анализируется проводимая в нашей стране работа по предупреждению, выявлению и устранению нарушений в налоговой сфере, а также количественному сокращению количества нарушений, которые могут произойти в будущем. Предупреждение преступности является приоритетом политики государства. Это может быть достигнуто за счет повышения правовой культуры налогоплательщиков, внедрения современных методов налогового мониторинга и контроля, осуществления комплексной помощи налогоплательщикам в выполнении налоговых обязательств. Прилагаются активные усилия для создания справедливой и прозрачной налоговой системы для всех налогоплательщиков и приведения ее в соответствие с международными стандартами, а также для упрощения налогового администрирования, устра-

нения несоответствий в налоговом законодательстве и усиления защиты прав и законных интересов налогоплательщиков. Исследован вопрос о финансовой ответственности за нарушение налоговой дисциплины и подчеркнута важность его решения. По результатам исследования разработаны предложения по совершенствованию правовой базы финансовой ответственности за налоговые правонарушения в Узбекистане.

**Ключевые слова:** налоговый агент, налоговая дисциплина, налоговое администрирование, налоговая система, ответственность, налоговые нарушения, виды налогов, обязательные платежи, налоговое обязательство, налогоплательщик, ответственность, финансовая ответственность, юридическая ответственность.

## MATERIAL LIABILITY FOR VIOLATION OF TAX DISCIPLINE

**Ergashev Ikrom Abdurasulovich,**

Independent Researcher,  
Associate Professor, Doctor of Philosophy in Law (PhD),  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article is devoted to the measures implemented in our country to prevent, identify and eliminate tax violations, as well as to identify and eradicate and quantitatively reduce the number of violations that may arise in the future in connection with the positive effect of the corresponding improvement of legislation in this area. It is necessary that prevention of tax violations should become a priority of tax policy. It is analyzed that this is achieved by increasing the legal literacy (culture) of taxpayers, introducing modern methods of tax monitoring and control, as well as providing comprehensive assistance to taxpayers in fulfilling tax obligations. The importance of resolving the issue of material liability for violation of tax discipline has been analyzed. Proposals to improve the legal framework for bringing to material liability for violation of tax discipline in Uzbekistan have been developed.

**Keywords:** tax agent, tax discipline, tax administration, tax system, obligation, tax violations, types of taxes, obligatory payments, tax obligation, taxpayer, liability, material liability, legal obligation.

### Кириш

Пандемия шароитида солиқ тизимини такомиллаштиришнинг асосий нуқтаси солиқ интизомини мустаҳкамлаш муаммоси бўлиб, унинг ҳолати ва муҳим таркибий қисми – солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслар мажбуриятларининг тўғри бажарилиши билан белгиланади.

Айнан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли солиқ тўловчи айрим ҳолларда давлат олдидаги мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайди ва баъзи ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат бюджетини шакллантиришда иштирок этишдан ата-йин қочишади.

Erich Kirchler, Erik Hoelzl, Ingrid Wahl [1] каби олимлар солиқ интизоми солиқ ор-

ганлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатга боғлиқлиги, агар улар ўртасида “полиция ва ўғри” муносабати бўлса, солиқчилар солиқ тўловчиларни доим “ўғри” сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаши ва текшириб туриш лозим деб ҳисоблайди. Солиқ тўловчилар эса солиқ органлари (полиция) томонидан доим таъқиб остида бўлганлиги учун яширинишга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида ҳурмат ёки ижобий муносабат бўлмайди, аксинча, солиқ тўловчи “рационал ўлчов”, яъни солиқдан бўйин товлашнинг даромоди ва харажатларини ўлчаб кўриш принципида ишлайди. Ушбу назария вакиллари солиқ органлари ва солиқ тўловчилар “хизмат ва мижоз” принципида ишлаши лозимлиги, солиқ органи солиқ тўловчи-

ларга хизмат кўрсатиши, натижада солиқ тўловчилар солиқ тизимининг адолатли ишлаётганлиги ва ишонганлиги сабабли солиқларни ихтиёрий тўлашга ўтишини таъкидлайди. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий тўлаш принципи харажатли бўлган солиқ текширувларини камайтириши ҳамда “текширувчиларни текшириш” каби ортиқча харажатлардан возкечишга олиб келишини айтишади.

Солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солиниб, уларга амал қилмаслик солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, унга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва бартараф этишни қонунчилик институти орқали амалга ошириш лозимлигини тақозо қилади.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, адабиётларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати масаласи юзасидан турли илмий-назарий қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ хорижий ҳуқуқшунос олимлар молиявий жавобгарликни маъмурий жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида кўрсатиб ўтишган. Айримлари эса молиявий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг мустақил кўриниши сифатида ифодалашган [2].

Таъкидлаш жоизки, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар давлат бюджетига, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб, хуфиёна иқтисодиёт кўринишида содир этилади. Хуфиёна иқтисодиёт эса қонуний фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчилар, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва молиявий манфаатларига зид равишда амалга оширилади [3].

Р.Т. Бердияров ва З.Н. Қурбоновлар мазкур тушунча хусусида фикр билдириб, жумладан, молиявий жавобгарлик давлат мажбурловининг алоҳида чораси бўлиб, солиқ муносабатларини бюджетни шакл-

лантириш ва ижро этиш бўйича юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнида қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг бир тури дея ифодалашган [4].

Жавобгарликнинг бу турини юридик жавобгарликнинг бевосита алоҳида тури сифатида эътироф этиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг алоҳида мустақил тури сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий жавобгарликнинг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтишимиз мумкин:

*биринчидан*, молиявий жавобгарлик – молиявий-ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида юзага келади;

*иккинчидан*, давлат томонидан ўрнатилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслари) томонидан қўлланилади;

*учинчидан*, жавобгарликнинг мазкур тури учун молиявий санкциялар (жарима ва пенялар)ни қўллаш назарда тутилади;

*тўртинчидан*, жавобгарликнинг мазкур тури учун жазо чораси процессуал тарзда амалга оширилади.

Шунга мувофиқ, мазкур тушунчага қуйидагича таъриф беришни лозим топдик, яъни солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида молиявий санкциялар назарда тутилган, қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилувчи айбли, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

В.И. Гуреев ва Л.В. Терноваларнинг фикрича, молиявий жавобгарлик бу – солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиққа оид қонунчиликни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар бўлиб, бу, энг аввало, сўзсиз қарздорликни ундириш, яширилган ёки камайтириб кўр-

сатилган солиқларни ундириш, шунингдек, санкция тариқасида пеняни ҳам келтириб ўтади [5].

Фикримизча, В.И. Гуреевнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки солиқлар бўйича ундириладиган қарздорликлар молиявий жавобгарлик чораси ҳисобланмайди, шунингдек, ушбу суммалар давлатга ҳар бир шахснинг конституциявий бурчи, яъни солиқ сифатида тўлаши лозим бўлган мажбуриятдир.

Gary S. Becker фикрига кўра, рационал солиқ тўловчининг асосий мақсади молиявий маблағларини кўпайтириш ҳисобланади. Шу сабабли текшириш хавфи ва жазони ҳисоблаб кўриб, солиқ ҳуқуқбузарлигидан доимий даромад олишга интилади. Шунинг учун солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш ва солиқ тушумини оширишнинг энг маъқул усули солиқ текширувларининг юқори эҳтимоллиги ва аниқланган ҳуқуқбузарлик учун юқори жарималар эканлигини таъкидлайди. Соддароқ айтганда, солиқ текшируви ва жарималар солиқ интизоми ва бюджет тушумини кафолатлашини қайд этади [6].

Powerful authority and trustful taxpayers назарияси вакиллари Katharina Gangl, Eva Hofmann, Barbara Hartl ва Mihály Berkicsларнинг фикрига кўра, солиқ органи солиқ тушуми ва интизомини таъминлашда иккита ёндашувдан фойдаланади: биринчиси – ҳокимият ёндашуви ва иккинчиси – ишонч ёндашуви. Ҳокимият ёндашуви (бошқарув, назорат ва ушлаб туриш деб ҳам аталади) доимий солиқ текшируви ва солиқдан бўйин товлаш ҳолатларида оғир жарималар тайинлашга асосланади. Ишонч ёндашуви эса шаффофлик, адолатли жараён ва солиқ тўлаш ижтимоий бурч эканлигига ишонтиришни ифодалайди [7].

Умуман олганда, солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этган шахс айбини аниқлашда қонун ҳужжатларидаги барча ҳолатлар эътиборга олинishi зарур. Шахс-

нинг солиққа оид ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқиладиганда эса қуйидагиларга эътибор қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаган ҳолда, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилиш;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказо.

Молиявий жавобгарликни таъминлаш чораларидан бири молиявий санкциялардир. Молиявий санкцияларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ҳуқуқий табиатини очиб беришга бир қатор олим ва мутахассислар ўз тадқиқот ва илмий изланишларида эътибор қаратишган. Жумладан, хорижий ҳуқуқшунос олимлардан А.В. Андреевнинг фикрича, молиявий-ҳуқуқий санкциялар – давлат мажбурлов чорасини ўзида ифодалаган ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, давлат пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади, шунингдек, ҳуқуқбузарликни огоҳлантириш ва у орқали етказилган зарарни бартараф этиш мақсадини кўзлайди [8].

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби хусусида қоидалар белгиланган. Унга кўра, молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик бўлиб, белгиланган миқдорларда пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади [9].

Молиявий санкциялар қуйидаги белгиларга эга:



– молиявий жавобгарликни таъминлаш чораси;

– тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ равишда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланади;

– пул ундириш (жарима) тарзида қўлланади.

Таъкидлаш лозимки, молиявий санкциялар тадбиркорлик субъектларининг қонунларга риоя қилишига, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлашга муҳим таъсир кўрсатади. Яъни уларнинг айрим раҳбарларида қонунларни менсимасликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка мойиллик туйғуларига барҳам бериш чораси сифатида кўринади.

Солиқдан бўйин товлаш назарияси (Tax evasion theory) вакиллари Michael G. Allingham ва Agnar Sandmo таъкидига кўра, даромадлар тўғрисида декларация топшириш қарори ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш ҳисобланади. Чунки даромадлар тўлиқ тақдим этилмаганда, солиқ органлари автоматик жарима жавобини қайтармайди. Солиқ тўловчида иккита қарордан бирини танлаш имкони бўлади: 1) тўлиқ даромадни кўрсатиш; 2) даромадни кам кўрсатиш. Агар иккинчи қарорни танласа, солиқ органи томонидан текширув ўтказилиши омадига боғлиқ бўлади, агар текширув ўтказилмаса, унинг ҳолати биринчи қарордан кўра анча яхши бўлади. Агар текширув ўтказилса, у анча ёмон ҳолатда қолади. Ушбу назария текширишнинг эҳтимолий эканлиги сабаб солиқ тўловчи доим икки қарордан бирини “қимор ўйини” каби танлаши, қарор эса солиқдан қочишнинг аниқланиш эҳтимоли ва аниқланганда, жазонинг миқдorigа боғлиқ бўлишини назарий исботлайди [10]. Аниқроқ айтганда, ушбу назариянинг моҳияти солиқ тўловчи юқоридаги икки қарордан бирини доим танлайди, доим алдайди ва шу сабабли солиқ органлари текширув ўтказиб туриши лозимлигида ифодаланади.

Бугунги кунда демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган изчил ислохотларни амалга оширишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни либераллаштириш муҳим ўрин тутар экан, бунда, аввало, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик тизимининг чуқур илмий-концептуал асосларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликка сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

### Хулосалар

Шунга мувофиқ, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик тизимини илмий тадқиқ этиш ҳамда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ҳамда тавсиялар берилади.

Биринчидан, солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солиниб, уларга амал қилмаслик эса солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 210-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига таъриф берилган ва у, ўз навбатида, солиққа оид жавобгарликнинг фактик асосидир. Аммо амалдаги Солиқ кодексида унинг ҳуқуқий мазмуни келтирилмаган. Бизнингча, амалдаги кодексда унга қуйидагича таъриф берилган ҳолда мазмуний ифодаси келтирилиши лозим. Яъни солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида молиявий санкциялар назарда тутилган, қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилувчи айбли, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Иккинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда инсон

омилини камайтириб, унинг шаффофлигини таъминлаш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, солиқ ҳисоботларини тақдим этмаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари орқали аниқланиб, солиқ органлари томонидан соддалаштирилган тартибда электрон тарзда (*электрон қарор чиқариш ва солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юбориш*) кўриб чиқиш тизимини жорий этиш лозим.

Учинчидан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасига (ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар) молия-хўжалик фаолияти тушунчасини белгиловчи қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

60-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар.

“Молия-хўжалик фаолияти” атамаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади”.

Тўртинчидан, солиқ кодексига “Айбллиқ шакллари” деб номланган 210<sup>1</sup>-моддани киритиш ва ушбу моддада ҳуқуқбузарликнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини белгилаб бериш лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарликка тортишни тавсифловчи

хусусиятлар қуйидагиларда намоён бўлади деб ҳисоблаймиз:

– тегишли жавобгарлик чоралари барчага нисбатан бирдек қўлланилади;

– уларга нисбатан тегишли жавобгарликнинг қўлланилиши соҳа қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, солиқларни тўлаш интизомига риоя этишга қаратилади;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган тартибдаги давлат мажбурлови чоралари махсус ваколатли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ёки суд томонидан қўлланилади;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган давлат мажбурлови чораларининг асосий мақсади солиқ қонун ҳужжатларига қатъий амал қилишни, солиқлар ва йиғимларни давлат бюджети ҳамда белгиланган мақсадли жамғармаларига тўлиқ, ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган давлат мажбурлови чоралари қўллашнинг асосий тартиби маъмурий ва жинойт-процессуал нормаларда белгилаб қўйилганлиги ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий муносабатлар ривожига муносиб тарзда солиқ қонунчилиги нормалари такомиллаштирилар экан, бу орқали солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққий этишига эришилади.

## REFERENCES

1. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance: The “slippery slope” framework. Article. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria. Journal of Economic Psychology, 2008, no. 29, pp. 210–225.
2. Hojiyev E.T. Soliq qonunchiligini buzganlik uchun yuridik javobgarlik. Monografiya [Legal liability for violation of tax legislation]. Tashkent, 2006, pp. 77–78.
3. Jo'rayev A.S., Ortiqov N.A. Soliq huquqi asoslari. O'quv qo'llanma [Fundamentals of tax law. Study guide]. Tashkent, Ilm ziyo Publ., 2012, p.121.



4. Berdiyarov R.T., Qurbonov Z.N. Soliq huquqi. O'quv qo'llanma [Tax law. Study guide]. Tashkent, Lawyer-media center, 2010, p. 237.
5. Kumacheva S.Sh., Gubar E.A. Evolutionary Model of Tax Auditing. Contributions to Game Theory and Management, St.Petersburg State University, 2015, vol. 8, pp. 164–175.
6. Arslanbekova A.Z. Finansovo-pravovye sankcii v sisteme mer juridicheskoy otvetstvennosti. Dis. dok. jurid. nauk [Financial and legal sanctions in the system of legal liability measures. Dissertation of Doctor of Laws]. Saratov, 2009, p. 276.
7. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach. Article. Journal of Political Economy. The University of Chicago Press, 1968, Mar. - Apr., vol. 76, no. 2, pp. 169–217.
8. Gangl K., Hofmann E., Hartl B., Berkics M. The impact of powerful authorities and trustful taxpayers: evidence for the extended slippery slope framework from Austria, Finland, and Hungary. Policy Studies, no. 41 (1), pp. 98-111. DOI: 10.1080/01442872.2019.1577375-.P98-99/.
9. Andreev A.V. Finansovo-pravovye sankcii. Dissertacija kand. jurid. nauk [Financial and legal sanctions. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 1984, p. 48.
10. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi [National Legislative Database]. 31.12.2019, no. 02/19/CK/4256; 11.03.2020, no. 03/20/607/0279, 05.10.2020, no. 03/20/640/1348; 09.11.2020, no. 03/20/646/1488; 02.12.2020, no. 03/20/652/1581; 04.12.2020, no. 03/20/653/1592; 31.12.2020, no. 03/20/659/1681; 29.04.2021, no. 03/21/689/0395.
11. Allingham M.G., Sandmo A. Income tax evasion: a theoretical analysis. Article. University of Pennsylvania, Philadelphia, USA and The Norwegian School of Economics and Business Administration, Bergen, Norway. North Holland Publishing Company. Journal of Public Economics, 1972. no. 1, pp. 323–338.
12. Richardson M., Sawyer A.J. A Taxonomy of the Tax Compliance Literature: Further Findings, Problems and Prospects. Article in Australian Tax Forum. 2001, June, pp. 145–149.
13. Luk'janenkov M.V. Nalogovaja disciplina kak jelement social'no otvetstvennogo povedenija gosudarstva, biznesa i grazhdan [Tax discipline as an element of socially responsible behavior of the state, business and citizens]. Izvestija vysshix uchebnyh zavedenij – Proceedings of higher educational institutions. Social Sciences, Volga district, 2007, no. 3.
14. Nalogovaja gramotnost' naselenija – faktor stabil'nosti investicionnogo potentsiala jekonomiki strany. Kollektivnaja monografija. Pod red. D.N. Suleymanova [Tax literacy of the population is a factor in the stability of the investment potential of the country's economy. Collective monograph. Ed. D.N. Suleimanov]. Moscow, MNI, 2017, 266 p.
15. Gangl K., Hofmann E., Hartl B., Berkics M. The impact of powerful authorities and trustful taxpayers: evidence for the extended slippery slope framework from Austria, Finland, and Hungary. Policy Studies, no. 41 (1), pp. 98-111. DOI: 10.1080/01442872.2019.1577375/.
16. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach. Journal of Political Economy. The University of Chicago Press, 1968, Mar. – Apr., vol. 76, no. 2, pp. 169–217.
17. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance. The “slippery slope” framework. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria. Journal of Economic Psychology, 2008, no. 29, pp. 210–225.
18. Nugent D.A. Legislating Morality: The Effects Of Tax Law Complexity On Taxpayers' Attitudes. Robert Morris University, USA. The Journal of Applied Business Research, 2013, September-October, vol. 29, no. 5.
19. Rossijskaja gazeta [Russian newspaper]. Available at: <https://rg.ru> (accessed 23.05.2021).
20. Administrativnaja jurisdikcija nalogovyh organov. Uchebnik. Pod red. M.A. Lapinoj [Administrative jurisdiction of the tax authorities. Textbook. Ed. M.A. Lapina]. Moscow, VGNA of the Ministry of Finance of Russia, 2012.

UDK: 342.5 (042) (575.1)  
ORCID: 0000-0002-0869-4129

## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Бабаджанов Атабек Давронбекович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Магистратура ва сиртқи таълим факультети декани,  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,  
e-mail: ababadjanovtsul@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланишида сиёсий партиялар иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва мазкур йўналишдаги муаммолар ёритилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланишида сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** таҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, депутат, сиёсий партия, партия гуруҳи ва сайлов.

### КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ УЧАСТИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ

**Бабаджанов Атабек Давронбекович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент,  
декан факультета магистратуры и заочного образования  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются конституционно-правовые основы участия политических партий в формировании представительных органов государственной власти на местах и проблемы в этом направлении, разработаны предложения, направленные на расширение участия политических партий в формировании представительных органов государственной власти на местах и реализацию приоритетных направлений совершенствования их деятельности.

**Ключевые слова:** представительные органы государственной власти на местах, депутат, политическая партия, партийная группа и выборы.

### CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASES FOR THE PARTICIPATION OF POLITICAL PARTIES IN THE FORMATION OF REPRESENTATIVE BODIES OF STATE POWER IN THE FIELD

**Babadjanov Atabek Davronbekovich,**  
Tashkent State University of Law  
Dean of the Faculty of Master's and Correspondence Education,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor

**Abstract.** *The article examines the constitutional and legal foundations of the participation of political parties in the formation of representative bodies of state power in the field and the problems in this direction, developed proposals aimed at expanding the participation of political parties in the formation of representative bodies of state power in the field and the implementation of priority areas for improving their activities.*

**Keywords:** *local representative bodies of state power, a deputy, a political party, a party group and elections.*

Мамлакатимизда сўнгги беш йил давомида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маҳаллий давлат ҳокимияти даражасида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини жорий этиш, маҳаллий миқёсда қарорлар қабул қилишда жойлардаги ҳокимият органларига янада кенгроқ ваколатлар беришга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Албатта, ушбу ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва халқаро нормалар устувор аҳамият касб этаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Айниқса, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, муайян ҳокимият ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқишдаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ кечаётган ўзгаришлар эътиборга лойиқдир.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасида ҳам маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда ҳудудлардаги бошқа мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали депутатлик назоратининг ўрнатилиши масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланганлигини таъкидлаш лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ҳақли равишда эътироф этганидек, “Биз юртимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаб, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда партияларнинг ролини оширишга кўмаклашамиз. Качонки сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, парламент фаолияти доирасида улар ўртасида соғлом рақобат ва

бахс-мунозара муҳити шаклланса, шундагина вакиллик ҳокимияти органлари ҳам самарали фаолият кўрсатади. Буни ҳаётнинг ўзи ҳаммамизга ҳар куни кўрсатаяпти. Агар раҳбарларимиз халқ вакиллари билан маслаҳат қилиб иш тутса, хато кам бўлади. Шунинг учун вакиллик ҳокимияти органлари иши самарали бўлишида партияларимиз фаоллигини оширишимиз шарт. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия гуруҳларининг ваколоти ва ролини ошириш, айниқса, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги таъсирини янада кучайтириш зарур” [1]. Шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокига оид масалалар миллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишларида муҳим мавзу бўлиб келган. Хусусан, С. Бердикуловнинг фикрича, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг миллий моделини шакллантириш бўйича қонунчилик шарт-шароитлари – яқка партия ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий тизимдан ҳақиқий кўппартиявийлик тизимига, мафкуравий монополизмдан сиёсий плюрализмга (кўпфикрлик) ўтиш вазифаси амалда таъминланди [2].

Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритганда, россиялик тадқиқотчи олим Б.А. Исаевнинг ушбу тузилмаларни институция-

лаштириш ва конституциялаштириш масалаларидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ эканлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Хусусан, унинг фикрича, институциялаштириш кенг (сиёсий партияларнинг ҳокимият сингари жамиятга зарурлиги, ижобий тажрибага эгаллиги, функционал-лигини тан олиш) ва тор (сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий база яратиш, жамиятда уларнинг ўрни ва ролини қонун ҳужжатларида қайд қилиш) маъноларда тушунилса, конституциялаштириш деганда, партияларнинг ўрни ва роли Конституцияда мустаҳкамланиши ёки, ҳеч бўлмаса, ижтимоий-давлат институти сифатида асосий қонунда тан олинисини кўрсатиб ўтиш назарда тутилади [3].

Таъкидлаш лозимки, сиёсий ислохотлар жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида сиёсий партияларнинг иштирокига оид ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш масалалари нафақат амалиётчилар, балки ижтимоий фанларнинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг диққат марказида турибди. Ушбу қизиқишни юртимизда охириги йилларда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг динамикаси билан тавсифлаш мумкин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар жараёнида жамият ҳаёти асосий жабҳаларининг барчасида, чунончи: ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жабҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Ушбу ўзгаришларнинг мазмунини давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар, айниқса, уларнинг сиёсий мақсадларини намоён этувчи сиёсий партияларнинг иштироки ва бу иштирокнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда шакл ва тамойилларини ислохотларга ҳамоҳанг тарзда қайта кўриб чиқиш ташкил этади.

Бинобарин, ҳозирги ижтимоий-сиёсий воқеликда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг энг муҳим фаолият йўналишларидан бири, жамият аъзолари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро воситачиликни амалга ошириш эканлиги кундек равшан бўлиб турибди. Таъкидлаш лозимки, сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг инъикоси сифатида сиёсий партиялар нафақат давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, балки мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш жараёнига ҳам фаол таъсир қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда сиёсий тизимнинг ислох қилиниши сайлаб қўйиладиган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Ҳолбуки, сўнгги йиллар давомида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиши масаласига етарлича эътибор қаратилмасдан келинган эди. Шу боис мамлакатимизда формал эмас, балки ҳақиқий маънода фаолият юритадиган кўппартиявийлик тизимининг шаклланаётганлиги ушбу жараённи самарали ва мукамал ҳуқуқий асослар билан таъминлашни тақозо қилаётганлиги барчага маълум бўлди. Натижада сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жиддий тарзда инвентаризациядан ўтказиш, мавжуд бўшлиқ ва коллизияларни бартараф этиш зарурати юзага келди.

Албатта, бунда юридик фан ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш учун зарур ғоявий-илмий асосларни ишлаб чиқиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришдаги иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилган олим А. Янгибаев бу борада ҳақли равишда таъкидла-



ганидек, “давлат ҳокимият органларини шакллантиришда сиёсий партиялар иштирокини самарали конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш вазифасини ҳал қилиш учун, энг аввало, мазкур жараёни назарий жиҳатдан англаб етиш зарур” [4]. Дарҳақиқат, ушбу олимнинг фикрига қўшилган ҳолда сиёсий партиялар фаолиятига оид жорий қонунчиликни дунёнинг энг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда ҳамда муаммога оид юридик фанда олиб борилаётган энг сўнгги тадқиқотларни таҳлил қилиш асносида муайян концепцияларни ишлаб чиқиш орқали қонунчиликни тубдан сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд қонунчиликни таҳлил қилар эканмиз, уларда сиёсий партиялар фаолиятига оид қуйидаги масалалар тартибга солинганлигини кўрамиз: сиёсий партияларнинг ташкил этилиши, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, яъни сайловларда иштирок этиш тартиблари; сиёсий партияларга аъзолик; сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари; сиёсий партияларни рўйхатга олиш; сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиб туриш; сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш; сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларини ташкил этиш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, ваколатлари; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқий мақоми; сиёсий партияларни молиялаштириш; сиёсий партиялар мулки; сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш; сиёсий партияларга бериладиган хайрия ёрдами; молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назорат ва бошқалар.

Тадқиқотчи А. Махмудов маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий база тизимли равишда ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб ўтиш баробарида, бу борадаги асосий тенденциялар сифатида қуйидагилар белгиланганлигини қайд этади: *биринчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, хусусан, бюджет-молия муносабатлари соҳасидаги назорат функциялари босқичма-босқич кенгайтирилди; *иккинчидан*, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш масалаларини ҳал этишда, улар фаолиятини назорат қилишда халқ депутатлари Кенгашларининг роли ва ўрни кучайтирилди; *учинчидан*, маҳаллий Кенгашларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати берилди; *тўртинчидан*, халқ депутатлари Кенгашлари назорат фаолиятини амалга оширишда сиёсий партиялар, уларнинг Кенгашлардаги гуруҳларининг роли ва фаоллиги, ваколатлари кенгайтирилди [5].

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маҳаллий давлат ҳокимиятининг асосларини белгилаб берган. Конституциянинг XXI бобида (99 – 104-моддалар) вилоят, туман ва шаҳарларда ҳоким бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат муддати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларнинг лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид нормалар ўз ифодасини топди [6].

1992 йилнинг 4 январида “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни кучга кирди. Айнан шу қонун асосида маҳаллий давлат

ҳокимиятининг икки мустақил – вакиллик ва ижроия органлари жорий қилинди. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг тизими, тузилиши, ваколатлари, вазифалари, ташкилий, иқтисодий ва молиявий фаолият шакллари, жойларда қонунийликни таъминлашда уларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берди.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасига асосан, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради [7].

Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимлар белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш тартиби 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига

сайлов тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Бу Қонунга асосан маҳаллий вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловни тартибга солувчи қонун, аввалги қонунлардан фарқли равишда, кўпгина янги ҳолатларни жорий этди.

Ҳуқуқшунос олимлар Я. Олломов, И. Бековларнинг фикрича, бу янги ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтиши;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига 21 ёшдан сайланиш мумкинлиги;

учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланадиган депутатлар сонининг қисқартирилиши (вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 нафаргача, туман ва шаҳар Кенгашларига 30 нафаргача депутат сайланиши мумкин);

тўртинчидан, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бошқалар эга эканлиги [8].

Шунингдек, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонундан кейин маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари, хусусан, сиёсий партияларнинг сайланадиган депутатларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 1995 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида”ги ва 1996 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 ноябрдаги “Туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1651-сон Фармонида кўра туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари-

нинг аппаратлари тугатилиб, уларнинг вазифаларини бажариш тегишли туман ҳокимликларига топширилди.

2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 15-бандига ва 102-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”-ги Конституциявий қонуни кучга киргандан сўнг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига раҳбарликни амалга оширувчи ҳокимлар, шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари масъулияти янада кучайди. Ушбу Қонун амалдаги қонунчиликка жиддий ўзгартишлар киритишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Мазкур Қонуннинг 6 ва 7-моддаларига асосан Ўзбекистонда янги институтлар, яъни ҳоким вазифасини бажарувчи, партия гуруҳлари билан маслаҳатлашув, халқ депутатлари Кенгашларини тарқатиб юбориш, шунингдек, партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш (ҳоким истеъфосини талаб қилиш) институтлари шаклланди [9].

2014 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 1-моддаси 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича

халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади” [10].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органлари иштирокига оид масалалар қонуности ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги “Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-2495-сон қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шу жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимликларида давлат бошқаруви ишларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳокимнинг Маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар сиёсати бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон қарори билан эса хизмат вазифалари намунавий низомда тасдиқлаб берилди.

2016 йилнинг 22 декабрида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сон қарори қабул қилиниб, туман ҳокимлигида алоҳида ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида асосан “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида 2017 йилнинг III чорагида янги таҳрирдаги “Маҳаллий



давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу қонун лойиҳасида қуйидаги нормалар бўлиши кераклиги қайд этилган:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмасини такомиллаштириш ва қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ваколатларини аниқлаштириш;

вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти юзасидан тегишли ҳудуддаги аҳоли олдида ҳисобот бериш ва ҳисоботга оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тартибини жорий этиш;

халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш шакллари ва механизмларини аниқлаштириш;

халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлайдиган ижрочи котиблар лавозимини таъсис этиш [11].

Миллий қонунчилигимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келиш мумкинки, уларда мазкур институтнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар бир мунча кенгроқ тартибга солинган. Бу борада ҳуқуқшунос олим А. Янгибаев ҳам бизнинг фикримизга ҳамоҳанг мулоҳаза билдиради. Унинг фикрича, қонун ҳужжатларида белгиланган асосий мақсадлар таҳлили давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш сиёсий партияларнинг энг муҳим функциясидир, деган хулосага олиб келади. Сайлов жараёнида иштирок этиш партиянинг муҳим вазифаларидан бири (электорал функция) ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, партия-

лар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, Вазирлар Маҳкамасини ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантиришда иштирок этадилар. Қонун йўли билан белгиланган мақсадларга эришиш учун сиёсий партиялар бевосита демократия институтларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти органларида вакилликка ва давлатни бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этишга қараб мўлжал олишлари лозим [12].

Айни пайтда сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий давлат вакиллик органларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган қонунчилик тизими яратилганлигига қарамасдан, қонунчилик ва амалиётда бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, сиёсий партиялар тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги ва янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни қамраб ола олмаслиги кабилар шулар жумласидандир. Сиёсий партиялар ваколатларининг торлиги ҳамда сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммоларни партия томонидан тавсия этилган ҳамда сайловларда маҳаллий Кенгаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўрин олган депутатлар орқали ҳал этиш механизмлари етарлича йўлга қўйилмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари сифатида сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш каби ташкилий тусдаги ваколатлари белгиланган. Бундан ташқари, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари ижроия органларидан ажратилмаганлиги, уларнинг қонунчилик фаолиятини амалга ошириш ўрнига қонунларни ижро этиш билан шуғулланишига олиб келмоқда ва бу эса, ўз навбатида, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципига зид ҳисобланади.

Шу билан бирга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг тўғридан-тўғри қонунчилик ташаббуси ваколатларига эга эмаслиги, уларнинг маҳаллий миқёсдаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатмоқда ва сиёсий партияларнинг фаоллигини фақатгина Олий Мажлис Қонунчилик палатаси доирасида кузатиб келмоқдамиз.

Шуни назарда тутиш керакки, ушбу Қонунда маҳаллий Кенгашларнинг сиёсий партиялар билан бирга иш олиб бориши ёки сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммолар ёки фуқароларнинг ариза ва шикоятлари асосида шаклланган мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари назарда тутилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига кўра тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ тегишинча вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади. Қонуннинг 5-моддасида депутатнинг ҳуқуқлари келтирилган бўлиб, унга кўра у тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга; тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқирилиши учун масалалар таклиф этишга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича

фикр билдиришга; тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга; депутат сўрови билан мурожаат этишга; ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга; тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга; тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга; сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қонунда ҳам депутатнинг сиёсий партия ташкилоти билан учрашув ўтказиш ҳуқуқи белгиланган бўлишига қарамасдан сиёсий партияларнинг ўзининг сайланган вакилларига фуқароларнинг мурожаатлари ва жамиятда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича мурожаат этиш шакли ва бу жараёнларнинг маҳаллий Кенгаш фаолиятига таъсири ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланишида сиёсий партиялар иштирокини мустаҳкамлашга оид конституциявий-ҳуқуқий асослардаги қоидалар мамлакатда ижтимоий, сиёсий фаолликни янада оширишга, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор

шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган. Айни пайтда партияларнинг фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан самарали мониторингни ташкил қилиш, амалдаги ҳукуматнинг

фаолиятини назорат қилиш ва муқобил қарорлар ишлаб чиқиш, маҳаллий ҳокимият органларига таъсир ўтказиш масалаларига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бугунги кунда ҳуқуқ ижодкори олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz [We will resolutely continue our path of national development and take it to a new level]. Tashkent, Uzbekistan NMIU, 2017, pp. 44.
2. Berdikulov S.N. O'zbekistonda ko'ppartiyaviylik milliy modelini rivojlantirish istiqbollari. O'quv qo'llanma. Mas'ul muharrir falsafa fanlari doktori, professor Sh.O. Mamadaliyev [Prospects for the development of a national multiparty model in Uzbekistan. Study guide. Editor-in-Chief Doctor of Philosophy, Professor Sh.O. Mamadaliyev]. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016, p. 108.
3. Isaev B.A. Teorija partij i partijnyh sistem. 2-e izd., ispr. i dop. [The theory of parties and party systems. 2nd ed., rev. and add.]. Moscow, Yurayt Publishing House, 2017, p. 370.
4. Yangibaev A.K. O'zbekiston Respublikasi siyosiy partiyalarining davlat hokimiyati organlarini shakllantirishdagi ishtirokining konstitutsiyaviy-huquqiy asoslari [Constitutional and legal basis for the participation of political parties of the Republic of Uzbekistan in the formation of public authorities]. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015, p. 4.
5. Maxmudov A.A. O'zbekiston Respublikasida mahalliy vakillik organlarining nazorat faoliyatini takomillashtirish. Yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati [Improving the oversight of local representative bodies in the Republic of Uzbekistan. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Law]. Tashkent, DBA, 2019, pp. 13–14.
6. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi [Constitution of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, Uzbekistan Publ., 2018, p. 80.
7. O'zbekiston Respublikasining "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan «On local government»]. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining axborotnomasi – Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1993, no. 9, Article 320.
8. Ollomov Ya., Bekov I. Konstitutsiya va mahalliy davlat hokimiyati [Constitution and local government]. Tashkent, Tashkent State University of Law, 2012, p. 17.
9. O'zbekiston Respublikasining "Davlat boshqaruvini yangilash va yanada demokratlashtirish hamda mamlakatni modernizasiya qilishda siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish to'g'risida"gi Konstitutsiyaviy qonuni [Constitutional Law of the Republic of Uzbekistan «On modernization and further democratization of public administration and strengthening the role of political parties in the modernization of the country»].
10. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan]. 2014, no. 16, Article 176.
11. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan]. 2017, no. 6, Article 70.
12. Yangibayev A.K. O'zbekiston Respublikasi siyosiy partiyalarining davlat hokimiyati organlarini shakllantirishda ishtirokining konstitutsiyaviy-huquqiy asoslari [Constitutional and legal basis for the participation of political parties of the Republic of Uzbekistan in the formation of public authorities]. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015, p. 20.

UDC: 32(042)(575.1)  
ORCID: 0000-0003-0123-7811

## СТРАТЕГИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МИРЕ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

**Бозаров Сардор Сохибжонович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD),  
заведующий кафедрой «Международное частное право»  
Ташкентского государственного юридического университета,  
e-mail: sardor\_bazarov1980@mail.ru

**Аннотация.** В данной статье автором обсуждаются вопросы, связанные с понятием искусственного интеллекта, стратегией его развития во многих зарубежных государствах и Узбекистане. В частности, рассмотрены концептуальные вопросы развития искусственного интеллекта такими глобальными мировыми игроками в сфере искусственного интеллекта, как США, Китай, Европейский союз и др. На основе изучения путей развития искусственного интеллекта автором делается вывод о том, что без хорошо продуманного и стратегически проработанного плана развитие и перспективы искусственного интеллекта в Узбекистане представляются невозможными. В этой связи рассматриваются первые шаги Республики Узбекистан по пути внедрения искусственного интеллекта во все сферы и отрасли, в частности промышленность, медицину, науку, транспорт, коммуникации и др. На основе анализа множества стратегий и планов вышеуказанных государств, а также Индии, ОАЭ, Канады, Японии автором представлены собственное видение и рекомендации по развитию систем искусственного интеллекта в нашей стране.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, цифровизация, развитие, стратегия, внедрение, роботизация, технологии, IT-индустрия.

## ЖАҲОНДА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**Бозаров Сардор Сохибжонович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси мудири,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф сунъий интеллект тушунчаси, уни қўлаб қоригий мамлакатларда ва Ўзбекистонда ривожлантириш стратегиялари масаласини муҳокама қилди. Хусусан, сунъий интеллект соҳасидаги глобал иштирокчи давлатлар: АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи ва бошқа мамлактларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича концептуал масалалари қўриб чиқилган. Муаллиф сунъий интеллектнинг ривожланиш йўллариини ўрганиши ва таҳлил қилиши асосида, Ўзбекистон Республикасида пухта ўйланган ва стратегик жиҳатдан яхши ишлаб чиқилган режага эга бўлмасдан туриб сунъий интеллектнинг тараққий эттириши



мумкин эмас деган хулосага келади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг сунъий интеллектни барча соҳа ва тармоқларга, хусусан, саноат, тиббиёт, фан, транспорт, коммуникациялар ва бошқаларга жорий этиш йўлидаги илк қадамлари кўриб чиқилган. Муаллиф юқоридаги давлатлар, шунингдек, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Канада, Япония каби давлатларнинг қўлаб стратегия ва режаларини таҳлил қилиш асосида мамлакатимизда сунъий интеллект тизимини ривожлантириш бўйича ўз қарашлари ва тавсияларини илгари сурган.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, рақамлаштириш, ишлаб чиқариш, стратегия, татбиқ этиш, роботлаштириш, технология, IT саноати.

## STRATEGIES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE WORLD AND IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: A COMPARATIVE ANALYSIS

**Bozarov Sardor Sohibzhonovich,**

Head of the Private international law department  
of Tashkent State University of Law,  
Doctor philosophy in Law (PhD)

ган, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати яхлитлигидир” [13]. Ҳуқуқ субъектчилиги ўз ичига ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини қамраб олиш билан бир қаторда, деликт лаёқатни ҳам ифода этади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жисмоний шахслар фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим субъекти бўлиб, улар фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ўз хоҳишларига кўра иштирок этадилар ва бунинг учун улар ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт.

Англия ва АҚШда ҳуқуқ субъектчилиги тушунчаси мавжуд эмас. Чунки ушбу давлатларда ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати алоҳида ажратилмайди. Уларнинг ҳар иккиси “*legal capacity*”, яъни ҳуқуқ лаёқати деб номланиб, “*passive legal capacity*” ва “*active legal capacity*” каби тушунчаларни қамраб олади [14]. Инсон дунёга келганда, унда “*passive legal capacity*” мавжуд бўлади ва ушбу лаёқатни биз ҳуқуқ лаёқати деб атаймиз.

Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати ҳуқуқ лаёқати ҳисобланиб, у туғилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва инсон вафот этиши билан тугайди. Ушбу қоида Фуқаролик кодексининг 17-моддасида ўз аксини топган. Ҳуқуқ лаёқати фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш лаёқати ҳисобланади [15, 292-б.].

Баъзи муаллифлар ҳуқуқ лаёқати тушунчасини фуқаронинг руҳий-физиологик ҳолати билан боғлашади [16, 190-б.], баъзилари эса ҳуқуқ лаёқатининг табиий ҳуқуқларга (Т.А. Умаров) ёки позитив ҳуқуққа (Н. Ашурова) тегишлилигини таъкидлашади [13]. А.П. Сергеев ва Ю.К. Толстоголарнинг фикрича, ҳуқуқ лаёқати деганда инсон туғилгандан бошлаб жамият томонидан қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларга эга бўлиши тушунилса [4, 93-б.], муомала лаёқатига эга бўлганлик фуқаролар томонидан ўз ҳаракатларини тушуниш ва уларни тўғри баҳолай олиш

имкониятини беради [1, 27-б.]. Яна бир рус олими Ф.М. Рудинского ҳар бир инсон туғилгандан бошлаб, баъзи ҳолларда эса туғилмасдан ҳам ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишини таъкидлайди [17, 65-б.]. Худди шундай фикрлар А.Г. Калпина ва А.И. Масляева томонидан ҳам билдирилган [18, 78-б.].

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан вужудга келади, унинг ўлими билан якунланади ҳамда барча фуқароларда тенг равишда мавжуд бўлади. Ҳуқуқ лаёқатига фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш лаёқати деб таъриф берсак ҳам бўлади. Масалан, ҳар бир фуқаро кўчмас мулк сотиб олиш ва сотиш, интеллектуал мулк натижаларига эгалик қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, мол-мулкни васият қилиб қолдириш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин ҳамда санаб ўтилганларнинг барчаси ҳуқуқ лаёқатининг мазмунини ташкил этади.

*Ҳуқуқ субъектчилигининг иккинчи элементи ҳисобланган муомала лаёқати* ҳам худди ҳуқуқ лаёқати сингари фуқаронинг субъектив ҳуқуқи ҳисобланса-да, ҳуқуқ лаёқатидан фарқланади. Ҳуқуқ лаёқатига барча фуқаролар эга бўлса, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш учун шахс вояга етган ҳамда ақлий ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши зарур. Сабаби муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати ҳисобланади (ФК 22-модда). Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун эса шахслар, албатта, руҳий жиҳатдан соғлом, ўз ҳаракатларини тушуна оладиган, оқибатини англай биладиган ва иродасини ифода этадиган бўлишлари лозим.

*Муомала лаёқати* тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар. Жумладан, муомала лаёқати фуқаролик ҳуқуқ ва маж-

буриятларга мустақил равишда эгалик қилиш, амалга ошириш ва жавобгар бўлиш лаёқатидир [19, 82-б.]; муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ўз хатти-ҳаракатларини англаб, оқибатларини тушуниб, эрк-иродаларига асосланиб амалга оширадилар [20, 63-б.]; жисмоний шахслар 18 ёшда руҳий ва жисмоний жиҳатдан етилган, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунадиган ва уларни бошқара оладиган лаёқатга эга бўладилар [21, 101-б.]; муомала лаёқатига эга бўлмасдан туриб ҳуқуқ лаёқатидан фойдаланишнинг иложи йўқ [22, 17-б.]; муомала лаёқати шартнома тузиш ва зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш лаёқати ҳисобланади [23, 27-б.]; фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлиш фуқарога субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратади [24, 57-б.].

Муомала лаёқатининг мазмунини ташкил этувчи унсурлар борасида Л.Г. Кузнецова ва Я.Н. Шевченколар қуйидаги фикрларни билдиришган:

- ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқларга эгалик қилиш ва мажбуриятларни вужудга келтириш (ҳуқуққа эгалик қилиш) лаёқати;
- ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни ижро этиш лаёқати (амалга ошириш ҳуқуқига лаёқатлилик);
- ўз ҳаракатлари билан ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларни тасарруф қилиш лаёқати;
- фуқаролик ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган тақдирда жавобгар бўлиш лаёқати [25, 17-б.].

Бизнинг фикримизча, муомала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва ҳоказолар). Фуқаролар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли иштирокчиси бўлиши учун, албатта,



муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим. Муомала лаёқатининг мазмунини шахс ўзига тегишли бўлган ҳуқуқларни мустақил амалга ошириши, турли битим ва шартномалар тузиши, янги ҳуқуқларга эга бўлиши ва юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлиши ташкил этади.

Мамлакатимизда тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш ёши 18 ёш ҳисобланади. Бу жиҳатдан вояга етганлик ёши билан бир хил. Лекин 2 та истисно ҳолат мавжуд бўлиб, жисмоний шахслар вояга етмаган бўлишсада, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлишлари мумкин. Улар қуйидагилар:

1) вояга етмаганларга 18 ёшга тўлмасдан олдин қонун йўл қўйган ҳолларда никоҳга киришга рухсат берилганда;

2) эмансипация ҳолатида [26, 24-б.].

*Бугунги кундаги фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқароларнинг муомала лаёқати қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади:*

– тўлиқ муомалага лаёқатсизлар (6 ёшгача бўлган болалар, суд томонидан руҳий касал ва ақли заиф деб топилганлар);

– қисман муомалага лаёқатлилиқ (6-14 ёшли ҳамда 14-18 ёшли вояга етмаганлар);

– муомала лаёқати чекланганлик;

– тўлиқ муомалага лаёқатлилиқ (ақли расо 18 ёшдан ошган ҳамда эмансипация ҳолати қўлланилганлар ва 18 ёшга етмасдан никоҳ муносабатларига киришган фуқаролар).

Ёш цензи нуқтаи назаридан эса муомала лаёқати 2 туркумга ажратилади: 1) вояга етмаганларнинг муомала лаёқати; 2) вояга етганларнинг муомала лаёқати.

*Вояга етган* фуқаролар деб, қонунда белгиланган ёшга етган, ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатини англай олиш учун ҳаётий тажриба ва зарурий ақлий, руҳий, иродавий қобилиятларга эга бўлган фуқароларга айтилади.

Вояга етганлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг муомала лаёқати билан боғлиқ (қисман вояга етганлик тушунчаси мавжуд эмас, лекин

қисман муомала лаёқатига эга бўлиш тушунчаси мавжуд) [11]. Таъкидлаб ўтганимиздек, муомала лаёқатига эга бўлиш – бу турли хил юридик ҳаракатларни шахсан амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш: шартномалар тузиш, ишончномалар бериш, шунингдек, келтирилган мулкнинг зарарлар, шартнома ва бошқа мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлишдир.

Маълумки, қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас (ФК, 23-модда). Ўз навбатида, вояга етган шахсларнинг маълум сабабларга кўра муомала лаёқати чекланиши ёки муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Агар шахс спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар ва бошқа психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйса, оила аъзоларининг мурожаати билан ушбу шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилади. Демак, шахсларнинг муомала лаёқати чекланиши учун, албатта, икки асос бўлиши зарур: 1) шахс спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар ва бошқа психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши; 2) айнан санаб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш натижасида оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйиши.

Бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим: бугунги кунда интернет тармоғи орқали турли хилдаги компьютер ўйинлари ўйнаш жуда кенг авж олди. Натижада вояга етган шахслар ҳам реал ҳаётдан кўра айнан ўша визуал ҳаётда фаол эканликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Интернетга қарам бўлиб, доим актив ҳолатда туриш учун оиласини иқтисодий жиҳатдан қийин вазиятга солиб қўйиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Шунинг учун ҳам шахс азарт ўйинлар ўйнаш натижасида оиласини моддий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўйиши шахснинг муомала



лаёқати чекланиши учун асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

*Муомалага лаёқатсизлик.* Ақли заиф ва руҳий хасталар ҳам ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Улар, хусусан, даволаниш, пенсия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга [12, 140-б.]. Лекин шахс онгли равишда ҳаракат қила олмаганлиги ва оқибатини тушуниб етмаганлиги учун суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Бу борада суд-психиатрик экспертизаси тайинланади [27]. Демак, шахсдаги руҳий бузилиш уни муомала лаёқатидан маҳрум этади. Бунинг учун тиббий ва юридик мезонлар бир-бирига тўғри келиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 30-моддасида фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш асослари келтирилган, лекин унда руҳий жараённинг вақтинчалик бузилиши эътиборга олинмаган. Доимий ва вақтинчалик (мавсумий) руҳий ҳолатнинг бузилиши ҳам муомалага лаёқатсиз деб топиш учун

асос деб ҳисоблаймиз. Сабаби руҳий касалликлар турлича бўлиб, инсонларда ушбу хасталикларнинг кечиши ҳам турлича бўлади ва шахсларнинг чуқур, турғун ўзгаришини ўз ичига олади. Ақли заифликни руҳий фаолиятнинг ҳар томонлама чуқур заифлашувиغا олиб келадиган ҳолатлар бирлаштиради.

### **Хулосалар**

Муомала лаёқати чекланганликка азарт ўйинлар ўйнаш натижасида оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўядиган шахсларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди (ФК 31-моддаси). Ўйин ўйнашга муккасидан кетиш ҳам муомала лаёқатидаги нуқсон ҳисобланади.

Руҳий ҳолатнинг вақтинчалик бузилишини ҳам шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асос деб олиш лозим. Чунки руҳий ҳолат вақтинча бузиладими ёки бутунлайми, шахс ўз ҳаракатлари оқибатини тушунмайди.

## **REFERENCES**

1. Grishaeva S.P. Grazhdanskoe pravo. Uchebnik [Civil law. Textbook]. Moscow, Jurist Publ., 1998, 484 p.
2. Grazhdanskoe pravo [Civil law. Textbook]. Vol. I Prof. E. A. Suhanov. Moscow, BEK Publ., 1998, 816 p.
3. The World Bank Group. Available at: <https://www.worldbank.org/public-private-partnership/legislation-regulation/framework-assessment/legal-systems/common-vs-civil-law/>.
4. Grazhdanskoe pravo. Uchebnik [Civil law. Textbook]. Part I. Third edition. A.P. Sergeeva, Ju.K. Tolstogo. Moscow, PROSPEKT Publ., 1998, 632 p.
5. Matsuo H. Introduction to the Civil Law System. Law School, Keio University. Available at: <https://jica-net-library.jica.go.jp/lib2/05PRDM015/pdf/alltxt.pdf/>.
6. Civil Code. Available at: <https://www.fd.ulisboa.pt/wp-content/uploads/2014/12/Codigo-Civil-Frances-French-Civil-Code-english-version.pdf/>.
7. German Civil Code. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB). Article-by-Article. Commentary edited by G. Dannemann, R. Schulze. Assistant Ed. J. Watson, vol. I Books 1–3: §§ 1–1296, 2020. Available at: [https://www.ucc.ie/academic/law/restitution/messages\\_new/2020/07.%2023\\_07\\_2020%20-%20commentary%20in%20English/Dannemann\\_Schulze\\_German-Civil-Code.pdf/](https://www.ucc.ie/academic/law/restitution/messages_new/2020/07.%2023_07_2020%20-%20commentary%20in%20English/Dannemann_Schulze_German-Civil-Code.pdf/).
8. Civil Code of Japan. Act 1896, no. 89, April 27. Available at: <http://www.moj.go.jp/content/000056024.pdf/>.
9. Lowdermilk C. New Jersey: The Lawbook Exchange, Ltd., 2003. Available at: <https://jica-net-library.jica.go.jp/lib2/05PRDM015/pdf/alltxt.pdf/>.

10. Commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Vol. 1 (Part one) Ministry of Justice. Tashkent, Vektor-Press Publ., 2010, 536 p.
11. Ashurova N.A. Voyaga yetmaganlar huquq va muomala layoqatining fuqarolik-huquqiy muammolari [Civil law problems of the rights and legal capacity of minors]. Tashkent, 2008.
12. Civil law. Textbook. Part I. I.B. Zokirov. Revised and supplemented fifth edition. Tashkent, TSUL Publ., 2009, 138 p.
13. Matkurbanov R. Fuqarolik huquqida fuqarolar (jismoniy shaxslar) huquq subyektililigining muammolari. Avtoref. dis. dokt. yur. nauk [Problems of personality of citizens (individuals) in civil law. Abstract of the dissertation of the doctor of legal sciences]. Tashkent, 2008.
14. Perillo J.M. The origins of the objective theory of contract formation and interpretation, 69 Fordham L. Rev. 427, 2000, p. 42. Available at: <https://ir.lawnet.fordham.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=3672&context=flr/>.
15. Ioffe O.S. Izbrannye trudy po grazhdanskomu pravu: Iz istorii civilisticheskoy mysli. Grazhdanskoe pravootnoshenie. Kritika teorii «hozjaystvennogo prava» [Selected Works on Civil Law: From the History of Civilistic Thought. Civil legal relationship. Criticism of the theory of «commercial law»]. Moscow, Statut Publ, 2000, 777 p. (Series „Classic of Russian Civilianistics“). Available at: [http://www.consultant.ru/edu/student/download\\_books/book/izbrannye\\_trudy\\_po\\_grazhdanskomupravu\\_iz\\_istorii\\_civilisticheskoy\\_mysli\\_grazhdanskoepravootnoshenie\\_kritika\\_teorii\\_hozyajstvennogo\\_prava/](http://www.consultant.ru/edu/student/download_books/book/izbrannye_trudy_po_grazhdanskomupravu_iz_istorii_civilisticheskoy_mysli_grazhdanskoepravootnoshenie_kritika_teorii_hozyajstvennogo_prava/).
16. Matuzov N.I., Mal'ko A.V. Teoriya gosudarstva i prava [Theory of State and Law]. Uchebnik [Textbook]. Moscow, Jurist Publ, 2004, 310 p. Available at: [https://pravo-olymp.ru/wp-content/uploads/2013/04/TGP\\_Matuzov\\_Malko.pdf/](https://pravo-olymp.ru/wp-content/uploads/2013/04/TGP_Matuzov_Malko.pdf/).
17. Grazhdanskoe pravo cheloveka: sovremennye problemy teorii i praktiki [Civil human rights: modern problems of theory and practice]. Science, Prof. F.M.Rudinsky. Volgograd, VA of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2004. The Second Edition. Moscow, CJSC TF Mir Publ, 2006, 475 p.
18. Grazhdanskoe pravo. Uchebnik [Civil law. Textbook]. Ed. A.G. Kalpina, A.I. Maslyaeva. 2nd ed., Rev. and add. Moscow, Jurist Publ., 2000, 536 p.
19. Ioffe O.S. Sovetskoe grazhdanskoe pravo. Kurs lekciy [Soviet civil law. Lecture course]. Leningrad, LSU Publ., 1958, 646 p.
20. Fuqarolik huquqi. Darslik. II qism. Mualliflar jamoasi. Prof. O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida [Civil Law. Textbook. Part II. Team of Authors. Prof. Under the general editorship of O. Oqyulov]. Tashkent, TSUL Publ., 2016, 312 p.
21. Grazhdanskoe pravo [Civil law]. Teams of Authors. 2nd ed. Corresponding editor V.F. Chigir. Minsk, Minsk Publ., 2007, vol. 1, 611 p.
22. Rahmonqulov H.R. Fuqarolik huquqining subyektlari. O'quv qo'llanma [Subjects of civil law. Study guide]. Tashkent, TSIL Publ., 2008, p. 195.
23. Karahodzhaeva D.M. Grazhdanskoe pravo: Subyekt, obyekt i sodержание pravootnosheniya v usloviyakh rynka. Uchebnoe posobie dlja studentov vysshih uchebnyh zavedenij [Civil law: Subject, object and content of law in the conditions of the market. Textbook for students of higher educational institutions]. Ed. I.B. Zokirov. Tashkent, TSIL Publ., 2004, 162 p.
24. Grazhdanskoe pravo. Obshhaja chast': praktikum dlja seminarских i prakticheskikh zanjatij [Civil law. General part: workshop for seminars and practical classes]. Comp. Yu.S. Alekseeva, V.P. Kutina. Saint Petersburg, the Saint Petersburg Academic University Publ., 2016, 238 p.
25. Kuznecova L.G. Shevchenko Ja.N. Grazhdansko-pravovoe polozenie nesovershennoletnih. [Minors' civil status]. Moscow, Legal literature Publ., 1968, 524 p.
26. Rossijskoe grazhdanskoe pravo. Uchebnik [Russian civil law. Textbook]. Ed. Z.G. Krylova, E.P. Gavrilova. 2nd ed. Moscow, JSC Center YurInfoR Publ., 2001, 439 p.
27. Usmonova M. The role of forensic psychiatric examination in invalidating an agreement entered into by a citizen who does not understand the significance of his actions or is unable to control them. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-role-of-forensic-psychiatric-examination-in-invalidating-an-agreement-entered-into-by-a-citizen-who-does-not-understand-the/>.

UDC: 347.2 (575.1)

ORCID: 0000-0002-3099-6799

## КИБЕРСКВОТТИНГ – ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ ЎЗЛАШТИРИШДА ЯНГИ ХАВФ (ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ)

**Бабакулов Зафар Курбонназарович,**  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Тошкент давлат юридик университети докторанти,  
e-mail: md\_15@list.ru

**Аннотация.** Машҳур тадбиркор, ишбилармон, “Microsoft” компанияси асосчиси Билл Гейтснинг “Агар Интернетда сизнинг бизнесингиз йўқ бўлса, унда бизнесдаги ўрнингиз ҳам йўқдир”, деб айтган гапи ҳозирги замон учун мос ва инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бугунги кунда моддий макондаги савдо муносабатларининг виртуал маконга кўчаётганлиги тижорат муомаласи иштирокчилари учун қулай савдо муҳитини яратмоқда. Интернет тизими ривожланиши ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга айрим шахслар учун инсофсиз фаолият маконига айланди. Дунёдаги машҳур брендлар, домен номлари ўзлаштирилиши натижасида инсофсиз рақобат юзага келмоқда. Айрим давлатлар қонунчилигида ушбу ҳолат махсус ном билан киберқароқчилик деб аталса, бизда инсофсиз рақобат деб белгиланган. Мазкур ҳуқуққа зид фаолият хорижий давлатларда тегишли қонунчилик ва суд ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлса, миллий доирада унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш масаласи ҳали-ҳануз очиқлигича қолмоқда. Айтиш мумкинки, мавжуд қоидалар киберқароқчиликнинг тор доирадаги ҳуқуқий ҳолати ва оқибатига нисбатан мослашган. Яъни товар белгисини домен номларида ўзлаштирилганлик, унинг ҳуқуқий оқибатларини бартараф этиш, ушбу ҳолатнинг олдини олишнинг махсус механизмлари (қоида бўйича техник чораларнинг мавжудлиги), айбли шахснинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, ҳолатни киберқароқчилик деб топиш мезонлари хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти асосида ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳолатлар ҳақида мақолада атрофлича сўз юритилади. Киберқароқчилик хорижий давлатлар ва миллий суд амалиёти асосида таҳлил қилинади ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар:** товар белгиси, домен номи, киберқароқчилик, “UZ” домени, инсофсиз рақобат, интернет.

## КИБЕРСКВОТТИНГ – НОВАЯ УГРОЗА В ПРИСВОЕНИИ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ (НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ)

**Бабакулов Зафар Курбонназарович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD),  
докторант Ташкентского государственного  
юридического университета

**Аннотация.** На сегодняшний день перемещение торговых отношений в материальном пространстве в виртуальное создает благоприятную торговую среду для участников коммерческого оборота. Развитие сети Интернет, наряду с ее положительными аспектами, превратилось в пространство нечестной деятельности для отдельных лиц. Известные бренды по всему миру

ассимилируются в доменных именах, что приводит к недобросовестной конкуренции. В законодательстве некоторых стран эта ситуация именуется киберпреступностью со специальным названием, у нас в стране – как недобросовестная конкуренция. В то время как в зарубежных государствах данная противоправная деятельность регулируется соответствующим законодательством и судебными актами, в национальной системе права вопрос определения ее правового статуса все еще остается открытым. Можно утверждать, что существующие правила адаптированы к более узкому правовому статусу и последствиям киберпреступности. Критерии присвоения товарного знака в доменных именах, устранение его правовых последствий, специальные механизмы предотвращения данных случаев (наличие технических правил), правовая оценка действий виновного лица, признание ситуации киберпреступностью на основе законодательства и практики зарубежных стран до сих пор не разработаны. Эта ситуация в данной статье подробно изучена. Киберпреступность проанализирована на основе зарубежной и национальной судебной практики и сформулированы соответствующие выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** товарный знак, доменное имя, киберпиратство, домен «UZ», недобросовестная конкуренция, интернет.

## CYBERSQUATTING – A NEW RISK OF MISAPPROPRIATION OF TRADEMARKS (SCIENTIFIC AND PRACTICAL ANALYSIS)

**Babakulov Zafar Kurbonnazarovich,**  
Doctor of Philosophy in Law (Ph.D.),  
Doctoral Student  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** Bill Gates, the founder of “Microsoft,” a well-known businessman, emphasized the indisputable fact that “If you do not have a business displayed on the Internet, then you have no place in business.” Today, the transformation of trade relations from the material space to the virtual space creates a favorable trading environment for participants. However, the development of the Internet, along with its positive aspects, has become a place of dishonesty for some parties. World-famous brands’ domain names are being misappropriated resulting in tendencies of unfair market-competition. In some countries, this practice is called as a cyber piracy, whereas in our country it is named as an unfair competition. While this illegal activity is regulated by the relevant legislation and court documents in foreign countries, the issue of determining its legal status in our national sphere is still remaining to be insufficiently examined. It should be noted that those rules are adjusted to the narrow meaning of the legal status and consequences of cybercrime. That is, the appropriation of a trademark in domain names, the elimination of its legal consequences, special mechanisms to prevent this (as a rule, the availability of technical measures), the legal assessment of the actions of the perpetrator, the process of discovery of such actions as a cybercrime are not developed according to the laws and practices of foreign countries. Thus, these cases are discussed in detail in this article. Cybercrime is analyzed on the basis of the judicial practice of foreign and national courts, followed by drawing appropriate conclusions and recommendations.

**Keywords:** trademark, domain name, cybercrime, “UZ” domains, unfair competition, internet.

### Кириш

Замонавий дунёда инсонлар фаолияти-ни Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши турли хил муносабатларнинг ривожлани-

шига кучли туртки бўлди. Шу билан бирга, Интернетдан фойдаланадиган субъектлар-нинг ўзаро алоқаси домен номлари билан таъминланган ахборот ресурсларини қу-лай ва осонлик билан аниқлаш имконини



яратди. Ушбу глобал тизим орқали халқаро савдо муносабатлари ривожланди. Бу эса ишлаб чиқарувчилар учун домен номларида ўз махсулотларини реклама қилиш ва шунга мос равишда харидорларни топиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлади. Натижада замонавий бозор муносабатларига “виртуал савдо” тушунчаси кириб келди [1]. Машхур тадбиркор Билл Гейтснинг “Агар Интернетда сизнинг бизнесингиз йўқ бўлса, унда бизнесдаги ўрнингиз ҳам йўқдир,” деган гапи [2] айнан ҳозирги ва келажакдаги замонавий бизнес учун топиб айтилган ҳақиқатдир. Чунки савдо муносабатлари борган сари моддийдан виртуал оламга қараб қўчади ва шахсларнинг манфаатлари айнан шу жойда тўқнашади.

Интернет тармоғи ривожланиши ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муносабатларга нисбатан айрим салбий таъсирини ўтказди. Яъни Интернет тармоғи бир иқтисодий макон доираси билан чегараланмасдан, домен номлари воситасида бутун дунё иқтисодий тизимига таъсир этди ва бу жараён кун сайин кучайиб бормоқда. Айниқса, ушбу жараён интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳолатига таъсир этиб, айрим тартибга солиниши лозим бўлган масалаларни келтириб чиқарди. Масалан, бунга айрим инсофсиз шахслар томонидан дунёга маълум ва машхур брендларни домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳолатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Учинчи шахсларнинг товар белгиларини Интернет тармоғида инсофсиз равишда ўз номига домен номлари сифатида расмийлаштириши товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини виртуал оламда маълум маънода чегаралашга, иккинчидан эса товар бозорида товар белгисининг қадрсизланиши ва охир-оқибатда унинг баҳола-ниш қиймати тушишига сабаб бўлмоқда.

Ўзида тегишли ахборот ва маълумотларни идентификациялаган битта домен номидан бутун дунё бўйича саноқсиз инсонлар бир макон доирасида ўзаро тўқнашмоқда ва ўз эҳтиёжларини қондирмоқда. Товар белгиларини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш шундай чекланмаган шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳолатларни аниқлашнинг ҳар доим ҳам имкони бўлмайди. Чунки улар кўринмас қўллар орқали ҳаракат қилади, шунингдек, Интернет оламининг чексизлигидан фойдаланиб, домен номлари воситасида товар белгиларининг обрўси тушишига сабаб бўлмоқда.

Домен номи барча давлатларда алоҳида тартибда рўйхатдан ўтказилади ва фойдаланилади. Масалан, “uz” домени Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги ўз ичига кейинги даража домен номларини олувчи юқори даражадаги доменидир. Масалан, Австралия (“au”), Австрия (“at”), АҚШ (“us”) давлатлари ҳам ўзларининг юрисдикциясини кўрсатувчи шундай юқори даражадаги домен номларига эгадир.

Товар белгиларидан домен номларида фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар умумназарий ва илмий ишларда, хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида нисбатан тез-тез учраб турадиган низоли масала сифатида ўрганилади. Россия Федерацияси, АҚШ, Германия, Дания, Швеция, Швейцария, Ҳиндистон, Голландия каби давлатларда домен номларида товар белгиларидан инсофсиз фойдаланиш ҳолатлари ушбу давлатлар судлари томонидан низоли иш сифатида кўриш амалиёти шакллланган. Қолаверса, уларда бундай хусусиятдаги низоли ишни тартибга солишга қаратилган махсус қонун ҳужжатлари ва суд тушунтиришлари ишлаб чиқилган



хамда қабул қилинган. Хорижий давлатлар қонунчилиги ва суд амалиётида мазкур турдаги низолар киберсквоттинг сифатида тартибга солинади.

2018 йилда “Домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича “Ягона сиёсат” тўғрисидаги қўшимча қоидаларга асосан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига унга аъзо давлатлардан домен номларида товар белгиларидан инсофсиз фойдаланиш ҳолатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ 3447 та аризалар [3] келиб тушган. Аризалар, асосан, АҚШ (976), Франция (553), Буюк Британия (305), Германия (244), Швейцария (193), Малта (135), Швеция (131), Италия (113), Голландия (96), Испания (68), Дания (61), Австралия (51), Ҳиндистон (50) ва бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади [4]. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики, АҚШда товар белгиларини домен номларида киберсквоттинг йўли билан эгаллаб олиш билан боғлиқ низоли масалалар бошқа давлатларга нисбатан сезиларли даражада кўпдир.

Юқорида номлари тилга олинган давлатларда товар белгиларини домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳолатларнинг ортиб бориши, биринчи навбатда, Интернет тизими ривожланиши, шунингдек, ўзига хос салбий омил сифатида онлайн маконда интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, бундай низоли ишлар ортишининг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, интеллектуал мулк муносабатларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга тўртки бўлмоқда.

Ўзбекистонда домен номларини рўйхатга олишни тартибга солиш 2014 йил 30 декабрдаги “UZ” доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ушбу номоддий объект-

дан фойдаланиш муносабатлари рақобат, товар белгилари, фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ҳам тартибга солинади. Лекин мақолада сўз юритилаётган ҳолат билан боғлиқ масалаларнинг ечими тегишли қонунчиликда алоҳида қоидалар ёки суд тушунтиришлари сифатида мавжуд эмас. Демакки, бундай инсофсиз ҳолатни тартибга солишга қаратилган қоидаларнинг йўқлигини тегишли мазмундаги низолар билан боғлиқ суд амалиётининг етарли даражада шаклланимаганлиги билан асослаш мумкиндир, бироқ ушбу асос қонунчилик ташаббусига эга субъектлар ёки судлар учун тўсиқ бўлмаслиги лозим.

Хоҳлаймизми-йўқми, ҳозир бўлмаса, яқин келажакда товар белгиларидан домен номларида фойдаланиш билан боғлиқ низоли ишлар секин-аста пайдо бўлади ва уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораверади. Шунга кўра, товар белгилари ва домен номларининг ўзаро нисбати муносабатларини хорижий давлатлар қонунчилиги ва суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликка татбиқ этиш талаб этилади.

АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг судлари томонидан товар белгиларини домен номида ўзлаштириб олганлик ҳолати аниқ мазмунга эга бўлган низоли иш сифатида кўриб чиқилади. Ушбу турдаги низоларнинг мазмуни давлатларнинг ўзига хослиги ва улардаги ижтимоий муносабатларнинг табиатига боғлиқ эмас. Мазкур давлатларнинг судлари томонидан кўриладиган низо хусусияти ўзгармаган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам шу мазмунда низоли иш сифатида кўрилади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда товар белгиларини домен номларида ўзлаштириб олганлик юқорида таъкидланган давлатлардаги каби ўзаро ўхшаш ҳуқуқий низоли ҳолатга эга. Демакки, тегишли миллий қонунчиликни АҚШ, Германия, Буюк Британия давлатлари қонунчилиги ва суд ама-

лиёти тажрибасидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Домен номи 2014 йил 30 декабрдаги “UZ” доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низомда келтирилган бўлиб, унга “домен номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми” деб таъриф берилган. Ушбу таърифни домен номларида товар белгиларидан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш учун мос дейиш қийин, чунки у фақат домен номининг моҳиятини белгилайди, унинг товар белгиси билан алоқаси (ўзаро зиддияти бор ёки йўқлиги тартибга солинмаган), шунингдек, уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида маълумот берамайди.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги қонунининг 27-моддасида ва “Фирма номлари тўғрисида”ги 2006 йил 18 сентябрдаги қонунининг 11-моддасида домен номининг товар белгилари ва фирма номлари билан бирга фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Амалдаги Фуқаролик кодексида эса домен номи тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қоидалар белгиланмаган. Демакки, домен номини интеллектуал мулк объекти сифатида эътироф этиш масаласи очиқ қолган. Бу саволга нафақат миллий қонунчиликда, балки Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам жавоб мавжуд эмас. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳам домен номи фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза қилинмаслигини таъкидлайди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти домен номига интеллектуал мулкнинг муҳофаза қилинмайдиган объекти сифатида қуйидагича таъриф берган: “Ас-

лида, товар белгиси ва домен номи бир бутун бўлиб, бир хил вазифани бажариш учун мавжуддир”. Халқаро ташкилот мазкур таърифни кенгроқ шарҳлаган ҳолда, “домен номлари дастлаб фойдаланувчиларга қулай тарзда фақат техник функцияларни бажариш учун мўлжалланган эди, ammo уларнинг маълумотларни тўғридан-тўғри қабул қилиши ва эслаб қолиши осон бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда улардан шахсий ёки бизнесни шахсийлаштириш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Шундай қилиб, домен номлари интеллектуал мулк объекти саналмасада, ҳозирги вақтда товар белгилари каби шахсийлаштириш функциясини бажаради” [5].

Шундай қилиб, Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти эътирофига кўра ҳам домен номи интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайди. Хусусан, Россия Федерацияси Олий Арбитраж Суди қарорига мувофиқ, “домен номлари, аслида, товар белгиси функциясини бажарадиган воситага айлантирилди. Бу эса тегишли равишда айрим юридик ёки жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг ўхшаш товарлари ва хизматларидан ажратиш олиш имконини берди. Бундан ташқари, товар белгилари ва савдо номларини ўз ичига олган домен номлари маълум тижорат қийматига эга” [6]. Шу ўринда кўришимиз мумкинки, домен номлари амалда товар белгиларига тенглаштирилмоқда. Лекин бир ҳақли савол туғилади: нега товар белгиси ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объекти ҳисобланадию, домен номи шундай объект саналмайди? Ҳозирги вақтда қонунчиликда ушбу саволга аниқ ва равшан жавоб берилмаган. Қолаверса, уларнинг ўзаро зиддияти масаласини тартибга солувчи қоидалар ҳам такомиллаштирилмаган.

Бундан ташқари, товар белгиси ва домен номлари ўзаро боғлиқ низо сифатида

фақатгина интеллектуал мулк қонунчилиги билан тартибга солинмайди. Кўп ҳолларда домен номларида товар белгиларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши рақобат тўғрисидаги қонун бузилиши билан бирга келади. Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозимки, киберсквоттингни ҳар қандай ҳолатда рақобат қонунчилигини бузувчи унсур сифатида тушунмаслик лозим.

Шунга кўра, агар товар белгиси рухсатсиз домен номи сифатида рўйхатга олинган ва ушбу домен номида товар белгиси остидаги маҳсулотни сотиш, реклама қилиш, товар белгисига рақобатчи бўлган шахсларнинг бир турдаги маҳсулотларини сотиш ёки реклама қилиш фаолиятини амалга оширмаса, ушбу ўзлаштирилган домен номида инсофсиз рақобат аломатлари йўқ деб ҳисоблаш мумкин. Аксинча, рухсатсиз ўзлаштирилган домен номида товар белгиси эгасининг маҳсулотларини унга рақобатчи бўлган шахсларнинг товар белгилари билан солиштириш орқали товар белгиси эгасининг обрўсини тушириш мақсад қилинган ва у қасддан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали амалга оширилаётган бўлса, домен номи эгасининг ҳаракатларида инсофсиз рақобат аломатлари бор деб баҳоланиши мумкин. Мазкур фикрни қатъий равишда тўғри ёки нотўғри деб нуқта қўймоқчи эмасмиз. Юзага келган масалада инсофсиз рақобат бор ёки йўқлигини ҳуқуқий баҳолаш суд жараёнида ёки рақобатга қарши курашиш органининг ваколати доирасида ҳал этилади.

Товар белгиларига бўлган ҳуқуқларни домен номларида бузилиши билан боғлиқ низоли ишнинг ечимини 1883 йил 20 мартдаги Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 10-bis-моддасига (инсофсиз рақобат) ҳавола қилади. Конвенциянинг 10-bis-моддаси мазмунига кўра, рақобатчининг маҳсулотларига, саноат ёки тижорат фаолиятига нисбатан чалкашликларни келтириб чиқарадиган

ҳар қандай усулни тақиқлаш домен низолари учун энг муҳим қоида ҳисобланади. Ушбу қоидалар Россия Федерацияси Олий Арбитраж суди Раёсатининг 2008 йил 11 ноябрдаги 5560/08-сонли қарорида кўриб чиқилган бўлиб, Конвенциянинг 10-bis-моддасида кўрсатилган домен номи маъмурининг хатти-ҳаракатларида инсофсиз рақобат бор ёки йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин суд қуйидаги учта мезонга таянган ҳолда текшириш ишларини амалга оширади, яъни:

- домен номи учинчи шахснинг товар белгиси билан бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшашлиги;

- домен номи эгасининг домен номига нисбатан ҳеч қандай қизиқиши ва қонуний ҳуқуқи йўқлиги;

- домен номи рўйхатга олинганлиги ва инсофсиз фойдаланаётганлиги.

Инсофсизлик тўғрисидаги масалалар IP-манзиллари ва домен номларини бошқариш бўйича Корпорация томонидан 1999 йил 24 октябрда қабул қилинган “Домен номлари бўйича низоларни ҳал қилишнинг ягона қоидалари”да тилга олинган. Қоидаларнинг 4(a)(iii)-бандига кўра, “агар сизнинг домен номингиз рўйхатга олинган ва инсофсиз фойдаланилаётган бўлса”, маъмурий суд ишларида иштирок этишингиз лозимлигини белгилайди. Қоидаларнинг 4(b)-бандида домен номидан қандай ҳолларда инсофсиз фойдаланиш деб топиш тўғрисида батафсил кўрсатилган бўлиб, жумладан, уларга:

- фойдаланишга бериш учун домен номини сотиб олиш ёки рўйхатдан ўтказиш ёки ғаразли мақсадларда ушбу домен номини товар белгисининг эгаси ёки унинг рақобатчисига бошқача йўл билан сотиш;

- товар белгиси эгалари томонидан товар белгисини домен номи сифатида олдинроқ рўйхатга олишни чеклаш мақсадида домен номини рўйхатдан ўтказиш. Мазкур кичик банд талабига кўра, “сиз илгари

ушбу турдаги фаолият билан шуғулланган бўлишингиз керак”;

- рақобатчига зарар етказиш мақсадида домен номини рўйхатдан ўтказиш;

- сизга тегишли бўлмаган товар белгисидан фойдаланиш орқали потенциал истеъмолчиларни жалб этиш учун домен номидан фойдаланиш.

Интернет тизимида домен номларини рўйхатга олишда мустақил эркин тизимнинг яратилиши қонун билан қўриқланадиган бошқа белгилари билан ўзаро зиддиятни келтириб чиқаришга имконият яратди. А.Г. Сергонинг таъкидлашича, бундай конфликт муҳофаза қилинадиган ҳар қандай белгилар (нафақат товар белгилари, балки шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари, шахсий номлар, асар номи, персонаж номи ва ҳ.к.) билан боғлиқ муносабатларда юзага келиши мумкин [7]. Ушбу инсофсиз хатти-ҳаракатлар илмий тадқиқотлар ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигида “киберсквоттинг” (cybersquatting) деб аталади.

Илмий адабиётларда олимлар киберсквоттингнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилади. Хусусан, С.А. Судариков киберсквоттингни “мутлақ ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар томонидан товар белгилари, фирма номлари, географик жой номлари ва бошқа объектлардан домен номи сифатида фойдаланиш” деб таъкидлайди [8].

М.М. Будагованинг таъкидлашича, “киберсквоттинг (инг. cybersquatting; от squatting – эгаллаб олиш, рухсатсиз/ноқонуний жойлаштириш) истиқболли домен номларини (машҳур брендлар ёки компания номларига мос келадиган ёки шунчаки “чиройли” ҳамда эслаб қолиш осон бўлган) эгаллаш ёки охир-оқибатда қайта сотиш мақсадида рўйхатдан ўтказиш ҳодисаси сифатида қабул қилинган” [9]. Ўхшаш фикрни А.А. Александрованинг илмий ишларида ҳам учратиш мумкин бўлиб, унинг фикрича, “жаҳон амалиётида бундай ҳаракат-

лар киберсквоттинг деб аталиб, таниқли компания номлари ёки шунчаки “қиммат” номларни ўзида акс эттирган домен номларини кейинчалик сотиш ёки рекламада жойлаштириш мақсадида эгаллаб олинди” [10].

С.Я. Казанцев ва О.Э. Згадзайларнинг илмий ишларида “интернетда номаълум ёки кам маълум бўлган компаниялар номлари, фирма номлари ва бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган товар белгиларини домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказиш бизнеси оммалашиб, бу, ўз навбатида, киберсквоттинг деб номланди” [11] деб таъкидланади.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқадиги, киберсквоттинг ҳуқуқ эгасининг қонуний имкониятларини чеклаган ҳолда, унга тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижаларини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш ва ушбу доменга қизиқувчиларга сотиш учун таклиф қилувчининг инсофсиз фаолиятидир.

Ўзбекистон судлари томонидан киберсквоттинг билан боғлиқ ишлар сони кам бўлсада низоли масала сифатида кўриб чиқилган. Лекин айрим хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Германия, Япония, Франция каби бошқа ривожланган давлатлар судларида товар белгиларининг домен номларини рухсатсиз эгаллаб олиш билан боғлиқ низоли ишлар амалиёти андоза олиш мумкин бўлган даражада шаклланган. Қолаверса, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузурида шундай турдаги низоларни ҳал этиш бўйича махсус комиссиялар ҳам фаолият олиб бормоқда.

Қуйида киберсквоттинг билан боғлиқ низоли ишлар ва уларнинг мазмунини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузуридаги Арбитраж ва Медиация марказига 2020 йил 12 мартда даъвогар “SANOFI” (Франция) компанияси ва унинг вакили “Selarl Marchais & Associés” компанияси (Франция) томонидан жавобгар Ли



Хуасян (Хитой фуқароси)га нисбатан даъвогарга тегишли “SANOFI” товар белгиси жавобгар томонидан “SANOFIVACCINE.COM” домен номи сифатида ўзлаштириб олганлиги тўғрисида даъво аризаси кириштилади [12].

Арбитраж ва Медиация маркази даъвогар “SANOFI” компанияси томонидан жавобгар Хитой фуқароси Ли Хуасянга қарши тақдим этилган даъво кўрсатилган важларни “Домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича Ягона сиёсат” тўғрисидаги келишув қоидалари (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy) (кейинги ўринда “Қоидалар”) ва Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг “Домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича “Ягона сиёсат” тўғрисидаги қўшимча қоидалар (WIPO Supplemental Rules for Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy)га мувофиқ ўрганиб чиқади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузуридаги Арбитраж ва Медиация маркази Қоидаларнинг 4(а)-бандига асосланган ҳолда, низони тўғри ҳал этиш учун даъвогардан қуйидаги ҳолатларни асослаб беришни сўрайди:

1. Даъвогарнинг ҳуқуқи бўлган товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси билан домен номининг бир хиллиги ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлганлиги (Қоидаларнинг 4(А)(i)-банди).

2. Жавобгарнинг домен номига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатга эга эмаслиги (Қоидаларнинг 4(А)(ii).

3. Домен номи рўйхатга олинганлиги ва инсофсиз равишда фойдаланилаётганлиги (Қоидаларнинг 4(А)(ii).

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, даъвогар “SANOFI” компанияси фармацевтика соҳасида халқаро миқёсда фаолият олиб бориб, штаб квартираси Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган. Компания фармацевтика соҳасида тадқиқотларни олиб борган ҳолда, махсус рецепт

асосида ёки шундай рецептсиз дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Даъвогарнинг эътирофича, компания 2018 йилда тадқиқот мақсадлари учун 5 млрд доллар сарф қилган. Унинг биргина вакцина ишлаб чиқариш бўлими ҳар йили дунё бўйича 500 млн дан ортиқ инсонларга 1 миллиард дозадаги “Sanofi Pasteur” номи остида иммун вакцинасини ишлаб чиқаради ва буюртмачиларга етказиб беради. Компаниянинг дунё бўйича ишлаб чиқариш тармоқларида деярли 15 минг нафар ходим ишлайди. 2018 йилда унинг даромади салкам 5,118 млрд долларни ташкил қилди. SANOFI дунё бўйича, шу жумладан, жавобгар яшайдиган Хитойни қўшиб ҳисоблаганда, 12 та ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот марказларига ҳам эгалик қилади.

Даъвогарга тегишли “SANOFI” товар белгиси дунёнинг кўплаб давлатларида, хусусан, Европа Иттифоқи ва Францияда, шунингдек, АҚШ ва бутун дунё давлатлари юрисдикцияларида халқаро муҳофазага эга. Компанияга “SANOFI” товар белгисига нисбатан 1988 йилдан бошлаб устуворлик қилиш ҳуқуқ берилган.

Шунингдек, даъвогар “SANOFI” товар белгилари билан боғлиқ “sanofi.com”, “sanofi.eu”, “sanofi.fr”, “sanofi.us”, “sanofi.ca”, “sanofi.biz”, “санофи.инфо”, “sanofi.org”, “sanofi.mobi”, “sanofi.tel”, “sanofi.cn” каби домен номларига ҳам эгалик қилади.

“SANOFI” товар белгиси жавобгар яшайдиган Хитой давлатида 1992 йил 25 сентябрда 591490-сон билан халқаро рўйхатга олинган.

Жавобгар Ли Хуасян <sanofivaccine.com> домен номини эса 2020 йил 3 мартда халқаро рўйхатдан ўтказган.

Даъвогарнинг қайд этишича, домен номида кўрсатилган товар белгиси алоҳида белги хусусиятига эга бўлиб, бошқа маънони келтириб чиқармайди ва даъвогарнинг айнан товар белгисининг ўзи ҳисобланади. Шунингдек, даъвогар неча йил



лардан буён бутун дунёда, шу жумладан, жавобгар яшайдиган ҳудудда “SANOFI” товар белгисини реклама қилиб келмоқда. Шу билан бирга, “Домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича Ягона сиёсат” (UDRP, Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy) ташкилоти томонидан илгари кўрилган кўплаб қарорларда “SANOFI” товар белгиси ҳаммага маълум белги сифатида эътироф этилган.

Даъвогарнинг эътирофича, жавобгарнинг домен номи унинг товар белгисига ўхшаш даражасида бир хил бўлиб, жавобгарнинг домен номидаги “VACCINE” сўзи билан даъвогар товар белгисининг устувор қисми бўлган “SANOFI” белгисини ўз ичига олганлиги, бундан ташқари, жавобгар ўз домен номини юқори даражадаги домен “COM”да рўйхатдан ўтказган.

Жавобгарнинг домен номидаги “VACCINE” сўзи даъвогарнинг фаолияти билан бевосита узвий боғлиқ бўлган тушунчани англатаётганлиги ва бу унинг фаолиятига салбий таъсир этиб, адаштириш ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги даъвогар томонидан қайд этилади.

Даъвогар ўз важларига қўшимча қилган ҳолда, ўзининг жавобгар билан ўзаро ҳеч бир алоқаси йўқлиги, унга ушбу белгидан фойдаланиш бўйича лицензия ёки унга бирон-бир ишончнома бермаганлиги, шунингдек, жавобгар домен номидан фойдаланишда инсофли ҳаракат қилмаётганлиги, домен номидан фойдаланиб, инсофлилик (*bona fide*) принципи асосида товар ва хизматларни таклиф қилмаётганлиги ва бу билан “SANOFI” белгисига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатга эга эмаслигини таъкидлайди. Мазкур асосларга таянган ҳолда, жавобгар ушбу домен номини сотиш ёки бошқа инсофсиз мақсадларни мўлжал қилганлигини кўрсатади. Санаб ўтилган мазкур ҳолатларга кўра, даъвогар жавобгардан домен номини беришни талаб қилади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳузуридаги Арбитраж ва Медиация марказимазкур низобўйича коллегия аъзолари юқорида даъвогар томонидан келтирилган далилларга таяниб, жавобгар томонидан рўйхатдан ўтказилган домен номидаги “SANOFI” белгиси даъвогарнинг “SANOFI” товар белгиси билан бир хиллиги ҳамда ушбу товар белгиси 1988 йилдан устуворликка эгалиги ва даъвогарнинг ундан фойдаланиб келаётганлиги, жавобгар эса “sanofivaccine.com” домен номини 2020 йил 3 мартда рўйхатдан ўтказганлиги ва катта эҳтимол билан сотиш мақсадини кўзлаганлигини тахмин қилади.

Юқоридагиларга асосланиб, Арбитраж ва Медиация маркази мазкур низо бўйича коллегия аъзолари Қонданинг 4(i) ва 15-бандларига асосланиб, жавобгарга тегишли “sanofivaccine.com” домен номини даъвогар номига ўтказиш тўғрисида қарор қилади.

Шунингдек, Россия Федерацияси Москва шаҳар Арбитраж суди томонидан даъвогар “MediaMarkt” ва “Медиа Маркт”, жавобгар “Медиа-маркт.su” домен номининг эгаси ўртасида товар белгисини домен номида киберсквоттинг йўли билан эгаллаш орқали фойдаланиш билан боғлиқ низоли иш кўриб чиқилади.

Мазкур низоли ишга кўра, 2019 йилнинг июнь ойида даъвогар “Медиа Маркт” товар белгиси эгасининг розилигисиз Интернет тармоғида фаолият олиб бораётган “Медиа-маркт.su” домен номининг мавжудлигини аниқлайди. Бундан ташқари, жавобгар мазкур веб-сайтда “Медиа-маркт.su” домен номи сотувга қўйилганлиги ва кимда-ким уни сотиб олиш истаги бўлса, домен номида кўрсатилган тегишли манзилга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради. Шу билан бирга, “Медиа-маркт.su” сайтида маиший техника товарларини сотиш билан шуғулланувчи бошқа компаниялар сайтига кириш учун ҳавола қисм ҳам мав-

жудлиги, бу билан даъвогарнинг ҳуқуқий ҳимояланган товар белгилари билан бир хил товарларни жавобгарнинг домен номида ўхшаш товарларга нисбатан фойдаланаётганлиги маълум бўлади. Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жавобгарнинг тегишли домен номидан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади [13].

Ўзбекистон суд амалиётида ҳам киберсквоттинг йўли билан домен номларида товар белгиларини ўзлаштириб олганлик билан боғлиқ ҳолатлар низоли иш сифатида кўрилган. Хусусан, шундай низоли иш фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро суди томонидан 2020 йил 17 мартда кўриб чиқилади. Низоли иш ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат патент идорасининг 02.04.2010 йилда “А” исмли шахс номига “KITOBXON” сўзли товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси № MGU 20382-сонли гувоҳнома асосида 10 (ўн) йил муддатга берилади. 2019 йил 27 сентябрда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “KITOBXON” товар белгисининг амал қилиш муддати 2030 йилга қадар узайтирилган. Шунингдек, 2011 йил 26 августда даъвогар “kitobxon.uz” доменини ҳам рўйхатдан ўтказган. Лекин кейинчалик даъвогар “А” исмли шахс домен номини жавобгар “Х” исмли шахсга ҳамкорлик қилиш мақсадида ўтказди. “Х” исмли шахс эса “kitobxon.uz” доменини жавобгар “Б” исмли шахс номига расмийлаштиради.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, “Б” исмли шахс даъвогарга тегишли товар белгиси билан бир хил бўлган “www.kitobxon.uz” домен номини 2013 йил 30 ноябрдан 2021 йил 12 февралгача рўйхатдан ўтказган. Ишга жавобгар сифатида “Б” исмли шахс билан бирга “www.kitobxon.uz” доменини регистратори “VneshinvestProm” МЧЖ ҳам жалб этилади. Аниқланишича, даъвогар “А” исмли шахс илгари ишга жавобгар тараф бўлган “VneshinvestProm”

МЧЖ раҳбари “Х” исмли шахс билан шартнома асосида ҳамкорлик қилганлиги, хусусан, “Х” исмли шахс “KITOBSAVDO.UZ” доменини ишга тушириб, ушбу сайтга мижозларни “KITOBXON.UZ” домени орқали йўналтириб келган. Ҳолатдан унумли фойдаланган “Х” исмли шахс ўзи раҳбар бўлган “VneshinvestProm” МЧЖ орқали “Б” исмли шахс номига “www.kitobxon.uz” доменини рўйхатдан ўтказиб, ўзини жавобгарликдан соқит қилади.

Ушбу ҳолатдан хабар топган даъвогар “А” исмли шахс ўзининг товар белгисига нисбатан бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш мақсадида, “www.kitobxon.uz” доменига нисбатан бузилган ҳуқуқларини талаб қилиб, жавобгарга бир неча марта огоҳлантириш хатларини юборишга қарамасдан жавобгар ушбу ҳолатларга муносабат билдирмаган. Натижада даъвогар “А” исмли шахс “Б” исмли шахс номига олинган “www.kitobxon.uz” доменини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ва уни қайта ўзининг номига рўйхатдан ўтказишни сўраб судга мурожаат қилган. Иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд “Б” исмли шахс номига рўйхатга олинган “www.kitobxon.uz” доменини бекор қилиб, даъвогар “А” исмли шахс номига қайта рўйхатдан ўтказган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар суди томонидан 2021 йил 15 мартда 4-10-2125/42-сонли даъвогар “Wildberries” МЧЖ (“Wildberries” товар белгисининг эгаси) жавобгар “А” исмли ЯТТ (“Wildberries.uz” домен номининг эгаси)га нисбатан домен номида товар белгисини ўзлаштирганлик ҳолати билан боғлиқ низоли иш кўриб чиқилади.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, даъвогар “Wildberries” МЧЖга тегишли “Wildberries” товар белгиси 1020283-сон ва 1237056-сон билан халқаро ҳуқуқий муҳофаза остига олинган. Жавобгар “А” исмли ЯТТ эса ушбу товар белгисининг товар бозоридаги обрўсидан фойдаланиб, уни эгасини розилигисиз “Wildberries.uz”

домен номи сифатида рўйхатдан ўтказган. Бу эса киберсквоттинг, яъни домен номида товар белгисини қароқчилик йўли билан ўзлаштириб олиш ҳолатини юзага келтирган. Мазкур ҳолат илмий ва халқаро тан олинган ҳуқуқбузарлик бўлиб, киберсквоттинг ҳолатини ўзида намоён этади. Яъни ушбу низоли иш бўйича жавобгарлар даъвогарнинг электрон товар бозоридаги мавқеидан қароқчилик йўли билан фойдаланган ҳолда, даъвогарнинг ўхшаш домен номи ва товар белгиси билан бир хил бўлган домен номини рўйхатдан ўтказган ҳолда фойдаланиб келган.

Франция Фуқаролик кодексидан келиб чиқадиган юрисдикцияда инглиз ҳуқуқи-га асосланганлиги ва банкротликни режалаштиришга эгилувчанлик берадиган “ҳисобга ўтказиш ва тижорат ишончи” концепциясини қабул қилишга шошилмаганлиги кўзга ташланади [6]. Асосий ва қарам (“она-қиз”) компаниялар ва корпоратив гуруҳлар ўртасидаги муносабат билан боғлиқ бўлган алоҳида юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўсиқларини бартараф этиш йўли билан чекланган жавобгарликни инкор этиш АҚШда қўлланиладиган амалиёт ҳисобланади, бироқ бу Буюк Британияда бир қатор баҳсларни юзага келтиради [7] ва фуқаролик ҳуқуқи амал қиладиган мамлакатларда чекланган тарзда қўлланилади [8].

Дянков ва бошқаларнинг қайд этишича [9], 1970-йилларнинг охири ва 2000-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда корпоратив тўловга қобилиятсизлик ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қонунчиликда ўзгаришлар даври бўлган, бироқ бу даврда юридик шахсларни қайта ташкил этиш соҳасида МДХ давлатлари қонунчилиги шаклланишининг дастлабки босқичи кузатилгани ҳолда, қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларининг ҳимоясида кучли ва ишончли механизмлар яратилмаганлиги кўзга ташланади. Хусусан, 2000-йилларнинг ўрталарида юридик шахсларнинг бекор бўлиши (қайта ташкил этиш ва тугатиш)га оид қонунчиликда тез-тез ўзгаришлар бўлиши тадбиркорлик фаолиятида халқаро алоқаларнинг кучайиши [10], иқтисодий интеграциялашув ва соҳага оид қонунчиликнинг бир хиллаштирилиши, қайта ташкил этишнинг кўпайиши (давлатга қарашли юридик шахсларнинг хусусий секторга ўтказилиши) ва тўловга қобилиятсизликдан юридик шахсларни чиқаришга бўлган ҳуқуқий механизмлар-

нинг яратилиши билан боғлиқдир [11]. Шунингдек, айрим мутахассислар бу даврдаги тўловга қобилиятсиз юридик шахсларни соғломлаштириш ва компанияларни тугатиш соҳасидаги ислохотлар юридик жиҳатдан сезиларли даражада мақбул бўлмаганлиги, фақатгина иқтисодий босим ва ижтимоий ҳамда сиёсий соҳадаги қадриятларнинг кучайишидан келиб чиққанлигини қайд этишади [12].

Бир қатор мамлакатларнинг банк тизими, хусусан, Россия Федерацияси Марказий банки мазкур даврдаги тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликнинг мураккаблигини кредитор ҳуқуқлари ҳимоясини баҳолашни уч мезонга бўлиш ва кредитор ҳуқуқларининг турли усуллари-ни ажратиш йўли билан кўрсатиб беради: қарздорларнинг назорат, кредит шартномалари ва тўловга қобилиятсизлик таомиллари. Қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида айнан ушбу мезонлар намоён бўлади [13].

1. Қарздор фаолияти устидан назорат. Қайта ташкил этиш жараёнларида кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш индексининг ушбу мезонига юридик шахс фаолиятига тўловга қобилиятсизлик хавфини камайтириш мақсадида қўлланиладиган чекловлар киради. Бунда асосий эътибор акциядорлар ва директорларнинг компанияни банкротлик учун заиф қилиб қўядиган ва кредиторларнинг компаниянинг барча активлари ёки уларнинг бир қисмига талабни қаратишдан маҳрум этадиган битимлар ва операцияларга қаратилади [14]. Шу билан бирга, мазкур мезон кредитор учун амалда очиқ ва самарали бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ҳам назарда тутати. Шу сабабли кўплаб давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида компанияларни ташкил этиш учун зарур бўлган минимал сармоя миқдори, компания сармоясига ҳавола орқали белгиланадиган дивидендларни тўлашни чеклаш, судларнинг



кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун корпоратив пардани бартараф этиш ҳуқуқи, ҳуқуқлари таъминланмаган кредиторларни ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган директорларни кредиторларнинг манфаатларини инобатга олиш мажбурияти ва директорларни ноқонуний савдо учун четлатиш йўли билан юридик шахс тўловга қобилиятсиз бўлганида, директорлар мажбуриятини оммавий бажаришга оид қоидалар ўз аксини топган. Ва ниҳоят, ушбу мезон тугатиш ва қайта ташкил этишнинг жамоавий тусини ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлиб, унинг мақсади – бир хил ҳолатда бўлган кредиторларга нисбатан тенгликни таъминлаш [15] ва тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобланади [16].

2. Кредит шартномалари. Юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш индексининг ушбу мезони кредиторлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланиладиган “ўзига ўзи ёрдам қилиш” механизмларининг мавжудлиги, амал қилиш ва қўлланилиш механизмларига тааллуқлидир. Бу механизмлар мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг турли шакллари ва гаровдан фойдаланиш имкониятларини назарда тутувчи қонуний чораларни қамраб олади. Мазкур механизмлар жумласига ипотека, ўзгарувчан тўловлар, молиявий таъминот ва мулк ҳуқуқи титулини сақлаб қолиш қоидалари, кредиторлар манфаатларига риоя этилишини активларга банд солиш ва сотиш йўли билан таъминлаш киради. Кредитор талабларини тан олиш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қайта ташкил этиш жараёнида турли кредиторлар ҳуқуқларини мувофиқлаштиришда ҳам қарздор фаолиятини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир [17]. Бозорда янги ва мураккаб молиявий воситаларнинг пайдо бўлиши ҳамда мулкый талабларнинг

моҳияти чуқурлашуви қайта ташкил этиш жараёнларида кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қарздор битимлари ва операцияларини назорат қилишнинг янги механизмлари яратилиши ва жорий этилиши заруратини чуқурлаштиради [18].

3. Банкротлик таомиллари. Ушбу мезон корпоратив қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибга солувчи таомилларга тааллуқлидир. Бу акциядорлар ва директорлар томонидан қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида иш қўзғатишга, қайта ташкил этиш жараёнларидаги кредиторлар талабларининг мазмуни ва таъсир доирасига, кредитор кўп бўлган ҳолларда улардан биттаси томонидан талабларни билдириш асослари ва тартибига оид қоидаларга тааллуқлидир.

Кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар саноат ривожланишининг турли йўллари, шунингдек, қонунларни тайёрлаш усули ва ишбилармонлик муҳити ўзгаришларига суд ва қонунчилик чораларининг аҳамиятини белгилаб берадиган сиёсий қадриятлар ва ҳуқуқий маданият таъсирини ифодалайди [19]. Тўловга қобилиятсизлик тартиботи қарзни жамоавий ундириш воситаси сифатида қаралганда, бу тартиботнинг мақсади қоидага кўра кредиторлар мулкый имкониятини максимал таъминлаш нуқтаи назаридан белгиланади [20]. Бироқ турли мамлакатлар, шунингдек, бир мамлакатнинг турли даврларда қабул қилинган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунлари асосида кенг шартномавий ёндашувлар [21] ва жамоавий талқинларни [22] қамраб оладиган бошқа қадриятларни ҳам аниқлаш мумкин. Юрисдикциялар турли тезликда ўзгаради [23] ва фақат “мавҳумлик даврида” [24] тезкор таъсир қила оладиганлари бошқалари учун намуна бўлиши мумкин. Кредит инқирозлари, корпоратив жанжаллар, кредит бозоридаги стагнация, глобал ёки ҳудудий рецессия ва муайян корпоратив тармоқдаги инқирозлар – қо-



нунчиликдаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар саналади. Бугунги кунда эса булар жумласига COVID-19 пандемияси ҳам қўшилди.

Шу жиҳатдан қараганда, юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёниларида кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини қонунчиликда белгилаш, аввало, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиши лозим. Бунда асосий эътибор кредитор талабларининг реал тусдалиги, қайта ташкил этиш ҳужжатлари (тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжати)да ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимоти, қайта ташкил этиш таомилларига риоя этилганлигига қаратилиши зарур. Шунингдек, қайта ташкил этиш тартиботи ва усулларини амалга ошириш жараёниларида кредиторнинг иштирокини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қайта ташкил этиш босқичида бўлган юридик шахс кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишда қонунчиликда уч турдаги кафолатлар белгиланганлиги ҳам бу ўринда назарда тутилиши зарур. Ушбу кафолатлардан биринчиси кредиторларни қарздор – юридик шахсни қайта ташкил этиш бошланганлигидан хабардор қилиш механизмнинг ўрнатилиши ҳисобланади. Бу қоида Фуқаролик кодексининг 42-моддаси биринчи қисмидан англашилади. Унда белгиланишича, муассислар ёки тегишли ваколатга эга орган юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақида кредиторларни ёзма хабардор қилиши лозим.

Мазкур нормада келтирилган қоидадан мутахассислар иккита шартни ажратишади. Биринчидан, кредиторларнинг ёзма равишда хабардор қилиниши ва иккинчидан, хабарнома юридик шахснинг ўзи томонидан эмас, унинг муассислари ёки бу ҳақда қарор қабул қилган орган томонидан юборилишини кўрсатишади [25].

Айни пайтда қайта ташкил этиш хусу-

сида кредиторларни хабардор қилишга оид мазкур норманинг муайян камчиликлари мавжудлиги ҳам бир қатор мутахассислар томонидан қайд этилади. Уларнинг фикрича, бу вазиятда хабардор қилишнинг аниқ муддатлари ҳамда тартиби белгиланмаган.

ФКдан фарқли равишда бир қатор қонунларда қайта ташкил этиш ҳақида кредиторларни хабардор қилиш муддатлари аниқ белгиланган. Жумладан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 92-моддасида хабардор қилиш бўйича қайта ташкил этиш усулларининг турларидан келиб чиқиб 30 ва 60 кунлик муддатлар белгиланган.

Айрим давлатларда хабардор қилишнинг дастлаб қабул қилинган анъанавий тартибининг камчиликлари аниқлаштирилиб [26], қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларни хабардор қилиш бўйича самарали тартиби яратилган. Хусусан, 2008 йилдан бошлаб Россия Федерациясида қайта ташкил этишда оммавий хабардор қилиш тўғрисидаги янги қоида жорий этилди. Унга кўра, юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказувчи органга қайта ташкил этиш таомиллари бошланганлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ҳисобланади. Олинган хабар ушбу орган томонидан юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс қайта ташкил этиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш учун асос бўлади. Шундан сўнг қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар бир ойда икки марта оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур ўзгартириш бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни ҳал қилиш мақсадини кўзлаган бўлсада, бироқ, биринчи навбатда, нафақат юридик шахснинг амалдаги, балки

истикболдаги кредиторларини хабардор қилиш кафолатини таъминлашни назарда тутди [27].

Шу билан бирга, мазкур қонун киритар экан, қонун чиқарувчи кредиторда юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарнинг мавжуд бўлмаслиги хавфини айнан унинг зиммасига ўтказди. Бунда корпорация ходимларининг ўз иш кунини контрагентларга нисбатан қайта ташкил этиш таомиллари бошланиши мумкинлиги ҳақидаги хабарни текширишдан бошлалари мантиқсиз кўринади. Лекин қонун чиқарувчи томонидан шакллантирилган қоида зарурий ахборот йўқлиги хавфини камайтириш мақсадида бундай текшириш ҳар кунини ўтказишни тақозо этади. Шунга қарамасдан юридик адабиётларда ушбу қоидага нисбатан салбий муносабат билдирилган ҳолатлар мавжуд [28].

Фикримизча, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг хабардор қилиш тартибидан кредиторларнинг манфаатдорлигини белгилаш бир қадар инсофли эгалловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини беради. Бунда кредиторнинг доимий суръатда ўз контрагентларининг ҳолатини кузатиб бориши, уларга нисбатан қайта ташкил этиш жараёни бошланганда, талабларини билдиришидан, аввало, кредиторнинг ўзи манфаатдор бўлиши, кейинчалик улар томонидан қайта ташкил этишга оид қарорлар ва битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда бекор қилишга оид даъвосини рад этиш имконини беради. Бундай тартиб айни пайтда қайта ташкил этиш оқибатида янгидан юзага келган юридик шахс ёки қўшиб олган юридик шахс манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунининг 49-моддаси олтинчи қисмида қайта ташкил этилиш

бошланишидан ўттиз кун олдин кредиторларни хабардор қилиш лозимлиги назарда тутилган. Бироқ бунда хабардор қилиш бурчи ФКнинг 52-моддасидан фарқли равишда юридик шахснинг иштирокчилари ёки қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган органга эмас, балки жамиятнинг ўзига юклатилган.

Қонунчиликда юридик шахсларни қайта ташкил этишда кредиторларни хабардор қилиш тартиби ва муддатларига нисбатан турли хилдаги ёндашувларнинг белгиланиши, ўз навбатида, мазкур жараёни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ФКда юридик шахсни қайта ташкил этишда кредиторга хабар бериш мажбурияти юкланган шахсни аниқлаштириш, хабардор қилишнинг оммавий тартибини назарда тутиш ҳамда муддатларини аниқ белгилаш лозим. Кредиторларни қайта ташкил этиш жараёни бошланганидан хабардор қилишнинг оммавий тартибини ўрнатишда айни пайтда кредиторлар томонидан ўз контрагентлари ҳолатини мониторинг қилиб бориш, бу ҳақдаги маълумотлар эълон қилинадиган оммавий ахборот воситаларининг Интернет сайтлари ёки телеграмм каналларига уланиши лозимлиги англашилади. Бундай амалиёт қайта ташкил этилаётган юридик шахс учун ҳам, бу ҳақда қарор қабул қилган орган учун ҳам, кредитор учун ҳам фойдали ва мақбул ҳисобланади. Юридик шахсларнинг барча ташкилий-ҳуқуқий шакллари қайта ташкил этишда кредиторларни хабардор қилиш муддатларига оид қоидаларнинг ФКда аниқ ифодаланиши турли хилдаги талқин ва тушунмовчиликларни бартараф этади.

Хулоса сифатида айтганда, юридик шахсни қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг механизмларини такомиллаштиришда хабардор қилиш субъектлари, тартиби ва муддатларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

## REFERENCES

1. La Porta R, Lopez-de-Silanes F, Shleifer A, Vishny R. Law and Finance. *Journal of Political Economy*, 1998, no. 106, pp. 1113–1155.
2. Deakin S., Mollica V., Sarkar P. Varieties of creditor protection: insolvency law reform and credit expansion in developed market economies. *Socio-Economic Review*, vol. 15, Issue 2, April 2017, pp. 359–384. <https://doi.org/10.1093/ser/mww005/>.
3. Finch V. The Dynamics of Insolvency Law: Three Models of Reforms'. *Law and Financial Markets Review*, 2009, no. 3, pp. 438–445.
4. Deakin S., Mollica V., Sarkar P. Varieties of creditor protection: insolvency law reform and credit expansion in developed market economies. *Socio-Economic Review*, 2017, April, vol. 15, issue 2, pp. 359–384. DOI: <https://doi.org/10.1093/ser/mww005/>.
5. Wood P. *The Law and Practice of International Finance*, London, Sweet & Maxwell, 2008.
6. Wood P. *Maps of the World Financial Law*, London, Allen & Overy, 1997.
7. Miller S. Piercing the Corporate Veil among Affiliated Companies in the European Community and in the US: A Comparative Analysis of US, German and UK Veil-piercing Approaches', *American Business Law Journal*, 1998, no. 36, pp. 73–149.
8. Thompson R. Piercing the Corporate Veil: An Empirical Study', *Cornell Law Review*, 1991, no. 76, pp. 1036–1074.
9. Djankov S., McLiesh C., Shleifer A. Private Credit in 129 Countries. *Journal of Financial Economics*, 2007, no. 84, pp. 299–329.
10. Westbrook J. The Control of Wealth in Bankruptcy. *Texas Law Review*, 2004, no. 82, pp. 795–855.
11. Belcher C. *Corporate Rescue: A Conceptual Approach to Insolvency Law*, London, Sweet & Maxwell, 1997.
12. Uttamchandani M. Insolvency Law and Practice in Europe's Transition Economies. *Journal of International Banking and Financial Law*, 2004, no. 11, pp. 452–456.
13. Armour J., Deakin S., Sarkar P., Siems M., Singh A. Shareholder Protection and Stock Market Development: An Empirical Test of the Legal Origins Hypothesis'. *Journal of Empirical Legal Studies*, 2009, no. 6, pp. 343–380.
14. Armour J., Bennett H. *Vulnerable Transactions in Corporate Insolvency*. Oxford, Hart, 2003.
15. McCormack G. Swelling Corporate Assets: Changing What Is on the Menu'. *Journal of Corporate Law Studies*, 2006, no. 6, pp. 39–69.
16. Mevorach I. Transaction Avoidance in Bankruptcy of Corporate Groups. *European Company and Financial Law Review*, 2011, no. 8, pp. 235–258.
17. Goode R. *Principles of Corporate Insolvency Law*. London, Sweet & Maxwell, 2011.
18. Jackson T. Bankruptcy, Non-bankruptcy, Entitlements, and the Creditors' Bargain. *Yale Law Journal*, 1982, no. 91, pp. 857–907.
19. Schillig M. Corporate Insolvency Law in the Twenty-First Century: State Imposed or Market Based? *Journal of Corporate Law Studies*, 2014, no. 14, pp. 1–38.
20. Jackson T. *The Logic and Limits of Bankruptcy Law*, Cambridge, MA, Harvard University Press, 1986.
21. Korobkin D. Contractarianism and the Normative Foundations of Bankruptcy Law, *Texas Law Review*, 1993, no. 71, p. 541.
22. Warren E. Bankruptcy Policy, *University of Chicago Law Review*, 1987, 54, 775.; Gross K. Taking Community Interests into Account in Bankruptcy: An Essay', *Washington University Law Quarterly*, 1994, no. 72, pp. 1031–1048.
23. Elliott M. Is the Harmonisation of Laws a Practical Solution to the Problems of Cross-border Insolvency? *Corporate Rescue and Insolvency Journal*, 2000, no. 16, p. 116.
24. Finch V. The Dynamics of Insolvency Law: Three Models of Reforms. *Law and Financial Markets Review*, 2009, no. 3, pp. 438–445.

25. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga sharh. 1-jild [Review of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan]. Vol. 1. Available at: / <https://www.osce.org/uz/uzbekistan/74875>; <https://www.osce.org/uz/uzbekistan/74875/>.

26. Agapova O.I. Zashhita prav kreditorov pri reorganizacii juridicheskikh lic: dis. kand.jurid. nauk [Protection of the rights of creditors during the reorganization of legal entities: dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2007, pp. 77, 87.

27. Beljalova A.M. Mehanizm zashhity prav kreditorov reorganizuemogo juridicheskogo lica. [A mechanism for protecting the rights of creditors of a reorganized legal entity]. Probely v rossijskom zakonodatel'stve – Gaps in Russian legislation, 2018, no. 7, p. 44.

28. Galazova Z.V. Institut reorganizacii juridicheskogo lica. Diss. kand. jurid. nauk [Institute for the reorganization of a legal entity. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2005, p. 152.

29. Karlin A.A. Reorganizacija akcionernogo obshhestva. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Reorganization of a joint-stock company. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2004, p. 131.

30. Methods of liquidation of legal entities and civil law problems of their application: abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences. Tashkent, 2008, 18 p.

UDC: 347.9+347.7(575.1)  
ORCID: 0000-0001-7717-5747

## НИЗОЛАРНИ СУДГА ҚАДАР ҲАЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Худойназаров Дадахон Аваз ўғли,  
Тошкент давлат юридик университети  
таянч докторанти,  
e-mail: dadaxon.xudoynazarov92@mail.ru

**Аннотация.** Мазкур мақолада асосий тушунчалар, низоларни муқобил ҳал этиш усуллари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, судларда иш ҳажми-ни мақбуллаштиришда медиация институти, профессионал медиаторлар ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, афзалликлари ва салбий томонлари, методлар, миллий ва хорижий тажриба ўрганилган ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** кодекс, низолар, низоларни муқобил ҳал этиш, медиация, музокаралар, талаб-нома юбориш, ҳакамлик судлари.

### СПОСОБЫ ДОСУДЕБНОГО УРЕГУЛИРОВАНИЯ СПОРОВ: ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Худойназаров Дадахон Аваз угли,  
базовой докторант  
Ташкентского государственного  
юридического университета

**Аннотация.** В данной статье проанализированы основные концепции досудебного урегулирования споров, изучены альтернативные методы разрешения споров в целях совершенствования системы защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц. Даны рекомендации по расширению альтернативных возможностей разрешения споров, кардинального повышения роли института медиации, профессиональных медиаторов. Изучены различия, преимущества и недостатки разрешения споров, сопоставлен отечественный и зарубежный опыт. В заключении приведены предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** кодекс, споры, альтернативное разрешение споров, медиация, переговоры, третейский суд.

### PRE-TRIAL DISPUTE RESOLUTION METHODS: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

Khudoynazarov Dadakhon Avaz o'g'li,  
Base Doctoral Student  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article covers basic concepts, alternative methods of dispute resolution; differences, improvement system for protecting the rights and legitimate interests of individuals and legal entities; expansion of alternative dispute resolution options; a radical increase in the role of mediation institution; professional mediators; differences, advantages and disadvantages of methods; domestic and foreign experience; proposals for improving legislation.

**Keywords:** code, disputes, alternative dispute resolution, mediation, negotiations, arbitration courts.



## Кириш

Бугунги кунда барча ривожланган давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар ривожланиб бормоқда. Бозор муносабатлари ривожлангани сайин уларнинг субъектлари ўртасида турли низолар вужудга келмоқда. Чунки тарафлар ўзаро муросага келиш фақат суд орқали ҳал бўлади деб ҳисоблашади. Шу сабабли бугунги кунда низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини четлаб, судга мурожаат этиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Чунки тарафлар ўзаро келишолмаслиги ва ишини ўзлари ҳал этолмаслигига ўрганиб қолган. Шунингдек, амалиёт ҳам шу тарзда шаклланган. Бу эса судларда иш ҳажмининг кўпайиши, низони кўришга кетган муддатнинг ортиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашига сабаб бўлмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4754-сон қарори низоларни судгача ҳал этишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

*Низоларни судгача ҳал қилиш тартиби ўзи нима?*

*Низоларни судгача ҳал қилиш* деганда, тарафларнинг юзага келган низолар (келишмовчиликлар)ни суд органларининг аралашувисиз ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари тушунилади.

*Низоларни судгача ҳал қилиш усуллари қандай?*

Низоларни судгача ҳал қилиш қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

а) *музокаралар*;

б) *медиация*;

в) *талабнома юбориш*.

Тарафлар ўртасида низоларни музокаралар орқали ҳал қилиш имкониятининг борлигига эътибор қаратилади. Агарда низолар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинмаса, суд тартибида ҳал қилинади. Лекин амалиётда судьялар бундай матнни низоларни судгача ҳал қилиш сифатида қараш учун етарли эмас деб ҳисоблайдилар.

Низоларни ҳал этишнинг иккинчи усули медиациядир. Медиация тушунчасига олимларнинг фикрлари ва қонунда келтирилган тушунчалар орқали таъриф бериб ўтамыз.

Медиация институтининг тарихига тўхталадиган бўлсак, қадимги Римда миллоддан аввалги VI асрда яратилган Юстиниан кодексида низоли ҳолатларни бартараф этиш учун воситачилик институти тан олинган [1]. Римликлар баҳс-мунозараларни ҳал қилувчи шахсларни “*medium*” (“*воситачи*”) деб атаганлар. Улар алоҳида нуфузли тоифа ҳисобланган.

Муросаи мадора бизнинг қадимий аجدодларимиз табиатига хос фазилатлардан саналиб, “Авесто”да ўз ифодасини топган ва ўша даврлардан бошлаб ривожланиб келган. Кўҳна даврдан то ҳозиргача уруғ ҳамда қабила оқсоқоллари, кейинчалик маҳалла раислари (оқсоқоллари), ёши улуг, ҳаётий тажрибаси катта бўлган ҳурматли инсонлар, аввало, оилавий низоларни бартараф этишда, қолаверса, маиший, мулкӣ, тижорий, савдо, қарз олди-берди-

си каби масалаларга оид низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, томонларни муросага келтиришда салмоқли ҳамда умум учун фойдали фаолиятни амалга ошириб келганлар. Демак, тарихий манбаларга таяниб, хулоса чиқариш мумкинки, инсонлар ўртасида юзага келган келишмовчилик, можаро, зиддият ва низоларни тинч, музокара, муроса йўли билан ҳолис воситачилар орқали ҳал этиш, тарафларни муросага келтириш ва яраштиришдек қадимий одатлар юртимизда азалдан шаклланган. Бағрикенглик, кечиримлилик, ярашув каби фазилатлар халқимиз табиатига хос бўлиб, инсоний қадриятлар силсиласида асраб-авайлаб келинган.

БМТ уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига биноан, медиация деганда – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули тушунилади [2].

*Медиация* – низони ҳолис шахс (медиатор) иштирокида ҳал қилиш усулидир.

“Медиация” сўзи латин тилидаги “mediate” сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилиш, келиштириш мақсадида аралашуш деган маъноларни билдиради [3].

Ҳуқуқшунос олим Ш.М. Масадиковнинг фикрича, медиация тарафларнинг ўзаро мақбул келишувга эришишига кўмаклашувчи ва қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган, бетараф медиатор ёрдамида улар ўртасидаги низони ҳал қилиш усулидир.

Юқоридаги таърифлар (ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари)дан келиб чиқиб, медиацияга “Томонлар ўртасида бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этиш мақсадида битим тузишга эришиш учун ҳолис шахс – медиатор (воситачи) иштирокида эркин музокарага киришиш

йўли билан низони ҳал қилиш тамойилидир”, деб таъриф беришимиз мумкин.

Энг қизиқ томони шуки, ҳозирги даврда дунёдаги кўплаб мамлакатларда 100 дан ортиқ омбудсманлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу омбудсманлар баъзи мамлакатларда воситачи (медиатор), парламент қошидаги ваколатли орган [4] каби номлар билан ҳам аталаётганини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, роман-герман ҳуқуқий оиласига кирадиган кўпгина мамлакатларда медиатор (Mediateur) институти давлат хизматларидан фойдаланувчилар ва маъмурий сектор ўртасидаги ҳамкорлик воситаси ҳисобланади [5]. Тегишли шахсларга маъмуриятнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан узатилган шикоятларни кўриб чиқиш, текширувлар ўтказиш, медиация, яраштириш ёки музокаралар ўтказиш йўли билан маъмуриятчилик соҳасида ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни тўғрилаш ваколати берилган, шунингдек, улар ҳуқуқий ҳимоянинг фойдаланиш мумкин бўлган воситалари масалалари бўйича фуқароларга маслаҳат берадилар. Шундай мансабдор шахслар қаторига қуйидагилар киради: ЖАРдаги Давлат прокурори, Гамбиядаги Омбудсман, Намибиядаги Миллий омбудсман, Покистондаги Федерал омбудсман (Wafaqi Mohtasib) ва Минтақавий омбудсман, Таиланддаги Омбудсман, Австралиядаги Ҳамдўстлик омбудсмани ҳамда Норвегиядаги Парламент омбудсмани. Бундан кўриниб турибдики, низони ҳал қилиш бўйича медиация институти фақат иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқ соҳасида эмас, балки маъмурий ҳуқуқ соҳасида ҳам қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Англо-саксон ҳуқуқий тизимида яраштирув жараёнлари ривожланган, шунингдек, медиация Европа давлатларида кенг тарқалган [6]. Охириги ўн йилликда Европа ҳамжамияти доирасида медиацияга ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари

ҳимоясини таъминлаш имкониятларидан бири сифатида мурожаат этиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2002 йил Европа комиссияси томонидан фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари бўйича низоларни муқобил ҳал этиш масалалари бўйича Яшил китоб ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда медиация АҚШ, Янги Зеландия, Канада, Австралия, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Бельгия, Австрия, Германия каби давлатларда кенг ривожланган.

Хорижий тажриба ҳамда шаклланган амалиёт таҳлили, шунингдек, мамлакатимизда жорий этилган қонунчилик асосида медиациянинг қуйидаги босқичларини таъкидлаш мумкин:

- 1) кириш;
- 2) биргаликдаги мажлис (сессия);
- 3) тарафлар билан алоҳида учрашув (суҳбат)лар;
- 4) биргаликдаги сессиянинг давоми;
- 5) музокаралар;
- 6) якуний медиатив келишув.

Низоларни судгача ҳал қилишнинг учинчи усули талабнома юборишдир.

*Талабнома юбориш тартиби тарафларнинг келишмовчиликни ҳал қилиш бўйича ўз қарашлари ва таклифлари баён қилинган хатлар (талабнома ва талабномага жавоб) алмашинувидир.*

Талабнома ишлари бўйича тўғри ва ўз вақтида ишларни юритиш давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан бири ҳамда шартнома шартларини бажариш бўйича ҳуқуқий таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

*Тарафлар ўртасидаги низолар судгача ҳал қилинадиган бўлса, тарафлар нима-лардан манфаатдор бўлади?*

Биринчидан, талабнома юборувчи қисқа муддатда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга эришади.

Иккинчидан, тарафлар даъвони расмийлаштириш, уни судга тақдим қи-

лиш ва даъвони судда кўриш жараёнида иштирок этиш билан боғлиқ вақт ва маблағларини тежайдилар.

Учинчидан, давлат божини тўлаш ва суд чиқимлари билан боғлиқ харажатларнинг олди олинади.

Тўртинчидан, шартномавий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик мустаҳкамланади ҳамда келажақда ҳамкорликни янада ривожлантиришга шароит яратилади.

*Хорижий тажриба*

Ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австрия, Норвегия, Россия, Қозоғистон) қонунчилигини ўрганиш натижаларига кўра, медиацияга мурожаат қилиш процедурасини иккига ажратиш мумкин: *фаол форма (шакл)* – судьянинг ўзи медиаторга мурожаат қилиш ҳуқуқини тарафларга тушунтиради [7]; *пассив форма (шакл)* – тарафларнинг ўзи буклетлар, маълумотлар, хабарлар, интернет-сайтлар орқали танишиб, тушуниб оладилар [8].

Озарбайжон ва Арманистон каби давлатларда маъмурий ишларнинг судда кўриб чиқиши учун ваколатли органларда дастлабки тарзда кўриб чиқиш талаб этилмайди [9]. Латвия (Латвия Маъмурий-процессуал қонунининг 78-моддаси) ва Германия Федератив Республикасининг айрим субъектларида (Германия Маъмурий-процессуал кодексининг 68-моддаси) эса аксинча, аризачи судга мурожаат қилишдан олдин тегишли масала ваколатли органда кўриб чиқиши шарт. Медиация институти бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея Республикаси, Ҳиндистонда ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу институтнинг амалга кириб келиши, ўз навбатида, одил судловни амалга ошираётган судьяларимиз фаолиятида ижобий самара беришига ишонамиз. Мисол учун, биргина фуқаро-

лик ишлари бўйича туманлараро (туман), шаҳар судларида кўрилган ишларнинг сони 2018 йилда 1 миллион 251 мингга яқин бўлган бўлса, 2019 йилнинг 2-чорагида 488 мингга ташкил этган [8]. Бу эса судьялар иш ҳажмининг тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Ўз навбатида, бу улар томонидан қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Низоларни суд тартибида кўриб чиқиш учун кетадиган муддатнинг кўплиги муаммоси фақатгина Ўзбекистон учун тегишли эмас. Мисол учун, Италияда қуйи турувчи судларда ишни кўриб чиқиш учун ўртача 3 йил керак бўлади. Агар суд қарори устидан шикоят қилинса, бу муддат 10 йилга чўзилади. Буюк Британияда даъвогарларнинг 73 %и суд тизимининг урфдан қолганлиги ҳамда самарасизлигидан шикоят қилишади. Лондон шаҳридаги судлар томонидан ишни кўриб чиқиш учун камида 161 ҳафта, шаҳар ташқарисидаги судлар томонидан эса 195 ҳафта талаб этилади. “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасида медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши кераклиги, зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу моддада медиацияни амалга оширишнинг энг узоқ муддатлари белгиланган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда медиацияни амалга ошириш муддати бир иш кунини, баъзан бир неча соатларни ташкил этади. 2018 йил 30 ноябрь ҳолатига кўра, Сингапур медиация марказида томонлар ўртасида медиатив келишув тузилиши билан якунланган ишларнинг 90 %дан ортиғи бир иш кунидан ҳал қилинган. Иккинчидан, медиация тартиб-таомиллари қўлланил-

ганда, ишга тааллуқли барча маълумотлар мутлақо сир тутилади. Ўртадаги низо ва унга оид фактлардан фақатгина тарафлар, уларнинг вакиллари ҳамда медиатор хабардор бўлиши мумкин ва уларга қонун билан бу ахборотларни ошкор қилмаслик мажбурияти юклатилади.

Низоларни ҳал қилишда медиацияни қўллашнинг кенг ёйилиши судлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Иш ҳажмининг нореал даражада кўплиги барча давлатлар судлари учун умумий муаммо ҳисобланади. Жумладан, Ҳиндистонда ҳар бир судьяга 2147 та иш тўғри келади ва кўриб чиқилиши керак бўлган ишларнинг умумий сони 31,280,000 тани ташкил этади. Бу ишларнинг Ҳиндистон судлари томонидан кўриб чиқилиши 2330 йилга келиб тугалланиши мумкин. Хитой халқ Республикасида 2012 йилда судлар иш юритувида 200 000дан ортиқ иш мавжуд эди. Жанубий Африкада 2004-2005 йиллар давомида судларга 128 000 та даъво аризаси келиб тушган ва шулардан 62 %и ўша давр оралиғида ҳал қилинган. Германияда эса 4771 нафар қуйи турувчи судьялар томонидан кўрилган ишлар бор-йўғи 1416 нафар юқори турувчи судьялар томонидан апелляция тартибида кўриб чиқилади. Низоларни медиация воситасида ҳал қилиш судлар иш ҳажмининг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Буни халқаро тажриба ҳам исботлайди. Хусусан, Деҳли ва Бангалор медиация марказлари ташкил этилган пайтда икки ой давомида 39 969 та ишни, Дубай медиация маркази эса бир ой давомида судлар иш юритувида бўлган ишларнинг 1/3 қисмини медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда кўриб чиқди.

### Хулосалар

Фикримиз сўнггида хулоса қиладиган бўлсак, низоларни судга қадар ҳал қилиш усуллари бугунги кундаги энг муқобил вариантлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, тарафлар учун ҳам, судлар учун ҳам



жуда манфаатли усуллар бўлиб хизмат қилади. Қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамыз.

*Биринчидан*, “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига *маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган* низоларни ҳам медиация доирасида ҳал қилишни киритиш лозим.

*Иккинчидан*, низоларни судгача ҳал қилиш тартиби сифатида музокаралар ролини қонун даражасида кучайтириш ва унда музокараларни ўтказиш шакли, тартиби ва муддатлари, шунингдек, унга риоя қилмаслик оқибатларини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

*Учинчидан*, “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш

жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати кўпи билан ўн кунни ташкил этишини киритиш даркор.

*Тўртинчидан*, талабнома билдиришнинг мажбурий тартибини (низоларни судгача ҳал қилишнинг бошқа муқобил усуллари билан бир қаторда) судга даъво тақдим қилгунча, нафақат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, балки маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ҳам белгилаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, низоларни судга қадар ҳал қилиш босқичини хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш нафақат тарафлар, балки судлар фаолиятида ҳам ижобий роль ўйнайди.

## REFERENCES

1. Odilqoriyev H.T. O'zbekiston davlati va jamiyati innovatsion rivojlanishining huquqiy jihatlari. O'quv qo'llanma [Legal aspects of innovative development of the state and society of Uzbekistan. Study guide]. Tashkent, Innovative Development Publishing House, 2019, 362 p.
2. O'zbekiston Respublikasining “Mediatsiya to'g'risida”gi qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan «On Mediation»].
3. Otaxonov F. Nizolarni hal qilishning yangi usullari: mediatsiya [New ways to resolve disputes: mediation]. Available at: [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/nizolarni\\_hal\\_qilishning\\_yangi\\_usullari\\_mediatsiya/](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/nizolarni_hal_qilishning_yangi_usullari_mediatsiya/).
4. Inson huquqlari umumiy nazariyasi: IIV tizimidagi ta'lim muassasalari tinglovchi va kursantlari, shuningdek, huquqni muhofaza etuvchi organlar xodimlari uchun darslik [General theory of human rights: a textbook for students and cadets of educational institutions of the Ministry of Internal Affairs, as well as law enforcement officers]. Tashkent, 2012, 304 p.
5. Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarni milliy sudlarda ko'rib chiqish. Amaliy qo'llanma [Consideration of economic, social and cultural rights in national courts. Practical guide]. Mualliflik huquqlari Xalqaro yuristlar kommissiyasiga tegishli – Copyright belongs to the International Commission of Lawyers, 2014.
6. Otaxonov F. Nizolarni hal qilishning yangi usullari: mediatsiya [New ways to resolve disputes: mediation]. Available at: [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/nizolarni\\_hal\\_qilishning\\_yangi\\_usullari\\_mediatsiya/](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/nizolarni_hal_qilishning_yangi_usullari_mediatsiya/).
7. Peters D.C. When Lawyers Move Their Lips: Attorney Truthfulness in Mediation and a Modest Proposal J. of Dispute Resolution, 2007, no. 119.
8. Buhning-Uhle Ch. Arbitration and Mediation in International Business. Alphen aan den Rijn, 1996.



9. Allahverdova O.V. Metodicheskoe posobie dlja posrednikov-mediatorov. O.V. Allahverdova, A.D. Karpenko [Methodological guide for mediators. O.V. Allahverdova, A.D. Karpenko]. St. Petersburg, 2005, 107 p.
10. O‘zbekiston qonunchiligi tahlili – Uzbek law review – Obzor zakonodatel’sstva Uzbekistana, 2019, no. 3.
11. Hesl’ G. Posrednichestvo v razreshenii konfliktov. Teoriya i texnologiya [Mediation in conflict resolution. Theory and technology]. SPb, 2004, p. 15.
12. Madieva R. Mediatsiyada jahon tajribasi [World experience in mediation]. Available at: <https://www.manzur.uz/?p=490/>.
13. Yaponiyada mediatsiya tizimining o‘ziga xos xususiyatlari: O‘zbekistonda mediatsiyani joriy etishdgi nazariy va amaliy jihatlar [Peculiarities of the mediation system in Japan: Theoretical and practical aspects of the introduction of mediation in Uzbekistan]. Available at: <https://justiceuz.wordpress.com/2013/03/07/yaponiya-mediatsiya/>.
14. Khayrulina A., Khabibullaev D. Mediation as a new type of alternative dispute resolution in Uzbekistan. Jamiyat va innovasiyalar – Obshestvo i innovasii – Society and innovations.

UDC: 349.2(575.1)  
ORCID: 0000-0002-5008-4631

## АНАЛИЗ РАБОТЫ ПО СОВМЕСТИТЕЛЬСТВУ ПО ТРУДОВОМУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ СТРАН СНГ

**Хожабеков Муфтулла Жолмурза угли,**  
преподаватель кафедры «Трудовое право»  
Ташкентского государственного юридического университета;  
e-mail: muftulla\_khojabekov@mail.ru

**Аннотация.** В статье рассматриваются особенности работы по совместительству, важность данного института в системе трудового права, а также сравнительный анализ норм, регулирующих работу по совместительству. Институт работы по совместительству не является новшеством в трудовом праве большинства стран. На рынке труда найм таких работников, как домработница, сторож, сезонник и поденщик, всегда пользовались огромным спросом. Широко распространен прием на работу по совместительству квалифицированных специалистов под определенные условия. Занятость такого характера дает уникальную возможность работникам повышать свои знания и навыки в определенной сфере, а также иметь дополнительный источник дохода. Данный вид занятости чаще всего реализуется при помощи совмещения и совместительства. Регулятором работы по совместительству является трудовое законодательство, а не гражданское. При совместительстве необходимо заключить трудовой договор, в ином случае данная деятельность не отличается от подработки по гражданско-правовым договорам. Институт работы по совместительству полезен для работников и работодателя. В частности, руководители малых предприятий, а также индивидуальные предприниматели испытывают потребность в квалифицированных и опытных специалистах, с которыми финансово выгодно заключить трудовой договор на неполный рабочий день. При исследовании данной сферы автором было проанализировано трудовое законодательство стран СНГ, касающееся порядка приема на работу по совместительству; документов, необходимых при приеме на работу; выплаты заработной платы совместителям; рабочего времени и времени отдыха совместителей; условий и порядка прекращения трудового договора с совместителями.

**Ключевые слова:** совместительство, совмещение, отличие совместительства от совмещения, рабочее время совместителей, отпуск, СНГ, внутреннее совместительство, внешнее совместительство, форма оплаты.

### МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ИШЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Хожабеков Муфтулла Жолмурза ўғли,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Меҳнат ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада ўриндошлик асосида ишлашнинг ўзига хос хусусияти, ушбу институтнинг меҳнат қонунчилиги тизимидаги аҳамияти, шунингдек, ўриндошликни тартибга солишчи нормаларнинг қиёсий таҳлили қўриб чиқилган. Ўриндошлик асосида ишлаш аксарият мамлакатларнинг меҳнат қонунчилигида янгилик эмас. Меҳнат бозорида уй бекалари, қоровул, мавсумий ва кунбай ишчилар каби ишчиларни ёллаш ҳар доим катта талабга эга. Юқорида айтиб ўтилган

ходимлар билан бир қаторда, маълум шароитларда малакали мутахассисларни ўриндошликка жалб қилиш кенг тарқалди. Бу турдаги иш билан таъминлаш ходимларга маълум бир соҳада билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, қўшимча даромад манбаига эга бўлиш учун ноёб имконият яратади. Ушбу турдаги иш кўпинча бир неча касб ва лавозимларда ишлаш ёки ўриндошлик асосида амалга оширилади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ўриндошлик асосида ишлаш амалиёти фуқаролик қонунчилиги билан эмас, балки меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бу, авваламбор, ўриндошлар билан меҳнат шартномасини тузиш зарурлиги билан асосланади, акс ҳолда, бу фаолият фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари бўйича хизмат кўрсатиш шартномасидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Мазкур институтни ўрганиб чиқиб, унинг, асосан, юқорида кўрсатилган ишчилар учун фойдалилигига эътибор бериш керак. Аммо иш берувчи учун ҳам ижобий жиҳатлар мавжуд. Хусусан, кичик бизнес раҳбарлари, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар малакали ва тажрибали мутахассисларга муҳтож бўлиб, улар билан ўриндошлик асосида меҳнат шартномасини тузиш молиявий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Шунингдек, муаллиф МДХ давлатларининг ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги меҳнат қонунларини таҳлил қилади.

**Калит сўзлар:** ўриндошлик, бир неча касб ва лавозимларда ишлаш, ўриндошларнинг иш вақти ва таътили, МДХ, ички ўриндошлик, ташқи ўриндошлик, ўриндошлар меҳнатида ҳақ тўлаш.

## ANALYSIS OF SECOND JOBS UNDER THE LABOR LEGISLATION OF THE CIS COUNTRIES

**Khozhabekov Muftulla Zholmurza ugli,**

Lecturer of the Labor Law Department

Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article discusses the peculiarity of second jobs, the importance of this institution in the system of labor law, as well as a comparative analysis of the norms governing second jobs. The institute of second jobs is not an innovation in the labor law of most countries. Along with the aforementioned workers, the recruitment of qualified specialists for second jobs under certain conditions has become widespread. Employment of this nature provides a unique opportunity for employees to improve their knowledge and skills in a particular area, as well as to have an additional source of income. This type of employment most often realized through combining jobs and second jobs. It is important to note that the regulator of second jobs is labor legislation, not civil law. This is primarily justified by the fact that with second jobs, it is necessary to conclude an employment contract; otherwise, this activity will not differ in any way from moonlighting under civil law contracts. Investigating the institute of second jobs, one should pay attention that it is useful mainly for workers of the above-mentioned spheres, but it also has positive points for employers too. In particular, managers of small businesses, as well as individual entrepreneurs, are in need of qualified and experienced specialists with whom it is financially beneficial to conclude a part-time employment contract. When researching this industry, the author analyzed the labor legislation of the CIS countries regarding the procedure for hiring second job employees, the documents required when applying for a job; payment of wages to them; working hours and rest hours of workers; conditions and procedure for terminating an employment contract with second job employees.

**Keywords:** second jobs, job combining, the difference between second jobs and job combining, working hours of second job employees, vacation, CIS, internal second jobs, external second jobs, form of payment.

### Введение

Зачастую на практике встречаются множество случаев, связанных с неправильным применением либо толкованием норм [3, с. 554], касающихся работы совместителей. В связи с этим возникает необходимость

четкого разграничения понятий «совмещение» и «совместительство» на основании норм трудового законодательства. Это способствует решению важных вопросов, связанных с расчетом пенсии, продолжительностью отпусков совместителей и т. д.

Таблица

Условия работы	Работа по совместительству	Совмещение обязанностей
Заключение трудового договора	Является обязательным условием осуществления трудовой деятельности	Заключение нового трудового договора не требуется
Испытательный срок	Имеет различную продолжительность, которая оговаривается до приема на работу	Испытательный срок отсутствует
Регистрация периода	Запись о приеме на работу делается в обязательном порядке	Запись в трудовую книжку не делается
Оплата труда	Оплачивается фактическое время, которое сотрудник отработает по договору. Все предусмотренные коэффициенты и надбавки сохраняются	Оплата осуществляется за выполнение дополнительных обязанностей. Надбавки и социальные гарантии отсутствуют
Отпуск	Отпуск предоставляется в тот же период, что и на основном месте работы	Дополнительный отпуск не предоставляется
Выполняемая работа	При внешнем совместительстве допускается занятие одинаковых должностей, в то время как при внутреннем разрешается занятие только разных должностей	Работнику разрешено совмещать разные профессии (должности)
Сроки прекращения трудовой деятельности	Прекращение трудового договора осуществляется согласно статьи 100 ТК РУз.	Совмещение должностей прекращается по истечении срока соглашения между работником и работодателем

В Узбекистане работа по совместительству, помимо Трудового кодекса Республики Узбекистан, регулируется Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении Положения о порядке работы по совместительству и совмещения профессий и должностей» от 18 октября 2012 года № 297.

В соответствии с трудовым законодательством, под работой по совместительству следует понимать выполняемую работником, помимо своей основной работы, другую оплачиваемую работу на условиях трудового договора в свободное от основной работы время [4, с. 16]. Совмещением профессий и должностей является выполнение работником наряду со своей основной работой, обусловленной трудовым договором, дополнительной работы по другой профессии и должности в одной и той же организации в течение установленной законодательством продолжительности рабочего времени по основной профессии и должности.

Несомненно, одного лишь определения недостаточно, чтобы понять их особенности, поэтому считаем целесообразным рассмотреть наиболее существенные отличия (табл.).

### Материалы и методы

При исследовании данной сферы автором было проанализировано трудовое законодательство стран СНГ, касающееся порядка приема на работу по совместительству; документов, необходимых при приеме на работу; выплаты заработной платы совместителям; рабочего времени и времени отдыха совместителей; условий и порядка прекращения трудового договора с совместителями.

Методологическую основу исследования составили первоначально общенаучные методы познания, такие как диалектический, системно-структурный и метод анализа и синтеза.

В течение исследования автору также пришлось прибегать к специальным методам, а именно логико-юридическому, сравнительно-правовому, статистическому методам. Применение исследовательских методов в комплексе позволило всесторонне раскрыть поставленные задачи и достигнуть назначенной цели.

### Результаты исследования

Изучая трудовое законодательство стран СНГ было установлено, что институт работы по совместительству регулируется нормативно-правовыми актами разного уровня.

В Трудовом кодексе РФ, Беларуси, Туркменистана и Киргизской Республики вопросам регулирования работы по совместительству посвящена отдельная глава, в то время как в Казахстане, Узбекистане и Азербайджане она регулируется отдельными нормативно-правовыми актами либо статьями.

8. Dannye Informacionnogo centra MVD Respubliki Uzbekistan za 2015-2020 gg. [Data of the Information Center of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan for 2015-2020].



UDC: 343(042)(575.1)  
ORCID: 0000-0002-3029-2767

## ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА УМУМИЛМИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тошпулатов Акром Икромович,  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди,  
e-mail: a.toshpulatov@tsul.uz

**Аннотация.** Мақолада жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилишда умумилмий методлардан фойдаланиш масалалари ёритилган. Жумладан, индукция, гипотетик-дедукция ва абдукция методларидан фойдаланган ҳолда жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ этишга оид мулоҳазалар билдирилган. Муаллиф томонидан жиноят-ҳуқуқи соҳасида тадқиқотлар олиб боришда умумилмий методлардан кенгроқ фойдаланиш, тадқиқотларнинг методологик асосларини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тадқиқот, принцип, индукция, гипотеза, дедукция, гипотетик-дедукция, абдукция.

### ПРИМЕНЕНИЕ ОБЩЕНАУЧНЫХ МЕТОДОВ ПРИ ИССЛЕДОВАНИИ УГОЛОВНО-ПРАВОВЫХ ПРИНЦИПОВ

Тошпулатов Акром Икромович,  
кандидат юридических наук, самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы использования общих методов исследования при изучении принципов уголовного права. В частности, были высказаны мнения по изучению принципов уголовного права с использованием методов индукции, гипотетической дедукции и абдукции. Автором разработаны предложения и рекомендации по более широкому использованию общих методов исследования в области изучения вопросов уголовного права, укреплению методологической базы исследования.

**Ключевые слова:** исследование, принцип, индукция, гипотеза, дедукция, гипотетическая дедукция, абдукция.

### QUESTIONS OF THE APPLICATION OF GENERAL METHODS OF RESEARCH OF THE PRINCIPLES OF CRIMINAL LAW

Toshpulatov Akrom Ikromovich,  
Independent researcher of Tashkent state university of law,  
Candidate of law

**Abstract.** The article examines the issues of using general methods for studying the principles of criminal law. In particular, opinions are expressed on the study of the principles of criminal law using

*the methods of induction, hypothetical deduction and abduction. The author has developed proposals and recommendations for the wider use of general research methods in the field of criminal law, strengthening the methodological basis of the research.*

**Keywords:** research, principle, induction, hypothesis, deduction, hypothetical deduction, abduction.

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси мамлакатимиз жиноят қонунини такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу концепцияда турлича шарҳлаш ёки коррупция ҳолатлари содир этилишига йўл қўядиган ёхуд ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери жиноят қонунчилиги принципларига мос келмайдиган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланишига йўл қўядиган нормаларни чиқариб ташлаш, Жиноят кодексидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршилиқлар ва “оқ доғлар”ни бартараф этиш, унда қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш, аввало, жиноят ҳуқуқига оид амалга ошириладиган тадқиқотлар самардорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ масала ҳисобланади.

Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш кўлами кенгайиб бормоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самардорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, ил-

мий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш натижасида охириги уч йилда юридик ихтисосликлар бўйича жами 107 та, шундан фалсафа доктори (PhD) бўйича – 54 та, фан доктори (DSc) бўйича – 53 та ҳимоя қилинган [1].

Шу билан биргаликда, амалга ошириладиган тадқиқотлар таҳлили умумилмий методологик асосларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай илмий тадқиқот илмий билишнинг методларини қўллаш орқали амалга оширилади. Илмий билиш методлари орасида умумилмий методлар ўзига хос аҳамиятга эга. Ушбу методлар универсал бўлиб, ҳар қандай фан соҳаси бўйича тадқиқотларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Ўз навбатида, умумилмий методлар ҳам бир неча турларга бўлинади;

- умуммантикий методлар (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, қиёслаш, абстракция);
- эмпирик тадқиқот методлари (кузатиш, эксперимент, тасвирлаш, ўлчаш, таққослаш);
- назарий тадқиқот усуллари (идеаллаштириш, аксиоматик, гипотетик-дедуктив);
- илмий билимларни тизимлаштириш методлари (типларга ажратиш, классификация) [2].

Ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларда умумилмий методларга етарли эътибор қаратмаслик, фақат маълум бир ҳуқуқ соҳаси доирасида методлар билан чекланиб қолиш олиб бориладиган тадқиқотларнинг

назарий асослари етарлича ривожланмай қолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар жиноят ҳуқуқи бўйича олиб борилаётган тадқиқотларга нисбатан ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, олиб борилаётган тадқиқотлар кўпроқ жиноят ҳуқуқининг маълум бир институтларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлиб, жиноят ҳуқуқи соҳасининг мазмуни, моҳиятини белгилаб берувчи принциплар масаласи тадқиқотчилар эътиборидан биров четда қолиб кетаётганлигини кузатишимиз мумкин.

У. Холиқулов тўғри таъкидлаганидек, жиноят ҳуқуқи жамиятни позитив тартибга солиш ҳолатига боғлиқ бўлиб, давлат бошқарувининг сўнгги воситаси ҳисобланади ва ижтимоий муаммоларни тубдан ҳал қилишга қодир эмас. Биринчи навбатда, бу жиноят қонунчилигининг тармоқлараро алоқаларини тадқиқ қилишга тегишли. Мазкур мулоҳазалар, жиноят ҳуқуқини яхлит объект сифатида сақлаш истиқболларини баҳолаш учун уни тартибга солиш имкониятлари, мазмуни ва тузилишидаги ўзгаришлар сабабларини ўрганиш мақсадида, жиноят ҳуқуқини бошқа, жумладан, илгари алоҳида тарзда ўрганилмаган детерминантлар билан максимал алоқаларини излаш ва инobatга олишга туртки беради [3].

Мазкур мақолада жиноят ҳуқуқи принципларини тадқиқ қилишда индукция, гипотетик-дедукция ва абдукция методларидан фойдаланиш зарурлигини асослаб беришга ҳаракат қилинди.

### **Материал ва методлар**

Мақолани ёзишда тизимли таҳлил, мантикий мушоҳада, қиёсий таҳлил, мақолаларни шарҳлаш методларидан фойдаланилди.

#### *Гипотезалар*

Ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларни амалга ошириш, шу жумладан, жиноят ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилишда ҳам биринчи навбатда унинг методологик база-

сини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

А. Шептулиннинг фикрича, метод қанчалик кучли ишланган бўлса, тадқиқотчининг тадқиқот объектини шунчалик кучли англашига, ўз навбатида, илгари эътибор қаратилмаган жиҳатларни очишга, назариянинг янада ривожланишига туртки бўлади [4].

Методнинг вазифаси – билиш жараёнини, у ёки бу объектни амалий ўзгартиришни ташкил қилиш ва бошқаришдир. Шунинг учун метод маълум қонунлар, усуллар, билиш ва ҳаракат нормаларини ўз ичига олади [5].

Билишнинг илмий методлари қанчалик тўғри бўлса, тадқиқот олдига қўйилган вазифа шунчалик самарали ечим топади.

Инсон ва жамиятни билимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон билими орқали инсонийлигини намоён қила олади. Бу ҳақда Аристотель: “Киши билимлари туфайли ўзининг асосий инсонлик моҳиятини амалга оширади ва бу унинг барча энг элементар хатти-ҳаракатларидаёқ намоён бўлиб туради”, – деб таърифлаган эди [6]. Жамият ва инсоннинг шаклланиши, ривожланиши билим туфайлидир.

Билимнинг муҳим шакли бўлган илмий билим моҳиятини англаш учун, аввало, билим тушунчасини англаб олмоқ муҳим. Зотан, ахборот, илм, билим, эътиқод тушунчаларининг муносабати масаласида турли, ҳатто ўзаро зид қарашлар ҳам мавжуд. Айримларнинг фикрича, билим ва ахборот бир мазмундаги тушунчалардир, чунки ҳар қандай ахборот маълум билимни ифодалайди. Шунинг учун улар “ахборотлашган жамият” ва “билим жамияти” тушунчаларини бир маънода, бир мазмунда қўллайдилар. Бундан ахборот билимнинг мавжудлик ва тарқатиш усулларида бири деб хулоса чиқариш мумкин. Агар ахборот маълум асосларга эга бўлса ва қандайдир мантиққа, ишончга кўра қабул қилинса,

билим деб аталиши мумкин.

Мамлакатимизда жиноят-хукукий принципларни комплекс тадқиқ қилишда илмий билишнинг индуктив, гипотетик-дедуктив ва абдуктив методларидан кенгроқ фойдаланиш зарурати мавжуд. Кўрсатиб ўтилган методлар орқали жиноят-хукукий принциплар моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш, назарий хулосаларни янада такомиллаштириш мумкин.

### **Тадқиқот натижалари**

#### *Индуктив метод*

Жиноят хукуқи принципларини тадқиқ қилишда билишнинг индуктив методига мурожаат қилиш кўп учрайди. Индукция (лот. *inductio* – тўғрилаш, тартибга келтириш) (мантиқда) – айрим фикрлардан умумий хулосалар чиқаришда ва мантикий тадқиқотларда қўлланиладиган муҳокама усули. Хусусийликни ўрганиб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик предмет ва ҳодисалар билан узвий алоқада бўлади. Умумийликнинг энг муҳим томонларидан бири индуктив хулоса чиқаришдир. Индукция билимларнинг ташкил топишида, қонуниятларни очишда, тушунчаларни майдонга чиқариш жараёнида, гипотезани олға суришда фан учун муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят хукуқи принципларини тадқиқ қилишда индуктив методнинг аҳамияти олинган натижаларнинг ишончлилиги юқорилигида ифодаланади. Мамлакатимиз жиноят қонунчилиги тўлиқ кодификация қилинганлиги (гарчи бланкет нормалар мавжуд бўлсада) барча эмпирик бирликлар, яъни жиноят хукуқи нормаларини тўлиқ таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш имконини беради. Бу эса бошқа фанлардан фарқли ўлароқ умумий хулосанинг ишонччилигини оширади, чунки фалсафа ёки табиий фанларда эмпирик фактларнинг ноаниқлиги ёки чексизлиги, эмпирик фактларни тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди ва ўз навбатида, чиқарилган хулосаларнинг тўлиқ бўлмаслигига олиб ке-

лади. Собиқ советлар ҳукмронлиги даврида хукуқшунослар томонидан хукуқ принциплари мазмунини ўрганишда индуктив методга жиддий эътибор қаратилган эди [7].

Шу билан биргаликда, айрим олимлар хукуқ принципларини тадқиқ қилишда индукция методи ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди деб ҳисоблайди. Жумладан, А. Сумачев фикрича, “жиноят-хукукий принципларни тадқиқ қилишда индукциянинг заиф томонлари ҳам мавжуд. Бу метод жиноят-хукукий принципларни шакллантиришда эмпирик фактларнинг айнан қайси жиҳатларини эътиборга олиш, қайси жиҳатларига эътибор қаратмасликни аниқлаб бера олмайди. Бу эса индуктив хулоса чиқариш учун эмпирик фактларнинг жуда кўплигидан баъзан хукуқ принципи деб аташ мумкин бўлмаган қоидаларни ҳам принциплар қаторига қўшишга олиб келиши мумкин. Хукукий адабиётларда жиноят-хукукий принциплар бўла олмайдиган қоидаларни ҳам принцип сифатида (масалан, “диспозитивлик”, “айбилик презумпцияси”, “объектив айблов”) кўрсатилиши ҳоллари учрамоқда [8]. Шунингдек, билишнинг замонавий назариясида индукция қонуниятларни акс эттирадиган умумий хулосалар чиқаришга олиб келмайди деган қарашлар ҳам мавжуд [9].

Шу сабабдан ҳам жиноят-хукукий принциплар моҳиятини англашда индуктив методга таянишнинг ўзи етарли эмас. Индуктив методдан фойдаланиш учун, аввало, хукукий нормалар орасидан қидириш керак бўлган қандай эмпирик фактларга таяниш ҳақида олдиндан аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

Бунда индукцияга гипотетик-дедуктив метод ёрдамга келади.

*Гипотетик-дедуктив* метод уч босқичдан иборат бўлиб, биринчидан гипотезалар илгари сурилади, иккинчидан улардан дедуктив хулоса чиқарилади, учинчидан

хулосалар далиллар билан солиштирилади. Агар гипотезалар далилларга мос келмаса улар инкор қилинади.

Гипотеза – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шаклидир.

Гипотезани, авваломбор, билимларнинг мавжуд бўлиш шакли сифатида олиб қараш зарур. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида қурилади ва мавжуд бўлади.

Илмий билиш назариясига кўра эмпирик фактни кўрсатишнинг ўзида қисман дедукция бўлади, чунки бирор нарсани оддий кузатишнинг ўзи қандайдир тажрибага суянган бўлади, яъни бирор фактни тушунчалар тизимига киритмасдан туриб уни илмий идрок этиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, фактларни индуктив тизимлаштириш назариянинг ўзига хос дедуктив тизимлаштирилишини назарда тутати [10].

Ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилишда гипотетик-индуктив метод қуйидаги тарзда қўлланилади. Дастлаб жиноят-ҳуқуқий тизим ташқарисида (масалан, халқаро ҳуқуқ, ҳуқуқ назарияси) ёки унинг ичида (ушбу ғоянинг жиноят ҳуқуқига тегишли эканлигини текшириш зарур бўлганида) қандайдир умумий ҳолат – ҳуқуқий ғоя мавжуд бўлади. Бу босқичда ушбу ғоя амалга ошириладиган ташувчи (норма, қоида) мавжудлиги ҳақида маълумот бўлмайди. Шунинг учун дедуктив методда ўрганилаётган ҳолат (жиноят ҳуқуқи нормаси, уни қўллаш қоидаси) ҳар қандай дастлабки ҳукмга (фаразга) мос келиши керак деган хулосага олиб чиқилади. Шундай қилиб, ҳуқуқий нормалар ва бошқа қоидалар орасида боғлиқликни эмпирик қидириш амалга оширилганда, ушбу қоидалар

ўртасида қандайдир ўзига хос боғлиқлик мавжудлиги қидирув субъекти томонидан олдиндан назарда тутилган бўлади. Бунда ҳуқуқ нормалари ва уларни қўллаш қоидаларини саралаб олиш орқали ҳуқуқий ғояларни амалга оширилганлигига оид тасдиқни қидирамиз. Бошқача айтганда фактларни индуктив тизимлаштириш назарияни ўзига хос тизимлаштиришни назарда тутати.

Мантиқ нуқтаи назаридан индукция ва дедукцияни қуйидагича ифодалаш мумкин – дедукциясиз индукция мавжуд бўлмайди. Аммо ушбу ҳолатнинг акси бўлган – индукциясиз дедукция бўлмайди деган қоида ҳар доим ҳам яққол намоён бўлмайди. Амалда дедуктив мантиқ индукцияга мурожаат қилмасдан ҳам мавжуд бўлади. Бу эса умумий ҳуқуқий ғояларни билмасдан туриб ҳуқуқ тизимидаги эмпирик фактларни саралаб олиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Ҳуқуқий адабиётларда юқорида кўрсатиб ўтилган методларга ҳар доим ҳам риоя қилинмаслиги сабабли олимлар ўртасида ҳуқуқий принциплар тизимини шакллантиришда умумҳуқуқий ва соҳавий принципларни ўзаро боғлиқлиги масаласида ягона фикрга келинмаётганлигини кўриш мумкин.

Бир гуруҳ ҳуқуқшунослар соҳавий принципларнинг вужудга келиши умумҳуқуқий принципларнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ предмети ва методига нисбатан қўллаш натижасида келиб чиққан деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, соҳавий принциплар алоҳида “соф шаклда” мавжуд бўлмайди [11]. Бошқа олимлар эса бунинг аксини таъкидлашади. Масалан, В.В. Мальцевнинг фикрича, ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасини тартибга соладиган соҳавий принциплар асосида умумҳуқуқий принциплар вужудга келади ва ундан кейин назарияда умумҳуқуқий ва соҳавий принциплар ажратилади. Ўз навбатида, муаллиф жиноят-ҳуқуқий



принциплар умумхуқуқий принциплардан келиб чиқмайди, балки улар ичида мавжуд бўлади деб ҳисоблайди [12].

Мақолада таҳлил қилинган методлардан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган икки хил қараш ҳам мавжуд бўлиш ҳуқуқига эгаллигини қуйидаги ҳолат билан асослаш мумкин: ҳуқуқий принциплар тизими мавжуд умумхуқуқий принципларнинг ҳуқуқнинг аниқ бир соҳасига нисбатан қўлланиши (умумийдан хусусийга) туфайли ҳамда соҳавий принципларни умумлаштириш ва умумхуқуқий принципларни шакллантириш (хусусийдан умумийга) орқали вужудга келади.

Тизимлар назариясига кўра, тизимнинг ҳар бир элементи, ўз навбатида, алоҳида тизим сифатида (агар у ўзида бошқа унчалик мураккаб бўлмаган элементларни бирлаштирса) кўрилиши мумкин [13]. Бундай тизимларнинг ўзаро мувофиқлигини катта тизимнинг кичик тизимга нисбатан субординация нуқтаи назаридан белгилаши бўйича бир томонлама қараш керак эмас. Шу муносабат билан ҳуқуқий принциплар тизими катта тизим (умумхуқуқий принциплар) ва кичик тизим (соҳалар бўйича принциплар)ларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тизим мате­риясини унда ҳуқуқий принцип мавжудлиги борлиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда ҳуқуқий нормалар ва қоидаларни эмпирик танлаб олишдан олдин ҳуқуқ учун принципа­л аҳамият касб этадиган рационал асосланган гипотеза (фараз)ни илгари суриш керак.

Шу билан биргаликда, гипотетик-дедуктив метод ҳам худди индуктив метод сингари заиф жиҳатлардан холи эмаслигини таъкидлаш лозим. Унинг заифлиги аввалдан мавжуд, тайёр гипотеза (фараз)лар билан ишлашида бўлиб, у янги гипотезалар вужудга келишини истисно қилади, бу эса ўз навбатида, илмий билимнинг ҳам

бойишига салбий таъсир қилади.

Гипотетик-дедуктив методни статик принциплар (жиноят қонунида акс эттирилган умумий принциплар)ни тадқиқ қилишда қўллаш мумкин. Чунки мамлакатимиз жиноят қонунидаги принциплар со­биқ Иттифоқ давридаги қонунчилик ҳамда ривожланган ғарб давлатлари қонунчили­ги таъсирида шаклланган. Шунинг учун ушбу принципларни тадқиқ қилишда, со­биқ Иттифоқ қонунчилиги ҳамда ғарб дав­латларининг ғоялари гипотеза сифатида юзага келади ҳамда уларни мамлакатимиз жиноят қонунчилигига қўллаш нуқтаи назарида индуктив текширилади. Бундай ҳолатда мавжуд гипотезалардан ташқари янги гипотезаларни ишлаб чиқиш ривож­ланмасдан қолиши (фақат мавжуд хори­жий гипотезаларнинг мамлакат ҳуқуқ ти­зимига нисбатан қўллаш билан чекланиб қолиш) мумкин.

Бу эса, ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий принципларнинг динамик компонентлари назарияси ривожланмай қолишига олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолда жиноят-ҳуқуқий прин­ципларни билишнинг янги методларига мурожаат қилиш зарурати туғилади.

#### *Абдуктив метод*

XIX аср охирларида АҚШлик олим Чарльз С. Пирс индуктив ва гипотетик-дедуктив методларга муқобил сифатида би­лишнинг абдукция методини (лот. *abductio* – чалғитиш) илгари сурди [14].

Абдукция методи фикр юритиш орқа­ли эмпирик фактлардан уларни тушун­тирувчи гипотезага юксалишни назарда тутди. Бундай фикр юритиш турмушда ва амалиётда кўп учрайди. Ҳар бир инсон тушунтириш йўллари­ни излашда беихти­ёр абдукцияга мурожаат этади. Масалан, врач касаллик аломатларига қараб, унинг сабабини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ор­ганлари ходимлари эса жиноят изларига қараб жиноятчини қидиради. Худди шу­нингдек, олим ҳам содир бўлаётган ҳоди-

сани тушунтиришда абдукция методидан фойдаланади. Мазкур атама индукция ва дедукция сингари машхур, кенг эътироф этилган бўлмаса ҳам, у янги ҳамда самарали методологик стратегияни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Чарльз С. Пирснинг фикрича, фанда кўп янгиликлар айнан ушбу метод орқали амалга оширилади. Замонавий талқинда ушбу метод қуйидагича ифодаланади: аниқланган фактлар баҳоланади ва синчиклаб таҳлил қилинади, олинган натижалар асосида мавжуд гипотезалар орасида фактларни асослаб берадиган энг маъқуллари танлаб олинади. Бунда фактларни муқобил гипотезалардан кўра максимал даражада ҳақиқатга яқин тушунтириб бера оладиган гипотеза энг маъқул гипотеза сифатида танланади. Бундай ҳолатда баҳолаш мезони сифатида бошқаларга нисбатан гипотезани асослаб берадиган фактларнинг кўплиги, муҳимроқ фактларнинг мавжудлиги, гипотезанинг соддалиги каби ҳолатлар ҳисобга олинади [15].

Абдукциянинг гипотетик-дедуктив ва индуктив методларга ўхшаш томонлари кўп. Абдукциянинг дедукцияга ўхшашлиги уларнинг иккаласида ҳам олдиндан асос сифатида олинган гипотезанинг мавжудлигидир. Аммо гипотетик-дедуктив методда фикрлар жараёни олдиндан белгиланган гипотезага асосланади, абдукцияда эса маълум бир гипотезани танлашни белгиловчи фактларни таҳлил қилишдан бошланади. Г.И. Рузавиннинг таъкидлашича, индуктив хулоса кўпроқ абдукцияга ўхшайди, чунки иккаласи ҳам хусусий фактларни кўриб чиқишдан бошланиб, хусусийдан умумийга қараб ривожланади [16].

Илмий билишнинг абдукция методи мавжуд фактларни тушунтириш учун илмий фаразларни қидиришнинг самарали усули ҳисобланади. Фикримизча, жиноят ҳуқуқи принципларини тадқиқ қилиш юқорида кўрсатиб ўтилган учта метод-

дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак, чунки ушбу методлар ҳар бири ўз мақсадига эга бўлиб, улар бир-бирини тўлдирган ҳолда тадқиқот натижаларининг ишончлилигини оширишга хизмат қилади. Чарльз С. Пирс таъкидлаганидек, “дедукция нимадир бўлиши кераклигини исботлайди, индукция эса нимадир ҳақиқатда мавжудлигини кўрсатади, абдукция эса шунчаки нимадир бўлиши мумкин деган эҳтимолни кўрсатади” [16].

Масалан, жиноятларни квалификация қилиш принципларини тадқиқ қилишда, аввало, тергов ва суд амалиётида жиноятларни квалификация қилиш бўйича тўпланган эмпирик материал таҳлил қилинади. Бундай таҳлил натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонуни тегишли моддасининг барча таркибий белгилари, қисмлари ва бандларини аниқ кўрсатишга оид талаблари мавжудлиги аниқланади. Бу ерда эҳтимоли энг юқори бўлган гипотеза сифатида квалификация қилишнинг аниқлиги ҳақидаги талаб ҳисобланади. Шундай қилиб абдукция ёрдамида ҳақиқатга энг яқин бўлган гипотеза, яъни жиноят-ҳуқуқий қилмишни квалификация қилишда аниқлик принципи белгилаб олинади.

Аммо бу билан жиноят ҳуқуқий принциплар бўйича янги билимларни олиш жараёни тугамайди. Бу жараённинг давоми сифатида иерархия бўйича юқорироқ турган гипотезани таҳлил қилиб, жиноят-ҳуқуқий қилмишни квалификация қилишда аниқлик принципи жиноят ҳуқуқининг қайси статик принципларига мос келишини аниқлаш талаб этилади. Бунда таҳлил натижасида жиноят-ҳуқуқий қилмишни квалификация қилишда аниқлик принципи кўпроқ қонунийлик принципига мос келиши аниқланади. Шундай қилиб, “жиноят-ҳуқуқий квалификация қилишда қонунийлик принципи квалификация

қилишнинг аниқлиги принципи орқали амалга оширилади” ҳамда “квалификациянинг аниқлиги принципи жиноят-ҳуқуқий принципларни квалификация қилишда мавжуд бўлади” деган дедукцион гипотеза индукция ёрдамида аниқлаштириб олинади.

Динамик жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилишда муаллифлар, одатда, фақат индукция методига асосланишлари мазкур принципларнинг иерархия бўйича юқори турган, яъни статик принципларга боғламасдан, улар алоҳида мавжуд бўлади деган хулосаларга олиб келиши мумкин. Аммо динамик принциплар ҳар доим жиноят-ҳуқуқининг асосини белгилайдиган статик принципларга боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиши керак.

#### **Хулосалар**

Жиноят-ҳуқуқий принципларни у ёки бу тарзда таҳлил қилишга оид тадқиқотларда фақат индукция методидан фой-

даланилганлигини кўришимиз мумкин. Индукция методининг натижанинг аниқ бўлишидаги ролини камситмаган ҳолда, фақат ушбу метод билан чекланиб қолиш мантиқий натижа олишда эмпирик материалларнинг айнан қандай хусусиятларига эътибор қаратиш кераклиги бўйича хулосалар тақдим эта олмайди. Индукция фақат мавжуд гипотезалар – ҳуқуқий ғояларни тасдиқлаш учун хизмат қилади. Гипотетик-дедукция методининг ҳам камчиликлари мавжуд бўлиб, у фақат тайёр гипотезалар билан ишлаганлиги учун янги ҳуқуқий ғоялар, гипотезаларни аниқлаш имконини бермайди. Фикримизча, жиноят-ҳуқуқий принциплар бўйича янги билимларни аниқлашда абдукция методи кўпроқ натижа беради, чунки ушбу методда барча эмпирик материаллар таҳлил қилинади ва тадқиқ қилинаётган ҳодисани кўпроқ асослаб берадиган гипотезалар аниқланади.

## **REFERENCES**

1. Yuridik fan va huquqni qo'llash amaliyotining dolzarb muammolari. Ilmiy-amaliy konfrensiya materiallari. I jild. Mas'ul muharrir y.f.d., prof. M.M. Mamasiddiqov [Current issues in legal science and law enforcement practice. Proceedings of the scientific-practical conference. I skin. Responsible editor y.f.d., prof. M.M. Mamasiddikov]. Tashkent, Lesson press, 2020, p. 221.
2. Kraevskiy V.V. Metodologiya nauchnogo issledovaniya. Posobie dlja studentov i aspirantov gumanitarnuh universitetov [Research methodology. A handbook for undergraduate and graduate students of liberal arts universities]. Saint Petersburg, GUP, 2001, p. 44.
3. Xoliqulov U.Sh. Demokratik islohotlarni chuqurlashtirish sharoitida O'zbekiston Respublikasi jinoyat qonunchiligini takomillashtirishning nazariy asoslari. Yuridik fanlar doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati [Theoretical basis for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan in the context of deepening democratic reforms. Abstract of the dissertation of Doctor of Law (DSc)]. Tashkent, 2019.
4. Saifnazarov I., Muxtarov A., Boboev A. Ilmiy tadqiqot metodologiyasi. O'quv-uslubiy qo'llanma [Research methodology. Textbook]. Tashkent, TSUL, 2014, p. 132.
5. Sheptulin, A. P. Dialekticheskij metod poznaniya [Dialectical method of cognition]. Moscow, State Publishing House of Political Literature, 1983, p. 320.
6. Aristotel. Metafizika. Moscow, 1980, p. 65.
7. Alekseev S. S. Obshaja teorija socialisticheskogo prava [General theory of socialist law]. Issue 1, Svyerdlovsk, 1963, p. 151.

8. Sumachev A.V. Netradicionnye principy ugovnogo prava. Ugolovnoe pravo na rubezhe tysjacheletij: materialy regional'noj nauchno-prakticheskoy konferencii. Tjumen', 5 nojabrja 2004 goda [Non-traditional principles of criminal law. Criminal law at the turn of the millennium: materials of the regional scientific and practical conference]. Tyumen, November 5, 2004. Tyumen, Tyumen Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia, pp. 4-6.
9. Filosofija i metodologija nauki. Ucheb. posobie. Pod red. V.I. Kupsova [Philosophy and methodology of science. Textbook. Ed. V.I. Kupsova]. Moscow, 1996, p. 180.
10. Dialektika nauchnogo poznanija. Ocherk dialekticheskoy logiki [Dialectics of scientific knowledge. An outline of dialectical logic]. Moscow, 1978, p. 282.
11. Frolov S.E. Principy prava (voprosy teorii i metodologii). Dis. kand. jurid. nauk [Principles of law (questions of theory and methodology). Dissertation of the candidate of legal sciences]. Nizhny Novgorod, 2001, 168 p.
12. Malsev V.V. Principy ugovnogo prava [Principles of criminal law]. Volgograd, 2001, p. 99.
13. Alekseev P.V., Panin A.V. Filosofija. Uchebnik [Philosophy. Textbook]. Moscow, 2000, p. 463.
14. Krysin L.P. Tolkovyj slovar' inozazychnyh slov [Explanatory dictionary 'of foreign words]. Moscow, 1998, p. 23.
15. Ruzavin G. I. Filosofija nauki. Uchebnoe posobie [Philosophy of Science. Tutorial]. Moscow, 2008, pp. 320-334.
16. Teorija gosudarstva i prava. Otv. red. N.G. Aleksandrov [Theory of Government and Rights. Resp. ed. N.G. Alexandrov]. Moscow, 1974, p. 378.
17. Vvedenie v filosofiju. Uchebnik dlja vuzov. V 2-h chastjah [Introduction to philosophy. Textbook for universities. In 2 parts]. Part 2, Moscow, 1990, p. 396.

UDC: 342.5(042)(575.1)  
ORCID: 0000-0003-3384-9994

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР СУБЪЕКТИГА ДОИР НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Джалилов Фуркат Закирович,  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси,  
e-mail: fbi774@mail.ru

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат хизматчисининг қонунга хилоф мулкый манфаатдорлиги билан боғлиқ жиноятлар субъектига доир нормаларни такомиллаштириш масалалари атрофлича таҳлил қилинган ва бугунги кунда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролининг оширилиши, давлат харидларини амалга оширишда очиқлик ва шаффофликнинг таъминланиши, давлат харидларини амалга оширишда жамоатчилик назорати механизмларининг такомиллаштирилиши муносабати билан давлат харидлари жараёнида турли коррупциявий ҳолатлар авж олаётганлигига тўхталиб бир қанча ечимлар таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** сайлов, референдум, ҳуқуқий мақом, давлат буюртмачиси, оммавий хизмат, сайлов комиссияси.

### ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ, СВЯЗАННЫМ С НЕЗАКОННЫМИ ИМУЩЕСТВЕННЫМИ ИНТЕРЕСАМИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ

Джалилов Фуркат Закирович,  
самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье подробно анализируются вопросы совершенствования норм предмета преступлений, связанных с незаконными имущественными интересами государственных служащих, роли СМИ в современном обществе, обеспечения открытости и прозрачности государственных закупок, совершенствования государственного контроля над государственными закупками. Был предложен ряд решений проблем, подчеркивающих растущую коррупцию в процессе государственных закупок.

**Ключевые слова:** выборы, референдум, правовой статус, государственный заказчик, государственная услуга, избирательная комиссия.

### ISSUES OF IMPROVING THE NORMS ON THE SUBJECT OF CRIMES RELATED TO THE ILLEGAL PROPERTY INTERESTS OF CIVIL SERVANTS

Djalilov Furkat Zakirovich,  
Independent researcher  
of Tashkent State University of Law



**Abstract.** This article analyzes in detail the issues of improving the norms of the subject of crimes related to the illegal property interests of civil servants. It suggests several solutions for the development of the role of the media in modern society, ensuring openness and transparency of public procurement, improving state control over public procurement, highlighting the growing corruption in the public procurement process.

**Keywords:** Election, referendum, legal status, public customer, public service, election commission.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, уларда давлат хизматчиларини ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф равишда ҳақ олиши билан боғлиқ махсус жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган. Бунда жиноят субъектлари ихтисослаштирилган. Жумладан, қуйидаги жиноят субъектлари қилмишлари учун жиноят қонунчилигида алоҳида жавобгарлик белгиланган:

- сайлов комиссияси ёки референдум ўтказувчи комиссия аъзоларини пора эвазига оғдириш (Украина ЖКнинг 160-моддаси [1]);

- давлат харидини амалга оширувчи комиссия аъзоларини пора эвазига оғдириш (Россия Федерацияси ЖКнинг 200<sup>5</sup>-моддаси [2]);

- оммавий хизматларни амалга оширувчи ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларда фаолият юритувчи шахсларни пора эвазига оғдириш (Украина ЖКнинг 368<sup>4</sup>-моддаси [1], Молдова ЖКнинг 256-моддаси [3]);

Ушбу саналган субъектлар давлат хизматчисими ёки мансабдор шахсми деган савол юзага келади.

Сайлов кодексига кўра [4], сайловларни ташкил этиш ва ўтказишни сайлов комиссиялари, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ [5], референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни

референдум ўтказувчи комиссиялар таъминлайди. Шунингдек, референдум ўтказиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ўтказиладиган бўлса, референдумни ўтказиш тегишли сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши мумкин.

Сайлов ва референдумнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрнидан, уларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва ўтказишни амалга оширувчи комиссиялар аъзоларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш юриспруденцияда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳуқуқий мақом – шахсларнинг жамият ва давлат билан ўзаро муносабатларини белгиловчи ва ифодаловчи ҳуқуқий ҳолати ҳисобланади [6]. Бошқача айтганда, ҳар қандай шахснинг ҳуқуқий мақоми деганда, унинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбурияти ва жавобгарликлари йиғиндиси тушунилади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонун [7] ҳамда мамлакатимизда сайлов ва референдумларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида комиссияларнинг ваколатлари доирасини ва ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатларини белгиловчи нормалар мавжуд бўлса-да, комиссиялар аъзола-

рининг ҳуқуқий мақоми қонунда тўла ўз ифодасини топган, деб айтиш имконини бермайди. Мазкур масала юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилганда, тегишли қонун ҳужжатларида сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссияла аъзоларининг ҳуқуқий мақомига бағишланган алоҳида нормалар мавжудлигини кузатдик. Хусусан, 1999 йил 5 февралда қабул қилинган Арманистон Республикаси Сайлов кодексининг 33-моддаси “Сайлов комиссияси аъзоларининг мақоми” [8] деб номланган. Россия Федерациясида эса шундай комиссиялар аъзоларининг мақоми “Россия Федерацияси фуқароларининг референдумда қатнашиш ва сайлов ҳуқуқларини асосий кафолатлари тўғрисида”ги Федерал қонунда, шунингдек тегишли федерал ва ҳудудий сайлов қонун ҳужжатларида белгиланган (масалан, 1999 йил 15 мартда қабул қилинган “Иркутс областининг Сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 7, 8-моддалари [9]).

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг махсус (маълум гуруҳдаги фуқароларнинг) ҳуқуқий мақоми белгиланган. Фақат комиссияси раиси ва котибининг индивидуал ҳуқуқий мақомини белгиловчи айрим нормалар мавжуд (масалан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 13-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4004-сон қарорига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи 7 нафар аъзоси, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котиби мавжуд бўлиши, шунингдек, 26 нафар масъул ходимдан иборат Марказий сайлов комис-

сияси Котибияти штат бирлиги бўлиши белгиланган [10]. Мазкур қарорга кўра, мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, моддий-маиший таъминот шарт-шароитларига кўра:

Марказий сайлов комиссияси раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарига;

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмита раисига;

Марказий сайлов комиссияси котиби – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмита раисининг ўринбосарига;

Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмита аъзоларига;

Марказий сайлов комиссияси Котибияти ходимлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Марказий сайлов комиссияси раиси, унинг ўринбосари, котиби ва доимий асосда ишловчи аъзолари мансабдор шахс ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси Котибияти ходимлари эса берилган ваколат ва вазифаларининг хусусиятига кўра, айримлари мансабдор шахс, айримлари мансабдор шахс бўлмаган давлат хизматчиси ҳисобланади.

Аммо референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари, шунингдек, округ ва участка сайлов каомиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий мақоми масаласи қонунчиликда бўшлиқ ҳисобланади. Бунда ушбу комиссияларнинг раиси, ўринбосари ва котибида ЖКда назарда тутилган мансабдор шахс белгилари мавжудлиги сабабли, уларни биз мансабдор шахс сифатида тан олишимиз мумкин. Ўз навбатида, сайлов

ва референдумга оид қонун ҳужжатларида комиссия аъзоларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи алоҳида модда киритиш таклиф қилинади. Унда комиссия аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш, комиссия раиси, раис ўринбосари ва котибининг бажарадиган вазифаси, комиссия фаолиятида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда махсус эмас, балки индивидуал ёндашиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, зиммаларига юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишларини таъминлаш мақсадида комиссия аъзолари фаолиятини кафолатловчи, қолаверса, уларнинг иммунитет ва дахлсизлик ҳуқуқларини белгиловчи нормаларни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик таҳлилидан келиб чиқиб, *Ўзбекистон ЖКни “Сайловчилар, референдум иштирокчилари, сайлов комиссияси ёки референдум ўтказувчи комиссия аъзоларини пора эвазига оғдириш” деб номланган 146<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади* (модданинг тўлиқ матни хулоса ва иловада баён этилган).

Мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари масаласи давлат аппаратини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб. Жумладан, сўнги уч йил мобайнида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун икки маротаба (2018 ва 2021 йилларда) қабул қилинди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот ва эксперт, эксперт ташкилоти давлат харидларининг субъектлари ҳисобланади. Қонуннинг 20-моддасига кўра, харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомил-

ларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал орган ҳисобланади. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат [11–19]. Харид комиссияси тоқсонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак. Қонунда харид комиссия раисининг ҳуқуқий мақоми юзасидан аксарият нормалар белгиланган бўлса-да, харид комиссияси аъзоларининг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритилмаган.

Бугунги кунда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли оширилиши, давлат харидларини амалга оширишда очиқлик ва шаффофликнинг таъминланиши, давлат харидларини амалга оширишда жамоатчилик назорати механизmlарининг такомиллаштирилиши муносабати билан давлат харидлари жараёнида турли коррупциявий ҳолатлар авж олганлиги кўзга кўриниб қолмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ўртасида ушбу жараёндаги коррупция аломатлари тўғрисида асосли норозиликлар билдирилмоқда. Давлат харидларини амалга ошириш, бунда шартнома томонини аниқлаш харид комиссияси томонидан амалга оширилишини ҳисобга олган ҳол-

да, биз давлат харидларини амалга оширувчи харид комиссиясининг масъулият ва жавобгарлигини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли, хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик таҳлил асосида зарурат мавжудлиги сабабли, ЖКни *“Давлат харидларини амалга оширувчи харид комиссия аъзоларини пора эвазига оғдириш” деб номланган 214<sup>2</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади* (модданинг тўлиқ матни хулоса ва иловада баён этилган).

Мамлакатимизда тадбиркорлик шакллари ва субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунда қатор оммавий хизматлар давлат ташкилотлари томонидан эмас, балки хусусий сектор томонидан (масалан, аудит хизмати ва бошқалар), айримлари эса ҳам давлат ташкилоти, ҳам хусусий сектор томонидан (масалан, баҳолаш, нотариал хизматлар ва бошқалар) кўрсатилмоқда.

Мазкур хизматларнинг оммавий хусусиятга эгаллиги, шу сабабдан, бу соҳада коррупциявий омиллар мавжудлиги, бунда коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида шундай оммавий хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг, улар ходимларининг масъулият ва жавобгарлигини ошириш зарурати мавжуд.

Шу сабабли, хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик таҳлил асосида, ЖКни *“Оммавий хизматларни амалга оширувчи шахсларни пора эвазига оғдириш” деб номланган 192<sup>12</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади* (модданинг тўлиқ матни хулоса ва иловада баён этилган).

Мазкур параграфда қайд этилган таклифлар орқали давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг мулкый манфаатдорлиги билан боғлиқ жиноятларнинг субъектига аниқлик киритиш, бу борада қонунчилиكنи такомиллаштиришга эришилади.

## REFERENCES

1. Uголовnyj kodeks Ukrainy [Criminal Code of Ukraine]. Available at: [www.meget.kiev.ua/kodeks/ugolovnyj-kodeks/](http://www.meget.kiev.ua/kodeks/ugolovnyj-kodeks/).
2. Uголовnyj kodeks Rossijskoj Federacii ot 13.06.1996 № 63-FZ [Criminal Code of the Russian Federation]. Available at: [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/).
3. O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi O'RQ-684-son Qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan «On Public Procurement» of April 22, 2021. Law No. ZRU-684]. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi – National Legislative Database, 2021, 23 April, no. 03/21/684/0367. Available at: [www.lex.uz/docs/5382974/](http://www.lex.uz/docs/5382974/).
4. Uголовnyj kodeks Respubliki Moldova ot 18 aprelja 2002 goda № 985-XV [Criminal Code of the Republic of Moldova dated April 18, 2002, no. 985-XB]. Available at: [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923/](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923/).
5. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 25-iyunda qabul qilingan O'RQ-544-sonli Qonuni bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining Saylov kodeksi [Electoral Code of the Republic of Uzbekistan, approved by the Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-544 of June 25, 2019]. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Axborotnomasi – Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2019, no. 6, Article 327. Available at: [www.lex.uz/docs/4386848#4387567/](http://www.lex.uz/docs/4386848#4387567/).
6. “O'zbekiston Respublikasining referendumi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasining 30.08.2001. 265-II-son Qonuni bilan tasdiqlangan [On Referendum of the Republic of Uzbekistan] of the



Republic of Uzbekistan dated 30.08.2001. Approved by Law No. 265-II]. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Axborotnomasi – Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan 2001, no. 9-10, Article 176.

7. O'zbekiston yuridik ensiklopediyasi. Nashr uchun mas'ul R.A. Muhitdinov va boshq. Mas'ul muharrir N. Toychiev [Encyclopedia of Law of Uzbekistan. The publisher is R.A. Muhitdinov et al. Editor-in-Chief N. Toychiev]. Tashkent, Adolat Publ., 2009, p. 651.

8. O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 30-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi to'g'risida"gi 613-I-son Qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan No. 613-I of April 30, 1998 «On the Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan»]. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Axborotnomasi – Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1998, no. 5-6, Article 95.

9. National Assembly of the Republic of Armenia. Official Web Site. Available at: <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=2020&lang=eng/>.

10. Vestnik Izbiratel'noj komissii Irkutskoj oblasti – Bulletin of the Election Commission of the Irkutsk Region, 1999, no. 1-2.

11. Khamidov N. Transmilliy jinoyatlar tushunchasi va ular uchun javobgarlik belgilanishining ijtimoiy zarurati [The concept of transnational crime and the social necessity of defining responsibility for them]. 2020, pp. 1-10.

12. Hamidov N. Ponjatie transnacional'nyh prestuplenij i social'naja neobhodimost' ustanovleniya otvetstvennosti za nih [The concept of transnational crimes and social necessity of establishing responsibility for them]. Review of law sciences, 2020, vol. 5, special issue.

13. Salaev N., Khamidov N. Qualification Of Smuggling: Uzbek Legislation And Foreign Experience. Ilkogretim Online, 2021, vol. 20, no. 3.

14. Khamidov N. et al. Criminal-legal aspects of the drug abuse in some countries and imposed approaches against it. International Journal of Legal Studies (IJOLS), 2018, vol. 4, no. 2, pp. 177-183.

15. Salaev N. The issue on implementing the recommendations of international standards on certain categories of convicts in Uzbekistan. Zhurnal pravovyyh issledovaniy – Journal of Legal Research, 2020, vol. 5, no. 5.

16. Salaev N. Penitentiary system of contemporary Uzbekistan: current condition and future promises in the reformation process. Review of law sciences. 2018, No. 2.

17. Nodirbek S., Law D.I. Preventive legal status of convicts in the penitentiary system of Uzbekistan.

18. Salaev N.S. Ugolovnoe nakazanie: popytka social'no-filosofskogo osmysleniya ili problema, ne reshennaya vekami? [Criminal punishment: an attempt at social-philosophical comprehension or a problem that has not been solved for centuries?]. 2016.

19. Salaev N. Differentiation, individualization, execution of criminal punishments and its goals: way to success. Review of law sciences, 2017, vol. 1, no. 1, p. 25.



UDC: 342.5 (042) (575.1)  
ORCID: 0000-0002-8897-1295

## ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛОВЧИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сагдуллаев Фатхулла Шукруллаевич,  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси,  
e-mail: sagdullayev87@internet.ru

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш учун жавобгарлик белгилловчи жиноят қонунчилиги нормаларининг ривожланиши тенденциялари тадқиқ этилган. Жиноят қонунчилигининг ривожланишида 1926, 1959 ва 1994 йилги Жиноят кодексларида ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган нормалар қиёсий таҳлил қилинган. Бунда тегишли даврда жиноят қонунчилигини ривожлантириш шарт-шароитларини тўғри баҳолашга ҳаракат қилинган. Илмий ишнинг якуни сифатида мамлакатимизда ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунчилигининг ривожланиши шартли равишда бешта босқичга ажратилган ҳамда Жиноят кодексининг 206-моддасида белгиланган нормаларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, жиноят қонунининг ривожланиши, хизмат ваколати, зўрлик, қурол ишлатиш, жабрланувчини азоблайдиган ҳаракатлар, шахснинг қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлар, кўп миқдорда зарар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс.

### ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ УГОЛОВНЫХ НОРМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА, ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С ВЛАСТЬЮ ИЛИ ДОЛЖНОСТНЫМИ ПОЛНОМОЧИЯМИ

Сагдуллаев Фатхулла Шукруллаевич,  
самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье исследуются тенденции развития уголовного права в нашей стране, которое определяет ответственность за преступления, связанные с властью или должностными полномочиями. При изучении развития уголовного права проведен сравнительный анализ норм Уголовных кодексов 1926, 1959 и 1994 годов, устанавливающих ответственность за данное преступление. При этом была сделана попытка правильно оценить условия развития уголовного права в соответствующий период. В результате научного исследования автором определены пять

этапов развития в нашей стране уголовных норм, устанавливающих ответственность за данное преступление, и разработаны предложения по совершенствованию норм статьи 206 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** превышение власти или должностных полномочий, развитие уголовного права, власть, насилие, применение оружия, пытки потерпевшего, унижающие достоинство действия, значительный ущерб, незаконное вмешательство в деятельность субъектов предпринимательства, должностное лицо, ответственное должностное лицо.

## TENDENCIES IN THE DEVELOPMENT OF CRIMINAL LEGISLATION NORMS THAT DETERMINE RESPONSIBILITY FOR EXTRAORDINARY AUTHORITIES OR POSITIONS

**Sagdullaev Fatkhulla Shukrullaevich,**  
Independent researcher of Tashkent State  
University of Law

11. Chapin D.A., Griffin P.A. Juvenile diversion. In K. Heilbrun, N.E.S. Goldstein, & R.E. Redding (Eds.), Juvenile Delinquency: Prevention, Assessment, and Intervention. New York, Oxford University Press, 2005, p. 162.
12. Sloth-Nielsen J. Government and NGO Collaboration in Development of Diversion. Johnny Juhl Sorensen and Jorgen Jepsen (eds.), Juvenile Justice in Transition: Bringing the Convention on the Rights of the Child to Work in Africa and Nepal, The Danish Institute for Human Rights. Copenhagen, June 2005.
13. Wood C. Diversion in South Africa: A Review of Policy and Practice, 1990-2003, ISSP Paper 79, 2003. Available at: <https://www.files.ethz.ch/isn/112130/79.pdf/> (accessed 07.05.2021).
14. ABBYY Lingvo, jelektronnyj slovar', vyp. 16.2.2.133. Law (En-Ru) prima facie case – nalichie dostatochno ser'eznyh dokazatel'stv dlja vozbuzhdenija dela [Electronic dictionary, issue 16.2.2.133, Law (En-Ru) prima facie case – there is sufficient evidence to initiate a case].
15. Muntingh L.M. Introduction, in L.M. Muntingh, R.J. Shapiro (eds.), An Introduction to Diversion from Criminal Justice System, National Institute for Crime Prevention & Rehabilitation of Offenders (NICRO), NICRO, Cape Town, 1997, p. 6. Available at: [https://repository.uwc.ac.za/bitstream/handle/10566/5134/Muntingh\\_Nicro%20diversions.pdf?sequence=1&isAllowed=y/](https://repository.uwc.ac.za/bitstream/handle/10566/5134/Muntingh_Nicro%20diversions.pdf?sequence=1&isAllowed=y/) (accessed 06.05.2021).
16. Abramson B. The Right to Diversion: Using the Convention on the Rights of the Child to Turn Juvenile Justice Rights Into Reality. Rev. 6, Aug. 24, 2004. Available at: [https://www.oijj.org/sites/default/files/documentos/documental\\_1257\\_en.pdf/](https://www.oijj.org/sites/default/files/documentos/documental_1257_en.pdf/) (accessed 07.05.2021).
17. Vystuplenie Prezidenta Respubliki Uzbekistan Shavkata Mirzijoieva na torzhestvennom sobranii, posvjashhenom Dnju uchitelej i nastavnikov [Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at a solemn meeting dedicated to the Day of Teachers and Mentors]. Available at: <https://president.uz/ru/lists/view/3864/> (accessed 07.05.2021).
18. Miruktamova F.L. Vojava yetmaganlar odil sudlovining xalqaro standartlari. Monografiya [International Standards for Juvenile Justice. Monograph]. Tashkent, TSUL, 2020, 134 p.

UDC: 41 J-87

ORCID: 0000-0001-5469-2223

## TILSHUNOSLIKDA YURIDIK DISKURS O'RGANILISHI: MAQSAD VA VAZIFALARI

**Jumaniyozova Nuriya Ahmedovna,**  
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti  
tayanch doktoranti,  
e-mail: jumaniyozovanuriya@gmail.com

**Annotatsiya.** Ushbu maqola yuridik diskurs va uning tilshunoslikda o'rganilishi haqida bo'lib, yuridik diskursning o'rganilish bosqichlari va yondashuvlari yuzasidan zaruriy ma'lumotlar beradi. Bilamizki, yurislingvistikaning obyekti hisoblanuvchi institutsional diskursning mazkur turi bugungi kunga qadar ko'plab xorijiy tilshunos va huquqshunos olimlar tomonidan tadqiq qilingan bo'lsa-da, o'zbek tilshunosligida bu diskurs turi pragmatolingvistik yondashuv asosida hanuzgacha o'rganilmagan. Bu esa mavzuning dolzarbligini belgilaydi. Shuning uchun maqolada dastlab yuridik diskursning uchta yondashuv doirasida o'rganilishi misollar bilan ko'rsatilgan va shu qatorda uning boshqa diskurs turlaridan farqli jihatlarini ko'rsatuvchi maqsad va vazifalari haqida ham fikr yuritilgan. So'zsiz, bugungi kunda yuridik diskursning lingvistik tahlili va o'rganilishi katta ahamiyatga ega, chunki ushbu diskurs turi nafaqat qonun, balki hayotning barcha jabhalarini o'z ichiga qamrab oladi. Demak, til va qonun o'rtasidagi munosabatlarni o'rganish ko'pgina sohalarning obyektiga aylangan, shu jumladan, tilshunoslikning ham. Yuridik diskurs – bu barcha yuridik tuzilmalar, ular doirasida qo'llaniladigan ham og'zaki, ham yozma yuridik matnlar va ularning o'ziga xos maxsus professional atamalaridan iborat bo'lgan, shuningdek, yuridik til va yuridik nutqning barcha qoida va me'yorlariga bo'ysunuvchi institutsional diskurs turidir.

**Kalit so'zlar:** yuridik diskurs, yondashuv, sud lingvistikasi, tilshunoslik, professional atamalar, metaforik modellashirish, yuridik til, yuridik nutq.

### ИЗУЧЕНИЕ ЮРИДИЧЕСКОГО ДИСКУРСА В ЛИНГВИСТИКЕ: ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ

**Жуманиёзова Нурия Ахмедовна,**  
докторант Узбекского государственного  
университета мировых языков

**Аннотация.** Данная статья посвящена юридическому дискурсу и его изучению в лингвистике, а также содержит существенную информацию об этапах и подходах к изучению юридического дискурса. Как известно, этот тип институционального дискурса, считающийся предметом судебной лингвистики, до сих пор изучался многими зарубежными лингвистами и юристами, однако эта форма дискурса в узбекском языкознании до сих пор не изучена на основе прагматингвистического подхода. И это показывает актуальность темы. Поэтому в статье изначально приводятся примеры исследования правового дискурса в рамках трех подходов, а также дается обзор его целей и задач, которые представляют собой различные аспекты от других видов дискурса. Несомненно, сегодня лингвистический анализ и изучение юридического дискурса имеет большое значение, поскольку он охватывает все стороны жизни. Таким образом, изучение отношений между языком и правом стало предметом изучения многих областей, в том числе и лингвистики. Юридический дискурс – это разновидность институционального дискурса, который состоит из всех правовых структур, как устных, так и письменных юридических

текстов, применяемых в них, и их специфических профессиональных терминов, и следует всем правилам и нормам юридического языка и юридической речи.

**Ключевые слова:** юридический дискурс, подход, судебная лингвистика, лингвистика, профессиональные термины, метафорическое моделирование, юридический язык, юридическая речь.

## THE STUDY OF LEGAL DISCOURSE IN LINGUISTICS: GOALS AND OBJECTIVES

**Jumaniyozova Nuriya Akhmedovna,**

Base Doctoral Student

Uzbekistan State World Languages University

**Abstract.** This article is devoted to the legal discourse and its study in linguistics, and contains essential information on the stages and approaches to the study of legal discourse. In fact, although this type of institutional discourse, considered a subject of forensic linguistics, has so far been examined by many foreign linguists and lawyers, it is not yet studied in Uzbek linguistics based on a pragmalinguistic approach. Indeed, this shows the relevance of the topic. Therefore, the article initially provides examples of the study of legal discourse within the framework of three approaches, as well as an overview of its goals and objectives, which are different aspects from other types of discourse. Undoubtedly, the linguistic analysis and scientific research of legal discourse is of great importance today since it covers all aspects of life. Thus, the study of the relationship between language and law has become a subject of research in many fields, including linguistics. Legal discourse is a kind of institutional discourse, which consists of all legal structures; both oral and written legal texts applied within them and their specific professional terms, and follows all the rules and norms of legal language and legal speech.

**Keywords:** legal discourse, approach, forensic linguistics, linguistics, professional terms, metaphorical modeling, legal language, legal speech

### Kirish

Ma'lumki, til va huquqning o'zaro munosabati va ularning o'ziga xos xususiyatlari uzoq davrlardan beri tilshunos va huquqshunos olimlarning diqqat markazida bo'lib kelgan. Mazkur ikki soha o'rtasidagi aloqa esa XIX asrning boshlarida Germaniyada yangi ijtimoiy mavzularning yuzaga kelishiga sabab bo'ldi. Masalan, XX asrning 70-yillariga kelib fuqarlarga tushunarli bo'lgan idoraviy muassasalar tilini yaratishga bo'lgan talab huquqshunoslik va tilshunoslik o'rtasidagi hamkorlikni yanada mustahkamladi; 80-90-yillarda esa tilshunoslar gender tengligini ta'minlovchi yangi qonunlar tahririda ishtirok etdilar [1, 15-b.]. Natijada bu yurislolingvistika fanining tilshunoslikda alohida yangi yo'nalish sifatida ajralib chiqishi hamda qonun va til o'rtasidagi munosabatlarning yanada chuqurroq o'rganilishiga olib keldi, chunki yuridik til va nutqning o'ziga xos xususiyatlari bo'lmish to'g'rilik, sof-

lik, jo'yalilik, o'rinlilik, ta'sirchanlik, aniqlik, mantiqiylik, ifodalilik va maqsadga muvofiqlikni ta'minlashda tilshunoslik fanining o'rni beqiyosdir. Yuridik nutq (og'zaki yoki yozma)ning to'g'riligi ohang, urg'u va grammatik me'yorlarga qat'iyan rioya etishni taqozo etsa, aniqlikni ta'minlashda yuridik tilning sinonimik imkoniyatlarini bilish va sinonimik qatorlardan zarurini ajratib olish, ko'p ma'noli, omonim, paronim so'zlarga jiddiy e'tibor berish, yuridik terminlarni yaxshi bilish va hokazolar talab etiladi. Bundan tashqari, ushbu nutqning rang-barangligi deyilganda, avvalambor, yuridik tilning leksik imkoniyatlari (ma'nodosh, uyadosh va qarama-qarshi ma'noli so'zlar, tasviriy ifoda va iboralar, o'zbek xalqining qochiriy so'zlari va frazeologik birikmalar, o'xshatish, sifatlash, istiora, mubolag'a, ritorik so'roq gaplar)dan foydalanish nazarda tutiladi. Shunga ko'ra, yuridik tilning keng imkoniyatlarini ochib berishda

to'g'ridan-to'g'ri tilshunoslik faniga murojaat etishimizga to'g'ri keladi. Bu esa, o'z navbatida, qonun va tilning o'zaro bog'liqlikda o'rganilishiga sabab bo'ladi.

Yevropa, Amerika, Rossiya va boshqa qator rivojlangan davlatlarda ushbu fan allaqachon fan dasturi sifatida bo'lajak yurist xodimlarni tayyorlashda o'z o'rniga ega bo'lib ulgurgan. Binobarin, AQSHning Chikago, Illinoys universitetlarida, Fransiya, Shvetsiya, Angliya va Rossiyaning deyarli barcha yuridik o'quv yurtlarida yuridik til va yuristning nutq madaniyati bilan bog'liq bilimlarni talabalarda shakllantirishga e'tibor qaratilgan va buning zahirida talabalarning "Yuridik nutq", "Sud notiqligi", "Sudda nutq so'zlash va haqiqat muammolari", "Yozma nutq", "Ommaviy muomala nutqi", "Siyosiy nutq", "Ijtimoiy nutqiy muomala", "Bayonnomalar (protokollar) tahlili", "Nutq maktabi", "Nutq o'rganishga kirish" kabi o'quv kurslarini puxta egallashlari nazarda tutiladi [2, 148–154-b.]. Ta'kidlash lozimki, xorij amaliyotida tilshunoslik va huquqshunoslik asosida paydo bo'lgan yangi ilmiy soha – "Forensic linguistics", ya'ni sud lingvistikasi kelib chiqishida britaniyalik yozuvchi va tilshunos Yan Svartvikning o'rniga katta. Negaki u 1968-yilda o'z ayoli va o'g'lining o'limida aybdor deb topilgan va o'limga mahkum etilgan Timoti Evans ishi bo'yicha sud materiallarini lingvistik ekspertizadan o'tkazib, mahkumning aybdor emasligi isbotlanishi va oqlanishiga sababchi bo'lgan. B. Pozzo, J. Gibbons, J. Olsson, M. Coulthard & A. Johnson, P. Goodrich, J.M. Conley & W.M. O'Barr, J. Engberg va boshqalar ham til va qonun o'rtasidagi munosabatlarni, sud lingvistikasi (forensic linguistics) va shu fan doirasidagi yuridik diskurs o'rganilishiga o'z hissalarini qo'shishgan [3].

Rossiyada esa yurislingvistika fanining rivojlanishida til va qonun o'rtasidagi munosabatning turli muammolari bo'yicha ko'plab olimlarning ishlari o'z ichiga olgan "Юрислингвистика" nomli ilmiy to'plam rahbari hisoblangan N.D. Golevning hissasi katta bo'lib, olim qonun va til o'rtasidagi muno-

sabat o'rganilishi jihatidan yurislingvistika hamda lingvoyuristikani bir-biridan farqlaydi va ularga shunday izoh beradi: "Yurislingvistika va lingvoyuristikaning obyekti – bu qonun va tilning o'zaro aloqasi bo'lib, tilning qonunga bo'lgan munosabati yurislingvistika doirasida o'rganiladi va aksincha, qonunning tilga munosabati esa lingvoyuristikaga tegishlidir. Shunga muvofiq, tilning yuridik aspekti yurislingvistikaning predmeti bo'lsa, qonunning lingvistik jihatida lingvoyuristikaning predmetidir" [4, 11-b.]. Bundan tashqari, N.A. Dobrol'yubov nomidagi Nijniy Novgorod davlat lingvistika universiteti rus filologiyasi va umumiy tilshunoslik kafedrasida professori M.A. Grachev rahbarligida "Лингвокриминалистика" ilmiy maktabi tashkil etilgan bo'lib, unda, asosan, jinoyat olami subkulturasini va sud lingvistikasi ekspertizasi muammolari faol o'rganilmoqda [5, 213–220-b.]. Shu bilan birga, bugungi kunga qadar yuridik diskurs, uning o'ziga xos xususiyatlari va diskursiv tahliliga bag'ishlangan ko'plab ilmiy ishlar mavjud bo'lib, ular qatorida ayrimlarini alohida ta'kidlashimiz mumkin. Jumladan, O.V. Kosonogova, L.V. Sputnikova, T.V. Uskova, A.V. Balamakova, M.N. Fedulova, I.V. Palashevskaya, G.V. Kubits, L.E. Popova va boshqalarning yuridik diskurs, uning tipologiyasi, maqsad va vazifalari, boshqa o'ziga xos lingvistik hamda ekstralingvistik xususiyatlarini o'rganishda amalga oshirgan ilmiy tadqiqotlari muhim ahamiyatga egadir [6, 61–68-b.].

O'zbekistonda yuridik til va qonun o'rtasidagi o'ziga xoslik shu kunga qadar, asosan, yurisprudensiya doirasida o'rganilgan bo'lib, tilshunoslikda esa amalga oshirilgan ilmiy ishlarning ko'pchiligi yuridik terminologiya muammolarini yoritishga qaratilgan va ular qatorida P.P. Nishonov, G.Y. Gulomova, O.F. Tursunova va M.X. Qosimovalarni alohida ta'kidlashimiz mumkin [7].

Ayniqsa, yurislingvistikaning yurtimizda o'rganilishida Sh. Ko'chimovning ishlari diqqatga sazovordir. Tilshunos olimning "Yu-



ridik til nazariyasi va amaliyoti” nomli monografiyasi va “O‘zbekiston Respublikasi qonunlarining tili”, “Huquqiy normalarni o‘zbek tilida ifodalashning ilmiy-nazariy muammolari” deb nomlangan nomzodlik va doktorlik ilmiy dissertatsiyalarida huquq, qonun va til o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar, qonunchilik uslubiyati, qonun tilining o‘ziga xos xususiyatlari hamda yuridik atamashunoslik muammolari o‘rganilishiga alohida e‘tibor qaratilgan [8].

Shuningdek, olim tomonidan yaratilgan va sohaga oid jahon va mamlakatimizda yuz berayotgan yangiliklar, ko‘plab darslik, o‘quv qo‘llanmalari, lug‘atlar, ilmiy maqolalar hamda ilmiy tadqiqot ishlarini o‘zida jamlagan maxsus veb-sayt ham yurislingvistika bo‘yicha kerakli ma‘lumot olishda asosiy manba vazifasini bajara oladi. Darvoqe, 2019-yil iyun oyida Toshkent davlat pedagogika universiteti katta o‘qituvchisi Qodirjon Mo‘ydinov “O‘zbek tili sud leksikasi” nomli nomzodlik dissertatsiyasi-

ni muvaffaqiyatli himoya qildi [9]. Mazkur ilmiy ish o‘zbek tili sud nutqi leksikasining lingvistik xususiyatlari, ya‘ni sud nutqida uchraydigan leksik birliklarning tuzilishiga ko‘ra turlari va leksik-semantik guruhlarini aniqlash, leksik birliklarning ma‘nodoshlik, zidlik, jins va tur, butun va bo‘lak, darajalanish kabi jihatlarini o‘rganishda har qanday o‘quvchini kerakli ma‘lumotlar bilan ta‘minlaydi [10]. Ammo mamlakatimizda hanuzgacha yuridik diskurs va uning o‘ziga xos lingvistik xususiyatlari bilan bir qatorda pragmalingsvistik xususiyatlari keraklicha o‘rganilmagan. Bu esa, o‘z navbatida, ushbu mavzuni chuqurroq tadqiq etish zaruriyatini tug‘diradi.

#### Material va metodlar

Tabiiyki, tilshunoslikda yuridik diskurs o‘rganilishi ham diskurs singari bir nechta yondashuvlarga asoslanadi va ularni M.E. Mosesova tomonidan ishlab chiqilgan quyidagi jadval asosida ko‘rishimiz mumkin [11, 7-b.].

1-jadval

Yondashuvlar	Mohiyati	Namoyondalari
Sotsiolingsvistik	Yuridik diskursning institutsionallik xususiyatlari va zaruriy elementlar (qatnashuvchilar, xronotop, maqsadlar va b.) mavjudligiga asoslanadi.	V.I. Karasik, I.V. Palashevskaya, O.V. Kosonogova, A.V. Chernishev va boshq.
Pragmalingsvistik	Taktika, strategiya, so‘zlashuv va boshqa shu kabi til vositalarining ma‘lum bir to‘plami tomonidan amalga oshiriladigan kommunikatorlarning nutqiy xulq-atvorini tahlil qilishga qaratilgan.	E.F. Usmonov A.F. Cherdantsev, J.L. Mey va boshq.
Kognitiv	Yuridik soha doirasidagi aloqa ishtirokchilari ongidagi aqliy jarayonga e‘tibor qaratiladi. Natijada esa diskurs freym, konsept va boshqa kognitiv tuzilmalar yordamida modellashtiriladi.	L.V. Pravikova, M. S. Medvedeva, M.V. Laskova va boshq.

Ko‘rinadiki, sotsiolingsvistik yondashuv nuqtayi nazaridan yuridik diskurs status (maqom)-yo‘naltirilganlik va institutsionallik xususiyatlariga ega bo‘lgan, kommunikatsiya holati va kommunikatorlarning yoshi, jinsi, mavqeyi, ma‘lumoti, millati va boshqa shu kabi jihatlariga qarab tavsiflanadi. Ta‘kid-

lash lozimki, kommunikatorlar muloqot jarayonida turlicha rollarni bajaradilar va interlokutor xususiyatlarini ko‘rsatish va muloqot jarayonidan kelib chiqqan holda, bir xil fikrni yetkazish uchun turli xil lingvistik vositalardan foydalanadilar. Misol tariqasida aytish mumkinki, kodeks va boshqa huquqiy



hujjat mualliflari ma'lumotni yetkazish uchun maxsus koddan foydalanadilar, chunki ular ma'lum bir auditoriya-yurist xodimlar uchun mo'ljallangan. Shuning uchun ham maxsus ma'lumotga ega bo'lmagan shaxslar uchun matnda mujassamlangan sof ma'noni qayta tiklash murakkab hisoblanadi. Bu esa yuridik diskursning sotsiolingvistik yondashuv doirasida statusga yo'naltirilganlik xususiyatini ko'rsatadi [12, 5-7-b.]. O.V. Kosonogova esa sotsiolingvistik jihatdan yuridik diskursni institutsional diskursdagi verbal va noverbal belgilar majmuyi bilan ifodalanuvchi semiotik makonga ega bo'lgan diskurs deya baholagan va o'zidagi subyekt, adresat yoki kontent (yoki ushbu tarkibiy qismlardan kamida bittasi)ning yurisprudensiya bilan bog'liqligi yoki boshqa diskurs turlari (tariixiy, siyosiy, harbiy, pedagogik va h.k.) bilan aloqaga kirishish xususiyatiga ko'ra ham sotsiolingvistik yondashuvni o'zida aks ettiradi [13, 61-68-b.].

### **Tadqiqot natijalari**

Pragmalingvistik yondashuv esa yuridik diskursni muloqot jarayonida foydalaniladigan lingvistik vositalar, shuningdek, adresat maqsadi va nutq *strategiya* (kognitiv jarayon, so'zlovchining kommunikativ maqsadini o'ziga xos lingvistik vositalar bilan bog'lashi)-si nuqtayi nazaridan o'rganadi, ya'ni u lokutiv, illokutiv hamda perlokutiv nutq aktlari misolida ko'riladi [14, 280-b.]. Binobarin, mazkur yondashuv sud kontekstida tildan foydalanish masalalari, so'zlovchi maqsadi, nutq strategiyasi va taktikasi, nutqning maqsad va vazifalarini o'rganishni birinchi o'ringa qo'yadi. Shunga muvofiq, kommunikator lingvistik vositalarni tanlaydi. Masalan, sud jarayonida tortishuv elementi muhim ahamiyatga ega bo'lib, ko'rilayotgan ishning natijasi ko'p hollarda advokatning sudyaga qanchalik ta'sir ko'rsata olganligida namoyon bo'ladi. Shunga ko'ra, advokatlar ushbu jarayonda notiq rolini o'z zimmlariga oladilar va ularning ishda qay darajada muvaffaqiyatli bo'lishi ko'p hollarda tanlangan til vositalariga bog'liq. Bu esa ular-

ning yuridprudensiyadan tashqari adabiy va yuridik til me'yorlarini bilishlari kerakligini anglatadi. Shuning uchun xorijiy mamlakatlarda advokatlar boshqa huquq-targ'ibot organlariga qaraganda nisbatan yuqori o'ringa qo'yiladi [15, 90-91-b.].

Yuridik matnlar misolida esa:

*Lokutsiya* – bu matnning o'zi;

*Illokutsiya* – bu shu matnda keltirilgan takliflar, dalillarning ba'zi shakllari;

*Perlokutsiya* – ushbu matnni qabul qiluvchiga ta'siri demakdir.

Demak, pragmalingvistik yondashuv yuridik diskursning lisoniy belgilari bilan birgalikda nolisoniy belgilarini ham o'z ichiga oladi. Bu esa so'zlarning belgilangan terminologik bazadagi ma'nosidan tashqari ma'no ko'chishi tufayli yuzaga kelgan yuridik diskursdagi yangi ma'nosini tushunish ehtiyojini tug'diradi. Buni quyidagi metonomik neologizmdan foydalanilgan misol orqali ko'rib chiqishimiz mumkin:

– *So do you have any tattoos?*

– *No, I'm a cleanskin, can't you tell?*

Berilgan misoldagi "*cleanskin*" so'z birikmasini birinchi navbatda "*a person with no tattoos*", ya'ni "*tatirovkasiz odam*" ma'nosida tushunishimiz mumkin. Lekin yuridik diskursda "*No, I am a cleanskin*" deyish orqali esa ushbu so'zning boshqa "*a person with no criminal record*", ya'ni "*sudlanganligi bo'lmagan shaxs*" yoki "*ilgari sudlanmagan shaxs*" kabi ma'nosiga ega bo'lamiz.

Bundan ko'rinadiki, so'z ma'nosi qachonki konseptual asosi va tegishli diskursi aniq bo'lsagina oydinlashadi.

Kognitiv yondashuv esa yuridik diskursni kommunikatorlar ongida paydo bo'ladigan aqliy obrazlar-freymmlar va ularning interpretatsiyasi (talqini) yuzasidan ko'rib chiqadi, ya'ni ushbu yondashuv diskurs struktura va birliklarining tasnifidan muloqot qatnashuvchilarining ong strukturalarini modellash-tirishga o'tishga imkon beradi va yuridik diskursning kognitiv bazasini modellash-tirish yuridik sohadagi nutqiy aloqaga daxldor

bo'lgan metaforik modellar, diskurs freymi va konsept tahlili orqali amalga oshiriladi [16, 5–7-b.]. Mazkur diskursda qo'llaniladigan *law* (qonun), *right* (huquq), *crime* (jinoyat), *justice* (adolat), *punishment* (jazo), *equality* (tenglik), *proof* (dalil), *judgement* (hukm), *honesty* (halollik/vijdonlilik), *sentence* (hukm) va boshqa shu kabi so'zlarni asosiy konseptlar sifatida ko'rsatishimiz mumkin. Shu o'rinda metaforik modellashtirishda, asosan, yuridik diskursni kognitiv modellashtirish to'g'risida savol tug'ishi tabiiy. Kognitiv modellashtirish asosida inson miyasida voqelik to'g'risidagi to'plangan bilimlarni yig'ish, qayta ishlash, tizimlashtirish va saqlashni ta'minlaydigan sxema yaratiladi. Metaforik modellashtirish yoki kognitiv metaforik nazariya 1980-yilda amerikalik faylasuf va kognitiv tilshunos olimlar G. Lakoff hamda M. Jonsonlar tomonidan rivojlantirilgan bo'lib, ular kognitiv metaforani so'z yoki tilga bog'liq emas, balki fikr va konseptual sistema orqali shakllanadi deb hisoblashadi [17, 5-b.], ya'ni kognitiv lingvistika doirasida tadqiq etiluvchi konseptual metafora ikkita konseptual sohadan (domain) iborat bo'lib, unda bitta domenning metaforik ifodasi boshqasi orqali oydinlashadi. Shunga ko'ra, konseptual metaforalar quyidagi domenlarni o'z ichiga oladi: source domain (manba domeni) va target domain (maqsad domeni) [18, 4-b.]. Ingliz yuridik diskursida manba domeni "war" (urush), "combat" (jang), "attack" (hujum) bo'lgan "*Courtroom trial is a battlefield*" (*Sud jarayoni – bu jang maydoni*) yoki "*Court is war*" (*Sud – bu urush*), "*Cross-examination is a fight*" (*Sud tergov – bu jang*) kabi konseptual metaforalar yuzaga kelgan bo'lib, *courtroom trial* yoki *court* va *cross-examination* domenlari berilgan metaforalarda maqsad domeni vazifasini bajaradi [19, 123-b.]. Bilamizki, urushda tomonlar bir-birlarini mag'lub etishga harakat qilishadi va xuddi shunday sud jarayoni ham taraflar tortishuvi va bahs-munozarasiga asoslanadi. Bu esa kurashda ustunlikni qo'lga kiritishga intilayotgan tomonlarning qarama-qarshiligidagi o'xshashlik berilgan misollarning konseptual

metafora deb atalishiga sabab bo'ladi. Bunday konseptual metaforalarni o'zbek yuridik diskursida ham uchratishimiz mumkin. Masalan, "*Sud – adolat qo'rg'oni*", "*Yuristlar – huquq posbonlari*" yoki "*Qonun himoyachilari*", "*O'g'rilar – jamiyat yarasi*" va hokazo.

Ammo bugungi kunga kelib zamonaviy tadqiqotlarda bir vaqtning o'zida bir nechta ilmiy yo'nalishlarning o'ziga xos xususiyatlarini birlashtiruvchi va diskurs sohasini har tomonlama tahlil qiluvchi integral yondashuv keng qo'llanilmoqda. Natijada bu yondashuv yuridik diskursni kognitiv, lingvistik, madaniy, ijtimoiy va kommunikativ jihatdan ko'rib chiqadi.

### **Tadqiqot natijalari tahlili**

Albatta, har qanday diskurs turining o'rganilishi, avvalambor, uning o'ziga xos maqsad va vazifalarini belgilab olishdan boshlanadi. Zero, ular o'rganilayotgan diskursning boshqa diskurs turlaridan farqli jihatlarini ko'rsatishdagi asosiy omillar sanaladi. Shu qatorda yuridik diskurs ham institutsional diskurs turi sifatida o'z oldiga bir nechta maqsad va vazifalarni qo'yadi.

Ko'plab izlanishlar shuni ko'rsatadiki, yurisprudensiya nuqtayi nazaridan yuridik diskursning yetakchi maqsadi – bu qonun ustuvorligini ta'minlash bo'lib, bunda, asosan, qonunlarga rioya etish, ularni hurmat qilish, jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish va adolatni qaror toptirish ko'zlanadi. Shu bilan birgalikda, ba'zi tadqiqotchilar axborot berish, tahlil qilish, baholash, ta'sir o'tkazish va boshqa qator maqsadlarni ham qo'shishgan va shu maqsadlardan kelib chiqqan holda, yuridik diskursning o'ziga xos vazifalarini ham qayd etishgan. Shunday tadqiqotchilardan biri I.V. Palashevskaya quyidagi sakkizta vazifalarni sanab o'tadi: 1) *tartibga soluvchi* (регулятивная) – yuridik institut agentlari, agentlar va mijozlar o'rtasida, umuman olganda, huquqiy institut hamda jamiyat o'rtasidagi o'zaro harakatlarni belgilaydigan norma va qadriyatlarini o'rnatish va tartibga solish; 2) *ijro etuvchi/performativ*

(перформативная) – qonun dunyosini tashkil etuvchi kommunikativ amaliyot va faoliyatlarni amalga oshirish; 3) *axborot beruvchi* (информативная) – yuridik kommunikativ jarayondagi ma'lum ma'lumotlarni yaratish va uzatish;

1) *prezentativ* (презентационная) – yuridik institut va vakillarining o'ziga xos qiyofasi hamda qonun mavqeyini namoyish etish;

2) *izohlovchi/talqin qiluvchi* (интерпретационная) – yuridik muloqot ishtirokchilarining kommunikativ harakatlari va ularga tegishli bo'lgan huquqiy matnlar (hujjatlar) ma'nolarini izohlash;

3) *kumulyativ* (кумулятивная) – tarixiy jihatdan yuridik ma'lumotlarni to'plash, saqlash va tahlil qilish, ya'ni "institutsional xotira"ni yaratish;

4) *strategik* (стратегическая) – muloqot maqsadiga erishishda me'yoriy shartli strategiya va o'zaro ta'sir taktikasini tanlash;

5) *kodlovchi* (кодовая) – institutsional faoliyatning maqsad va vazifalarini amalga oshirish va diskurs agent va mijozlari o'rtasida chegara o'rnatishda samarali bo'lgan maxsus tilni yaratish [20, 536-b.].

I.A. Vinogradovga ko'ra, yuridik aloqaning quyidagi vazifalari mavjud [21, 124-125-b.]:

*normativ* (нормативная) – jamiyatdagi barcha axloq-odob qoidalari va me'yorlarini tartibga solish;

*performativ* (перформативная) – yuridik institutlar tomonidan qabul qilingan yoki e'lon qilingan ko'rsatmalar yoki harakatlarning aniq bajarilishini ta'minlash;

*deklarativ* (декларативная) – huquqiy qadriyatlar, ko'rsatmalar va g'oyalar haqida xabar berish;

*preskriptiv* (прескриптивная) – muayyan harakatlarning bajarilishi yoki bajarilmasligi bo'yicha ko'rsatmalarni amalga oshirish;

*informativ* (информационная) – yuridik ma'lumotni yuridik matnlar orqali adresatga uzatish;

*analitik* (аналитическая) – yuridik matnlarda normativ-huquqiy aktlar, sud qarorlari va b.larni tahlil qilish;

*prezentativ* (презентационная) – yuridik institutlarning ijobiy obraz/ko'rinishini yaratish;

*baholovchi* (оценочная) – yuridik diskurs doirasidagi shaxslar xatti-harakatlarini baholash;

*parollovchi* (парольная) – yuridik institut mutaxassisleri hamda foydalanuvchilari o'rtasidagi chegarani belgilash.

Ko'rinadiki, nomlanishidagi farqni hisobga olmagan taqdirimizda ikkala yuridik diskurs vazifa turlari bo'linishi orasidagi farq sezilarli emas va berilgan ma'lumotlarga asoslanib, biz ham mazkur vazifa turlarini izohlashga harakat qildik. Avvalo, qonun o'z tabiatiga ko'ra tartibga solish xususiyatiga ega bo'lib, uning maqsadi ijtimoiy jarayonlarni tartibga solishdir. Tartibga solish deyilganda esa shaxslar xulq-atvoriga chegara belgilash, ijtimoiy munosabatlarga barqarorlik, tartib-intizom kabi me'yorlarni singdirish hamda ularni ma'lum yo'nalishga yo'naltirish nazarda tutiladi. Yuridik diskursning bu vazifasi uning asosini tashkil etuvchi "qonun" va "huquq" tushunchalarida aks etadi, ya'ni yuridik diskursning normativ asosini konstitutsiyaviy normalar va tartibga soluvchi, rasmiy qoidalar hamda ijtimoiy xatti-harakatlarning norasmiy ko'rsatkichlari tashkil etadi. I.A. Vinogradov ham normativlikni yuridik diskursning asosiy funksiyasi sifatida ko'rsatib, jamiyatda xulq-atvor normalari tizimi bolalikdan boshlab belgilanishi hamda ushbu normalar va qoidalarni buzganlik uchun kodeks va boshqa qonun hujjatlarida jazoning mustahkamlanganligini alohida ta'kidlab o'tadi [21].

Shubhasiz, yuridik til, birinchi navbatda, o'z ishtirokchilariga ega bo'lgan institutsional munosabatlar doirasidagi ma'lum bir ijtimoiy ahamiyatga ega harakatlarni amalga oshirish maqsadida qo'llaniladi. Shu nuqtayi nazardan, performativlik (ingliz tilida "perform" – "ijro etish") mashhur tilshunos J. Ostin tomonidan

nutq orqali harakatni bajarish deb ta'riflangan: "to say is to do something" – "so'zlash biror-bir harakatni bajarishni anglatadi" [22, 122-129-b.]. Performativ (ijro etuvchi) gaplar tarixda, asosan, urushni e'lon qilishda, qasamyod qilish, vasiyatnoma tuzish, va'da berish, garov tikish bo'yicha takliflar va bitim tuzish haqidagi takliflarda ishlatilgan. Yuridik diskurs misolida shu diskursning ishtirokchilari ham so'zlash orqali ma'lum bir harakatlarni amalga oshiradi. Binobarin, qonun chiqaruvchilar qonun loyihalarini o'rganib, muhokama qiladilar, zaruriy holatlarda o'zgartirish kiritadilar va qabul qiladilar. I.A. Vinogradov fikricha esa performativ gaplar, asosan, oltita zaruriy belgiga ega bo'lishi kerak: 1) ma'lum bir an'anaviy tartibga ega bo'lishi; 2) unga muayyan shaxslar yoki holatlar mos kelishi; 3) bu uning barcha ishtirokchilari tomonidan to'g'ri va 4) to'liq bajarilishi; 5) shu ishtirokchilar muayyan maqsadlarga ega bo'lishi va 6) shu tartib doirasida o'zlarini tuta bilishlari kerak. Shuningdek, performativ harakatning natijasi ham katta ahamiyatga ega, chunki bu mavjud holatning o'zgarishi yoki o'zgarmay qolishini belgilaydi. Masalan: *Sud tomonidan sudlanuvchi bir yil muddatga axloq tuzatish ishlariga hukm qilindi*. Agar bu ma'lumot sudlanuvchiga sudya tomonidan emas, boshqa bir shaxs tomonidan berilsa, u kasbiy fikr xarakteri va yuridik kuchga ega bo'lmaydi.

Preskriptiv vazifa esa aloqa funksiyasi va ta'sir funksiyasini birlashtiradi: yuridik diskurs yuridik ma'lumotni yetkazadi va qonun normalariga mos kelmasa, qanday jazo tayinlanishini belgilaydi.

Prezentativ vazifa yuridik tashkilot xodimlarining ijobiy fazilatlarini odamlar ongida mustahkamlashdan iborat bo'lib, asosiy sifat – professionallik hisoblanadi.

Yuridik diskursning strategik funksiyasi muloqot jarayonida ma'lum bir maqsadga erishish uchun normativ-shartli strategiyalar va taktikalarni tanlash natijasida yuzaga keladi. Mashhur huquqshunos S.S. Alekseev e'tiroficha, "Strategiya – bu o'zaro institutsional mu-

nosabatlarning muayyan holatlarida qonun vositalari yordamida o'z maqsadiga erishmoqchi bo'lgan muloqot ishtirokchilari tomonidan qo'llaniluvchi kommunikativ harakatlar dasturi sanaladi. Shunday ekan, yuridik diskurs ham strategikdir, chunki u "hayotiy vaziyatlar"ga daxldor bo'lgan yuridik vaziyatlarni hal qilish uchun ham mavjud" [23]. Berilgan fikrlarga asoslanib, aytishimiz mumkinki, strategik funksiya deyilganda, hayotiy vaziyatlar, ya'ni kafillik, shartnoma yoki bitim tuzish, ijara masalalari, talonchilik, qotillik va b.larni qonuniy hal etishda turli xil strategiya (muzokara, tergov/so'roq qilish, sud majlisi va h.k.)lardan foydalanish nazarda tutiladi. Bunday diskurs strategiyalarini qo'llash esa muloqotning tegishli nutq vositalari hamda shunga mos foydalanilgan janrlar orqali kelib chiqadi va natijada shu janrlarning asosiy bo'lagi hisoblanadigan nutq aktlari (taktika)ga murojaat etiladi: direktiv, imperativ, performativ, deklarativ va b.

Yuridik diskursning parollovchi yoki kodlovchi vazifasi maxsus so'zlashuv belgilaridan foydalanishdan iborat bo'lib, bundan ko'zlangan asosiy maqsad yuridik institut mutaxassislari doirasini shu institut xizmatidan foydalanuvchi shaxslardan cheklashdir. Shu maqsadda yuridik mutaxassislar ko'p holatlarda muayyan kasbiy terminologiya va boshqalarga tushunarsiz bo'lishi mumkin bo'lgan qisqartmalardan foydalanadilar. Masalan, ingliz tilidagi *B.A.P – Bankruptcy Appellate Panel; CL – Common law; JUST – justice*; o'zbek tilidagi *JPK – Jinoyat-prosessual kodeksi; FK – Fuqarolik kodeksi; BMT – Birlashgan Millatlar Tashkiloti* va b.lar yuridik qisqartma terminlariga misol bo'la oladi.

Mazkur diskursning axborot berish vazifasi qabul qilingan qonun, qaror, shartnoma, shikoyat, ariza va bayonot matnlarida yuzaga keladi. Ta'kidlash joizki, yuridik xabarni izohlashda talqin qiluvchi shaxsning matnni to'g'ri, o'z ma'nosida tushunishi muhimdir. Negaki aniqlik nuqtayi nazaridan olib qaraganda, o'quvchining matnni talqin qilishi bilan muallif



talqini o'rtasida sezilarli farq bo'lishi tabiiy. Shu bilan birga, yuridik matnlarni talqin qilish yagona asosiy qoidaga asoslanishini unutmasligimiz kerak, u ham bo'lsa matnning faqat bitta to'g'ri ma'noga egaligidir. Aksincha, tushunish esa sud yoki boshqa davlat organlarining to'g'ri qaror chiqarishiga to'sqinlik qilishi mumkin.

O'tmish va ko'p asrlik tajriba bilan bog'langan holda, yuridik diskurs kumulyativ funksiyasini amalga oshiradi, ya'ni bunda lingvistik shakllar davomiyligi hamda huquqiy klishelardan foydalanish an'analari saqlab qolinadi, ular: marosim iboralari, qonunchilik hokimiyatini ifodalovchi etnik qoidalar va maxsus qoliplar. Masalan, ingliz tilidagi: *"as her Majesty shall appoint/ shall think"*; *"May I respectfully draw the court's attention to..."*, *"overruled"* yoki o'zbek tilidagi: *"Hurmatli, raislik qiluvchi"* *"jazo tayinlansin"*, *"ozodlikdan mahrum etildi"*, *"ruxsat berishingizni so'rayman"*, *"qaror qilindi"*, *"zaruriy choralar ko'rilsin"*, *"jinoyat ishi ko'rib chiqilsin"* va b.lar.

Lingvistik jihatdan esa biz ko'proq Sh. Ko'chimovning yurislingvistika haqida keltirilgan fikrlariga tayanishni ma'qul deb bildik, chunki yuridik diskurs aynan shu soha-ning obyektini hisoblanadi. Tilshunos olim til va qonun o'rtasidagi munosabatlarni baholab, quyidagi maqsad va vazifalarni sanab o'tadi:

- yuridik til va yuridik nutqqa doir nazariy bilimlarni muttasil takomillashtirish;

- qonun tili, qonunchilik uslubi va qonunchilik texnikasi masalalarini ilmiy-amaliy tadqiq etish;

- qonun loyihalarida huquqiy normalarni ifodalashning metodologik asoslarini ishlab chiqish;

- amaliyotda qonunni qo'llash uchun qiyinchilik tug'dirayotgan ifoda usullarini aniqlash va uning samarali ifoda shakllarini tavsiya etish;

- yuridik terminlarni unifikatsiya qilish va ularni barqarorlashtirish;

- yuridik tarjimashunoslik, yuridik lug'atshunoslik va yuridik texnika masalalari.

- yuridik nutq nazariyasini ilmiy-nazariy tahlil etish;

- huquq va til ilmlarining o'zaro "kesishgan nuqtasi"ni, huquqning rivojida til, tilning taraqqiyotida huquqning vazifalarini belgilash;

- mamlakat va jamiyat rivojida davlat tili, yuridik til hamda yuridik nutqning o'rni va rolini o'rganish va b.lar [24].

### **Xulosalar**

Shundan kelib chiqqan holda, bizning nazarimizda, ushbu ro'yxatni yanada kengaytirib, yuridik diskursning maqsadlari qatoriga quyidagilarni ham qo'shish mumkin:

- yuridik muloqot ishtirokchilari o'rtasidagi o'zaro ta'sir va munosabatlarni tahlil etish;

- yuridik til hamda og'zaki va yozma yuridik nutqning o'ziga xos lingvistik, ekstralingvistik xususiyatlarini o'rganish;

- yuridik til va yuridik nutqda qo'llaniladigan terminlarning strukturaviy, semantik va nominativ xususiyatlarini aniqlash, ularning tasnifiy muammolari va shakllanish tarixini o'rganish;

- shunga muvofiq, yuridik matnlarda terminlarni to'g'ri qo'llash qonuniyatlarini yaratish;

- yuridik nutq ritorikasiga xos xususiyatlarni o'rganish va yurist huquqshunolar nutqidagi ta'sirchanlik, soflik, soddalik, jo'yalilik, ifodalilik va boshqa sifatlarni tadqiq etish;

- yuridik til va nutqning soha doirasida bo'lmagan shaxslar uchun ham tushunarligini ta'minlash maqsadida lingvo-yuridik xususiyatlarini ochib berish va hokazo.

Shunday qilib, yuridik diskursning tilshunoslikda o'rganilishi tilshunoslikning nisbatan yangi paydo bo'lgan "Yurislingvistika" yoki "Lingvoyuristika" va chet el amaliyotida "Forensic linguistics" sohalari bilan aloqador hisoblanadi. Hozirgi kunga qadar ushbu soha rivojiga nafaqat xorijiy, balki o'zbek olimlari ham o'z hissalarini qo'shishgan. Shuningdek, tilshunoslikda yuridik diskurs, asosan, uchraydigan doirasida o'rganiladi



va boshqa institutsional diskurs turlari kabi yuridik diskurs ham o'z maqsad va vazifalari-

ga ega bo'lib, ular mazkur diskurs mohiyatini anglashdagi birlamchi omillardir.

## REFERENCES

1. Barabash O.V. Jurislingvistika: istoki, problemy, perspektivy [Forensic linguistics: origins, problems, prospects]. Vestnik Penzenskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of Penza State University, 2014, no. 2 (6).
2. Mirhamidov M., Norpo'latov N., Hamidov S. Yuristning nutq madaniyati [The culture of speech of a lawyer]. Tashkent, Fan va texnologiyalar, 2005.
3. Gibbons J. Forensic Linguistics. An introduction to language in the justice system. UK, Blackwell Publishing, 2003; Olsson J. Forensic Linguistics: An introduction to Language, Crime and the Law. London, Continuum, 2004; Conley J.M., O'Barr W.M. Rules versus Relationships: the Enthography of Legal Discourse. Chicago, London.
4. Golev N.D. Juridicheskij aspekt jazyka v lingvisticheskom osveshhenii. Jurislingvistika-1. Problemy i perspektivy [The legal aspect of language in linguistic coverage. Legal Linguistics-1. Problems and prospects]. Barnaul, 1999.
5. Stupnikova L.V. Sushhnost' i osobennosti juridicheskogo diskursa anglijskogo prava [The essence and features of the legal discourse of English law]. Vestnik MGLU – MSLU Bulletin, 2007, No. 519.
6. Kosonogova O.V. Harakteristiki juridicheskogo diskursa: granicy, sodержanie parametry [Characteristics of legal discourse: boundaries, content parameters]. Gumanitarnye nauki: Istoricheskaja i social'no-obrazovatel'naja mysl' – Humanities: Historical and social-educational thought, 2015, No. 1 (7).
7. G'ulomova G.Y. O'zbek yuridik terminologiyasining istiqloq davri taraqqiyoti. Filol. fan. nomz. dis. [The development of Uzbek legal terminology in the period of independence. Abstract of the thesis. dis. Cand. Phil. Sciences]. Tashkent, 2004; Kasymova M.X. Strukturno-sistemnye osobennosti juridicheskoy terminologii uzbekskogo jazyka. Dis. kand. filol. Nauk [Structural and systemic features of the legal terminology of the Uzbek language. Dis. candidate of philological sciences]. Tashkent, 1986; Tursunova O.F. O'zbek davlatchiligi tarixida qo'llanilgan huquqiy terminlarning lisoniy tadqiqi [Linguistic study of legal terms used in the history of the Uzbek statehood]. Tashkent, 2007; Nishonov P.P. Fransuz va o'zbek tillari yuridik terminologiyasining qiyosiy-tipologik tadqiqi. Filol. fan. nomz. dis. avtoref [Comparative and typological study of the legal terminology of the French and Uzbek languages. Abstract of the dissertation of the Candidate of Phil. Sciences]. Tashkent, 2009.
8. Ko'chimov Sh.N. Huquqiy normalarni o'zbek tilida ifodalashning ilmiy-nazariy muammolari (lingvo-yuridik tahlil) [Scientific and theoretical problems of the expression of legal norms in the Uzbek language (linguistic and legal analysis)]. Tashkent, 2004. Available at: <http://www.yurislingvistika.ukit.me/>; Q.A. Mo'ydinov. O'zbek tili sud nutqi leksikasi. Filol. fan. nomz. dis. avtoref. [The Uzbek language is the lexicon of judicial speech]. Tashkent, 2019.
9. Mosesova M.Je. Jazykovaja reprezentacija kategorii performativnosti v anglojazychnom juridicheskome diskurse (na materiale tekstov mezhdunarodnyh konvencij). Avtoref. dis. kand. fil. Nauk [Linguistic representation of the category of performativity in the English legal discourse (based on the texts of international conventions). Abstract of the dissertation of the Candidate of Phil. Sciences]. Pjatigorsk, 2020.
10. Atabekova A.A., Vasilenko L.Ju. O sovremennykh issledovaniyakh juridicheskogo diskursa [About modern research of legal discourse]. Vestnik RUDN. Seriya Voprosy obrazovaniya: jazyki i special'nost' – RUDN Bulletin. Series Educational issues: languages and specialties, 2020, no. 1.
11. Balamakova A.V. Kommunikativno-pragmaticheskaja interpretacija intonacii voprositel'nogo vyskazyvaniya v ustnom juridicheskom diskurse (na materiale amerikanskogo varianta anglijskogo jazyka. Avtoref. dis. kand. fil. nauk) [Communicative-pragmatic interpretation of the intonation of an

interrogative statement in oral legal discourse (based on the American version of the English language). Abstract of the thesis. dis. Cand. Phil. Sciences]. Ivanovo, 2010.

12. Coulthard M., Johnson A. An Introduction to Forensic Linguistics: Language in Evidence. London; New York, Routledge, 2007.

13. Makarov M.L. Osnovy teorii diskursa [Fundamentals of the theory of discourse]. Moscow, ITDGK «Gnozis», 2003.

14. Mazneva Ju.A. O juridicheskom diskurse i ego funkciyah [About the legal discourse and its functions]. Filosofija prava – Philosophy of Law, 2015, no. 5 (72).

15. Pozzo B. Ordinary Language and Legal Language. Milan, Giuffrè Editore, 2005.

16. Soloshenko A. Emotions in Legal Fiction: Conceptual Metaphors and Cross-Domain Mapping with ATLAS.ti. Université De Strasbourg, 2016.

17. Kövecses Z. Metaphor, A Practical Introduction. Oxford, Oxford University Press, 2002.

18. Palashevskaja I.V. Funkcii juridicheskogo diskursa i dejstvija ego uchastnikov [The functions of the legal discourse and the actions of its participants]. Izvestija Samarskogo nauchnogo centra Rossijskoj akademii nauk – Proceedings of the Samara Scientific Center of the Russian Academy of Sciences, 2010, no. 5 (2).

19. Vinogradov I.A. Svojstva, funkcii i jazykovye cherty juridicheskogo diskursa [Properties, functions and linguistic features of legal discourse]. Vestnik MDU im. A. A. Kuljashova – Bulletin of the A.A. Kulyashov Moscow Road University, 2018, no. 1 (51).

20. Goodrich P. Legal discourse: Studies in Linguistics, Rhetoric and Legal Analysis. London, The Macmillan Press LTD.

21. Malinovskaja T.N., Menshhikova G.A. Osobennosti anglojazychnogo juridicheskogo diskursa v kognitivno-pragmaticheskom aspekte (based on the films «deja vu», «the judge») [Features of the English-language legal discourse in the cognitive-pragmatic aspect (based on the films “deja vu”, “the judge”)]. Filologija i chelovek – Philology and man, 2020, no. 2.

22. Ko'chimov Sh.N. O'zbekiston Respublikasi qonunlarining tili. Filol. fan. nomz. dis. [Language of laws of the Republic of Uzbekistan. Abstract of the dissertation of the Candidate of Phil. Sciences]. Tashkent, 1995.

# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/3

ISSN 2181193



9 772181 193800

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Нодирбек Салаев**

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:**

**Исломбек Рустамбеков**

Ўқув ишлари бўйича проректор

**Масъул муҳаррир:** Х. Салоева

**Муҳаррирлар:** А. Каримов, Ф. Муҳаммадиева,  
С. Абулқосимова, Ш. Жаҳонов,  
Е. Ярмолик

**Техник муҳаррирлар:** У. Сапаев, Д. Ражапов

**Таҳририят манзили:**

100047. Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Тел.: (0371) 233-66-36, 233-41-09.

Факс: (0371) 233-37-48.

**Веб-сайт:** [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)

**E-mail:** [lawjournal@tsul.uz](mailto:lawjournal@tsul.uz)

**E-mail:** [iztdyu@mail.ru](mailto:iztdyu@mail.ru)

Журнал 13.12.2021 йилда типографияга  
топширилди. Қоғоз бичими: А4.  
Шартли 18,48 б.т. Адади: 100. Буюртма: № 68.

ТДЮУ типографиясида чоп этилди.